

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТДПУ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**Н.МУСЛИМОВ, М.УСМОНБОЕВА,  
Д.САЙФУРОВ, А.ТЎРАЕВ**

# **ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Тошкент – 2015

**Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент: 2015. – 208 бет.**

Ўқув-методик қўлланма А-1-141 **“Олий таълим муассасалари педагоглари кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли Web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш”** мавзусидаги грант лойиҳаси асосида яратилган. Унда инновацион, модул, ҳамкорлик, интерфаол, муаммоли, модул, масофавий, компьютер, лойиҳа, ривожлантирувчи, табақалаштирилган, индивидуал, дастурий ва мустақил таълим технологияларининг моҳияти, назарий асослари ва турлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ўйин технологияларининг таълим жараёнида ўқувчи, талабаларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштириш, ўқитиш самарадорлигини оширишдаги ўрни ва роли очиб берилган.

Ушбу ўқув-методик қўлланма узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган педагоглар, касбий компетентлигини ривожланиш истагида бўлган ёш ўқитувчилар ҳамда таълим жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш масаласига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:**

Педагогика фанлари доктори,  
профессор **Ў.Қ.Толипов**

Педагогика фанлари номзоди,  
доцент **М.М.Алиқулова**

Ўқув-методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгаши йиғилишининг 6-сонли қарори (“24” декабр 2015 йил) билан нашрга тавсия этилган.

© Низомий ТДПУ ҳузуридаги ПКҚТ МО  
тармоқ маркази, 2015 йил

## СЎЗБОШИ

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истикболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инobatга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида турли ихтисосликлар ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида “Инновацион таълим технологиялари” ўқув модулининг ўқитилаётганлиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари учун шароит яратиш, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вақтда “Инновацион таълим технологиялар” ўқув модули олий таълим педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишларига ёрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар инновацион таълим технологияларининг моҳияти, муҳим асослари билан танишади,

касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали тадбиқ этиш йўлларида хабарор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнида талабаларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

## ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

### Режа:

1. Шахсга йўналтирилган таълим турлари.
2. “Инновацион таълим технологиялари” ва “таълим инновациялари” тушунчаларининг моҳияти.
3. Педагогнинг инновацион фаолияти.
4. Инновацион характердаги назорат воситалари.

**Таянч тушунчалар:** шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган таълим турлари, инновация, инновацион таълим, инновацион фаолият, инновацион жараён, педагогнинг таълим жараёнига инновацион ёндошуви, педагогда таълим жараёнига инновацион ёндошувни қарор топтириш, инновацион таълим технологиялари (ТТ), ўқув портфолиоси, “ассесмент” технологияси.

**I. Шахсга йўналтирилган таълим турлари.** Глобаллашув шароитида таълим шахсни ҳар томонлама вояга етказиш, унда комиллик ва малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бугунги тезкор давр таълим олувчилар, шу жумладан ўқувчиларни ҳам қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан қуроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

**Шахсга йўналтирилган таълим** – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим

Бу таълим ўқитиш муҳитининг талаба имкониятларига мослаштирилишини назарда тутати. Унга кўра таълим муҳити, педагогик шарт-шароитлар, таълим ҳамда тарбия жараёнини тўлалигича талабанинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини ривожлантириш, шахс сифатида камолотга етишини таъминлаш, тафаккури ва дунёқарашини бойитишни назарда тутати.

**Шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос жиҳати таълим олувчи шахсини тан олиш, уни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай, зарур муҳитни яратишдан иборат**

Бу турдаги таълим талабаларда мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарлик каби сифатлар, шунингдек, мустақил, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга хизмат қилади. Бу турдаги таълимни ташкил этишда педагоглардан ҳар бир талаба имкон қадар индивидуал ёндашишни, унинг шахсини ҳурмат қилишни, унга ишонч билдириш тақозо этилади. Қолаверса, шахсга йўналтирилган таълим ўқитиш жараёнининг иштирокчилари педагог-талаба ёки талаба-талаба, талаба-талабалар гуруҳи, талаба-талабалар жамоаси тарзида ўзаро ҳамкорликда билим олиш, шахс сифатида камол топтириш учун қулай педагогик шароитни яратиш заруриятини ифодалайди.

Педагог таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим турларидан фойдаланар экан, бир қатор шартларга қатъий риоя этиши керак.

- ҳар бир талабани алоҳида, ўзига хос шахс сифатида кўра олиши;
- талабани ҳурмат қилиши;
- талабанинг руҳий ҳолатини тўғри баҳолай олиши;
- талабанинг хоши-истак, қизиқишларини инобатга олиши;
- ҳар бир талабага нисбатан толерант муносабатда бўлиши;
- талабанинг кучи, имконияти ва интилишларига ишонч билдириши;
- ҳар бир талаба ўқув фанлари асосларини етарлича ўзлаштира олиши учун қулай таълим муҳитини яратиши;
- талабаларнинг мустақил ёки кичик гуруҳларга эркин ишлашлари учун имконият яратиш;
- талабаларни ўз фаолиятларини мустақил назорат қилиш, фаолияти самарадорлигини аниқлаш, ютуқларнинг омиллари ва йўл қўйилган хатоларнинг оқибатларини таҳлил қилиш ўргатиш;
- таълим жараёнида ҳеч бир талабага тазйиқ ўтказмалиги;
- алоҳида талабанинг камчиликларини бўрттириб кўрсатмаслиги;
- борди-ю, талаба томонидан билимларни ўзлаштира олмаслик, таълим жараёнида ўзини одобсиз тутиш ҳолати қайд этилса, у ҳолда қатъий хулоса чиқармасдан, бунинг сабабларини аниқлаш;
- аниқланган сабаблар асосида талабанинг шаъни, ғурурига зиён этказмаган ҳолда у томонидан билимларни ўзлаштира олмаслик, ўзини одобсиз тутиш каби ҳолатларни бартараф этиш;
- таълим жараёнида ҳар бир талаба учун “муваффақият муҳити”ни ярата олиш;
- ҳар бир талабага таълим олиша муваффақиятга эриша олишига ёрдам бериш;
- талабанинг қобилиятини ўстириш, шахс сифатида ривожланишига ёрдам бериш;
- талабанинг шахсини эмас, балки унинг аниқ хатти-ҳаракатларини баҳолаши;
- педагог сифатида ҳар бир талабанинг ҳурмати ва ишончини қозона олиши зарур

Шахсга йўналтирилган таълим, талабани таълим тизимига мослаштиришни эмас, аксинча, унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳар томонлама ривожланиши, шахс сифатида камолотга етиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни назарда тутди. Бу турдаги таълим талабаларни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил билим олишга, ўзининг ички имкониятлари, қобилиятларини тўла намоеън эта олиши, билиш фаоллигини ошириш учун зарур шароитни вужудга келтириши

зарур. Талабалар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқув материални ўзлаштиришга ижодий, танкидий ёндошишни, янги ғояларни илгари суриш, уларни асослаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, муаммоли вазиятларда самарали ечимни топиш, билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Педагог томонидан таълим жараёнида инновацион характерга эга турли фаол методларнинг қўлланилиши, талабаларни ривожлантириш, қобилиятларини янада ўстиришга хизмат қилади. Хусусан:

- муаммоли изланиш;
- кичик тадқиқотларни олиб бориш;
- дебат;
- баҳс-мунозара;
- эвристик суҳбат;
- кичик гуруҳларда ишлаш ва б.

Машғулотларини ташкил этишда педагоглар ўқув ахборотларининг талабалар билим, кўникма, малака ва тажрибаларига таянган ҳолда уларни қизиқтира оладиган, фикрлашга, ижодий ёндашишга ундайдиган имкониятга эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Таълим жараёнида педагоглар томонидан:

- турли шакл, метод, восита ва технологиялардан самарали, мақсадли фойдаланиш;
- ўқув топшириқларини бажаришда талабаларга усулларни мустақил танлаш имконини бериш;
- талабани жуфтликда, кичик гуруҳда ва жамоада ишлашини таъминлаш;
- машғулотларнинг лойиҳалаштирилишига эътиборнинг қаратилиши нафақат ўқитиш сифатини яхшилайдиган, самарадорлигини оширади, шу билан бирга талабалар шахсининг ривожланиши учун қулай шароитни вужудга келтиради

Энг муҳими педагоглар ўқув машғулотларининг нафақат ахборот бериш, балки ривожлантириш характерига эга бўлишларига эътиборни қаратишлари зарур. Шунингдек, муҳокама қилинаётган масала, муаммо, ўрганилаётган мавзу юзасидан талабаларнинг мустақил фикр билдиришлари (нотўғри бўлса-да, фикр билдиришлари)га имкон бериш, нима бўлганда ҳам уларни ўйлашга, фикрлашга ундаш шахсга йўнатирилган таълимга хос муҳим белгилардан бири саналади.

Таълим жараёнида қуйидагилардан фойдаланиш шахсга йўналтирилган таълимнинг яна бир белгисидир:

- ижодий топшириқлар;
- креатив ёндашишни тақозо этувчи вазифалар;
- муаммоли вазиятлар;
- ролли ва ишбилармонлик ўйинлари;
- баҳс-мунозара, дебат;
- мусобақа кўринишидаги беллашувлар

Айни вақтда шахсга йўналтирилган таълимнинг қуйидаги турлари фарқланмоқда (1-расм):



*1-расм. Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий турлари*

**II. “Инновацион таълим технологиялари” ва “таълим инновациялари” тушунчаларининг мазмуни.** Лугавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди.

**Инновация** – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovations” – киритилган янгилик, ихтиро) – 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”<sup>1</sup>.

А.И.Пригожиннинг фикрига кўра, инновация мақсадга мувофиқ равишда муайян ижтимоий бирлик – ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга нисбатан муносабатга янгича ёндашиш, бу муносабатни бир қадар турғун элементлар билан бойтиб бориш тушунилиши лозим. Бу ўринда англандики, муаллифнинг қарашлари бевосита ижтимоий муносабатлар, уларга нисбатан инновацион ёндашиш моҳиятини ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахс фуқаро, мутахассис, раҳбар, ходим, колаверса, турли ижтимоий муносабатлар жараёнининг иштирокчиси сифатида ўзига хос инноватор фаолиятни ташкил этади.

Америкалик психолог Э.Роджерс ўз тадқиқотларида инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ижтимоий муносабатларга янгилик киритиш, бу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг тоифалари, уларнинг янгиликка бўлган муносабатлари, янгиликни қабул қилиш, моҳиятини англашга бўлган тайёрлик даражаси ҳамда муайян шахслар тоифалари ўртасидаги инновацион

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир хайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.

характерга эга ижтимоий муносабатларнинг таснифи масалаларини ўрганган.


**Инновацион таълим** (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) – таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим

Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

**Таълим инновациялари** – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндошув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Улар (2-расм):



## 2-расм. Таълим инновацияларининг асосий турлари

Инновациялар турли кўринишга эга. Куйидагилар инновацияларнинг асосий **кўринишлари** саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндошувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш **мақсади** кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

*Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгилиниш)** деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндошув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у **инновация (янгилик киритиш)** деб*

Илмий адабиётларда “новация” (янгилиниш, янгилик) ҳамда “инновация” (янгилик киритиш) тушунчаларининг бир-биридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, В.И. Загвязинскийнинг эътироф этишича, “янги”, “янгилик” тушунчаси нафақат муайян ғояни, балки ҳали амалиётда фойдаланилмаган ёндошув, метод ҳамда технологияларни ифодалайди. Аммо бунда жараён элементлари яхлит ёки алоҳида олинган элементларан иборат бўлиб, ўзгариб турувчи шароит ва

вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш гоъларини ўзида акс эттиради.

Дарҳақиқат, янгилик – восита саналиб, у аксарият ҳолатларда янги метод, методика, технология ва б. кўринишида намоён бўлади.

Моҳиятига кўра новация ва инновация ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Улар қуйидагилардир (1-жадвал):

### 1-жадвал

#### Новация ва инновациялар ўртасидаги асосий фарқлар

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади; 3) методлар янгиланади; 4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

И.П.Подласыйнинг фикрига кўра, таълим инновационлари қуйидаги **ўзгаришлар**га олиб келади:

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- ўқувчи (талаба) фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши

**III. Педагогнинг инновацион фаолияти.** Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, Х.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем, Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина ҳамда В.А.Сластенин каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор билиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмунини ёритилган.

Моҳиятига кўра инновациялар муносабат ёки жараёнга янгилик киритишнинг динамик тизими саналади. Ўз-ўзидан тизим сифатида янгилик киритириш муносабат ёки жараённинг, биринчидан, ички мантиғини, иккинчидан, киритилаётган янгиликнинг муайян вақт оралиғида изчил ривожланиши ва атроф-муҳитга кўрсатадиган ўзаро таъсирини ифодалайди.

В.А.Сластенин инновацияни янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланишга қаратилган мақсадга мувофиқ, йўналтирилган жараёни мажмуи деб билади. Муаллифнинг фикрига кўра ҳар қандай инновация янги воситалар ёрдамида ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжини қондириш ва интилишларини рағбатлантириш мақсадини кўзлайди.

Ҳар қандай инновацияда “янги”, “янгилик” тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Турли муносабат ва жараёнларга киритилаётган янгилик мазмунан хусусий, субъектив, маҳаллий ва шартли ғоялар тарзида намоён бўлади.

Хусусий янгилик муносабат, объект ёки жараёнга тегишли элементлардан бирини ўзгартириш, янгилашни назарида тутати.

Субъектив янгилик маълум объектнинг ўзини янгилаш заруриятни ифодалайди.

Маҳаллий янгилик алоҳида олинган объект учун киритилаётган янгиликнинг амалий аҳамиятини тавсифлаш учун хизмат қилади.

Шартли янгилик эса муносабат, объект ёки жараёнда мураккаб, прогрессив янгиланишнинг содир этилишини таъминловчи маълум элементларнинг йиғиндисини ёритишга хизмат қилади.

Р.Н.Юсуфбекова инновацияларни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқишга эътиборни қаратади. Хусусан, педагогик инновациялар муаллиф томонидан таълим ва тарбия жараёнида аввал маълум бўлмаган, қайд қилинмаган ҳолат ёки натижага олиб боровчи педагогик ҳодисанинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни эканлиги таъкидланади. Россиялик олимлар – А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, Н.П.Степанов ва б. эса инновацион жараён ҳамда унинг таркибий қисмларини ўрганишга эътиборни қаратган. Бу ўринда улар инновацион жараённинг ташкил этилишига нисбатан қуйидаги икки ёндошув мавжуд эканлигини эътироф этади:

1) янгиликнинг индивидуал микро даражаси (унга кўра қандайдир янги ғояга амалиётга жорий этилади);

2) алохида-алохида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи микро даража (бу ўринда алохида-алохида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирланиши, бирлиги, рақобати ва бирининг ўрнини иккинчиси томонидан эгалланиши аҳамиятли саналади).

А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов ва В.С.Толстойлар ўз тадқиқотларарида янгилик қиритишнинг тизимли концепцияни асослашга уринган. Бу ўринда муаллифлар инновацион жараёнларнинг қуйидаги икки муҳим босқичини бир-биридан ажратиб кўрсатишади:

1. Янгилик сифатида намоён бўладиган ғояларни ишлаб чиқиш (м: корхона, ташкилот томонидан муайян турдаги маҳсулотни ишлаб чиқишнинг режалаштирилиши).

2. Янгилик (муайян маҳсулот)ни кенг кўламда ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ташкил этишда ўзига хос ёндошувлар кузатилаи. Улар:

**1. Гностик-динамик ёндошув** (унга кўра педагоглар педагогик инновациялар, уларнинг турлари, яратилиши, амалиётга тадбиқ этилиши, хориж мамлакатларида яратилган илғор педагогик (таълимий) инновациялар ва уларни ўрганиш, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни изчил ўзлаштирадидлар, ўз фаолиятларида педагогик инновацияларни фаол қўллаш борасидаги тажрибаларни ўзлаштирадидлар).

**2. Индивидуал фаолиятли ёндошув** (бунда педагоглар ўзларининг индивидуал имкониятлари, қобилиятлари, тажрибаларига таянган ҳола амалиё фаолиятда педагогик инновацияларни қўллашда муайян изчилликка эришадилар).

**3. Кўп субъектли (диалогик) ёндошув** (мазкур ёндошув педагогик жараёнда инновацияларни ҳамкасбларнинг ўзаро, хусусан, кўп йиллик иш тажрибаси, касбий маҳорат ва тажрибага эга педагогларнинг фаолиятлари билан танишиш, уларнинг таълим инновацияларини самарали, мақсадли ва узлуксиз қўллашга доир тавсия ҳамда кўрсатмаларидан фойдаланишларини ифодалайди).

**4. Инсонпарварлик ёндошуви** (ушбу ёндошув педагогик жараёнда инновацияларни қўллашда таълим олувчиларнинг имкониятлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини ёритишга хизмат қилади).

**5. Индивидуал-ижодий ёндошув** (унга кўра ҳар бир педагог фаолиятини ўрганилаётган мавзу, ўқув материалнинг моҳияти, шунингдек, ўз имкониятлари, салоҳияти, маҳорати, иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбия жараёнларини ижодий ишланмалар асосида ташкил этади).

**Инновацион фаолият** – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

Моҳиятига кўра инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратишдан иборат.

Педагогнинг инновацион фаолияти қуйидагилар билан белгиланади:

- янгиликни қўллашга тайёргарлиги;
- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;
- ижодкорлиги

Инновацион фаолият педагогнинг рухий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойихалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

М.Жуманиёзованинг эътироф этишича, педагогик инновацион фаолияти қуйидаги **белгилар** асосида намоён бўлади:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;
- ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш

В.Сластениннинг фикрига кўра инновацион ёндошув қуйидагиларга эга бўлишни ифодалайди:

- ижодий фаоллик;
- фаолиятга янгилик (ўзгартириш) киритишга технологик ва методологик жиҳатдан тайёргарлик;
- янгича фикрлаш;
- юксак муомала маданияти

Педагогик инновациялар тегишли соҳада ижобий ўзгаришларни содир этиш, сифат жиҳатдан юқори натижаларга эришиш мақсадида қўлланилади. Бу турдаги инновацияларни асослаш муайян босқичларда кечади. Улар (3-расм):



3-расм. Инновацияларни асослаш босқичлари

Р.Н.Юсуфбекова педагогик нуқтаи назардан инновацион жараён тузилмаси уч блокдан иборат деб ҳисоблайди. Яъни:

1. Соҳада намоён бўлаётган янгиликни ажратиб кўрсатувчи блок (унда педагогикадаги янги ғоялар, педагогик янгиликларнинг таснифи, уларни асослашга хизмат қиладиган шарт-шароитлар, янгилик даражасини белгиловчи меъёрлар, педагогларнинг янги-

ликларни ўзлаштириш ва унан амалиётда самарали фойдаланишга тайёрликлари, анъаналар ва новаторлик ташаббуслари, соҳада янгиликларни яратиш босқичлари акс этади).

2. Педагоглар томонидан янгиликнинг идрок қилиниши, ўзлаштирилиши ва баҳоланиши ифодаловчи блок (унда педагогик жамоалар томонидан янгиликларнинг баҳоланиши ва ўзлаштирилиши – турли инновацион жараёнлар, консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамоаларнинг янгиликни идрок этиш ва баҳолашга тайёрликлари акс этади).


3. Янгиликдан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки (унда янгиликни амалиётга тадбиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳодисаси рўй беради).

Бу ўринда М.М.Поташник томонидан эътироф этилган инновация жараёнлар моҳиятини ифодаловчи талқин алоҳида аҳамиятли эканлигини кўрсатиш ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур талқинга кўра инновацион жараён қуйидаги тузилмаларга эга (4-расм):



#### 4-расм. Инновацион жараён тузилмалари

Инновация жараёни таркибий тузилмалардан иборат бўлиш билан бирга муайян қонуниятларга ҳам бўйсунди. Мазкур жараён учун куйидаги тўртта қонуният характерли саналади (5-расм).



#### 5-расм. Педагогик инновацион жараён қонуниятлари

Кескин беқарорлик қонуниятига кўра педагогик жараён ва ходисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар ўзгаради, шаклланган педагогик янгилик баҳоланади ва бу янгиликнинг аҳамияти, қиймати эътироф этилади.

Амалга ошиш қонунияти янгиликнинг ҳаётийлигини ифодалайди, унга кўра янги педагогик инновациялар стихияли ёки онгли равишда ўта тезкор ёки тезкор равиша амалиётга тадбиқ этилаи.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонунияти аксарият педагогларда янги тафаккурнинг қарор топганлигини ва уларнинг инновацияларни амалиётга тадбиқ этиш йўлида фаоллик кўрсатишларини тавсифлайди. Бу жараёнда дастлаб инновацион характер касб этган ғоялар янада илғор янгиликларни амалга ошириш йўлида тўсиқ бўла бошлайди.

Педагогик инновацияларнинг даврий такрорланиши ва қайтарилиши қонунияти янгиликларнинг янги, янада қулай шароитларда қайта тикланишини ифодалайди.

Одатда педагогик инновацияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши икки хил кечади:


1. Педагогик инновацияларнинг амалиётга тадбиқи стихияли кечади, яъни, инновацион жараёнда педагогик янгиликларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уларни амалиётга тадбиқ этишда мавжуд шарт-шароитлар, усул ва йўлларига онгли муносабат билдирилмайди.
2. Педагогик инновацияларнинг амалиётга тадбиқи стихияли кечади, яъни, педагогик янгиликлар инновацион жараёнда онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсули сифатида амалиётга жорий этилади

Таълим инновацияларини педагогик жараёнга тадбиқ этиш бир неча **босқичларда** кечади. Улар қуйидагилардир (6-расм).



*6-расм. Инновацияларни педагогик жараёнга тадбиқ этиш босқичлари*

Бугунги кунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштири олишларида уларнинг инновацион ёндошувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндошувни қарор топиши асосида кечади. Педагогларда инновацион ёндошувнинг қарор топиши ҳам муракаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади. Яъни (7-расм):



*7-расм. Педагогларда инновацион ёндошувни қарор топтириш босқичлари*

**IV. Инновацион характердаги назорат воситалари.** Замонавий шароитда нафақат таълим жараёнини ташкил этишда, шу билан бирга талабаларнинг ўқув фаолиятларини назорат қилишда ҳам инновацион характерга эга воситалардан фойдаланилмоқда. Айни ўринда ана шундай воситалардан иккитаси – ўқув портфолиоси ва “Ассесмент” технологияси тўғрисида тўхталиб ўтилади.

Сўнгги йилларда замонавий таълимда педагогнинг касбий, талабанинг эса ўқув фаолиятини мазмунан такомиллаштириш, шунингдек, ҳар икки фаолият турининг сифатини маълум кўрсаткичлар асосида етарлича, холис баҳолашга нисбатан эҳтиёж кучаймоқда. Портфолио педагог ҳамда талабанинг фаолиятига билвосита баҳо бериш, қай даражада сифатли ва самарали эканлигини таҳлил қилиш имкониятини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, портфолиолар педагог ва талабаларга уларнинг шахси, фаолияти билан турли экспертиза (текширув)лар жараёнида комиссия аъзоларини билвосита танишиш имкониятини беради.

“**Портфолио**” (ингл. “portfolio” – “портфел”, “ҳужжатлар солинадиган сумка”) – автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами

Ушбу тўплам педагог ёки талабанинг шахси, фаолиятининг турлари, эришилган ютуқлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни беришга хизмат қиладиган индивидуал ҳужжатлар

тўплами саналади. Умуман олганда, портфолио ҳар бир педагог ёки талабанинг максимал даражада эришган ютуқлари, уларнинг ижодий имкониятлари, қизиқиш ҳамда қобилиятларини ёритади.

*（ Портфолио- педагог ёки талаба учун ўзига хос рекламадир ）*

**Ўқув портфолиоси.** Бугунги кунда хорижий мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланилаётган назорат воситаси бўлган ўқув портфолиоси қуйидаги имкониятларга эгаллигига кўра амалий аҳамият касб этади:

- кўп функциялилик ва ўзининг шахсий муваффақиятини баҳолаш;
- индивидуал муваффақиятлар мониторингини амалга ошириш;
- имтиҳонни ташкил этиш;
- таълим натижаларини ҳолис белгилаш;
- таълимий муваффақиятлар ҳамда қўшимча натижаларни аниқ кўра олиш;
- талабанинг мавжуд имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўра олиш, шахсий, касбий ҳамда ижодий салоҳиятига етарлича баҳо бериш

Моҳиятига кўра талабаларнинг ўқув портфолиолари бир неча турга бўлинади. Улар (8-расм):



8-расм. Талабалар ўқув портфолиоларининг асосий турлари

Қуйида талабалар ўқув портфолиоларининг турларига хос хусусиятлар тўғрисида сўз юритилади.

**1. Хужжатлар портфолиоси** (бунда талабанинг индивидуал таълимий муваффақиятлари акс эттирувчи диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар жамланади).

**2. Ишлар портфолиоси** (унда талаба томонидан бажарилган ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқотлар, уларнинг натижаларини акс эттирувчи рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон хужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий, ишлаб чиқариш, педагогик амалиётга доир ҳисоботлар, талаба томонидан мустақил ёки гуруҳдошлар билан ҳамкорликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жой олади).

**3. Натижалар портфолиоси** (бунда талабанинг ўзи ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишлари ўрин олади; натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин; ушбу портфолиода акс этган маълумотлар асосида “Энг яхши талабалар гуруҳи” танловини ташкил этиш мумкин).

**4. Баҳоловчи портфолио** (у талабанинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида шакллантирилади; бу турдаги портфолиодан назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар ўрин олади).

**5. Такризлар портфолиоси** (бунда талаба томонидан эришган ютуқларни баҳолашга доир хулоса, такриз, резюме, эссе, тавсиянома ва тавсифномалар жамланади)

**6. On-line портфолио** (бу каби портфолио турли шаклларда намоён бўлади; масалан: 1) талабалар томонидан олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материалларни қўшиш; 2) шахсий веб-сайтларни яратиш; 3) семестр якунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш).

Портфолиолар яратилишига кўра ҳам турлича бўлади. Яъни улар электрон, босма ва қоғоз вариантларда яратилади. Қайси вариантда портфолиони яратишни субъектнинг ўзи танлайди.

Портфолиода талабанинг жорий, оралик ва мустақил ишлари бўйича бажарган топшириқлари, уларга қўйилган ўзлаштириш баллари ҳам жамланиб борилади. Портфолио юргизиш талабанинг семестр (курс) ва ўқув муддати давомидаги ўзлаштириши, мустақил иш топшириқларини мунтазам равишда бажариб борганлиги

тўғрисидаги далилий ҳужжат ҳисобланади. Портфолио педагогик жараёнда педагогга талабанинг эришаётган ютуқлари юзасидан мониторингни олиб бориш имкониятини яратади ва ўзлаштириш балларининг ҳаққоний, ишончли бўлишини таъминлайди. Талабага эса билим даражасининг қай даражадалигини, унинг динамик ўсишини кузатиб бориш, касбий жиҳатдан шахсан ривожланиш даражасини мустакил баҳолаш учун зарур шароитни яратади.

Талабалар қандай шароитларда портфолиоларни шакллантиришлари керак?

Қуйидаги ҳолатларда талабалар томонидан портфолиоларнинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Истиқболли иш ўрнига эга бўлишда (раҳбарият ва ҳамкасблар ёш мутахассис билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар).
2. Илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда (тадқиқот натижаларини патентлаштириш имкониятини таъминлайди).
3. Фан олимпиадаларда иштирок этишда (олимпиаданинг турли босқичларида талабанинг имкониятларини баҳолаш ва чамалашга мувофиқ бўлинади).
4. Номдор ҳамда Президент стипендиясига талабгор бўлишда (танлов хайъати талабанинг имкониятларидан тўла хабар бўлади).
5. Шахсий мақсадларни амалга оширишда (қўшимча фаолият тури билан шуғулланишда ҳамкорларга талаба шахсини яқиндан таништириш имкониятини яратади)

Талабаларнинг портфолиолари қуйидаги тузилишга эга бўлади:

- 1) титул;
- 2) мундарижа;
- 3) портфолионинг мақсади;
- 4) портфолионинг бўлимлари

Турига кўра портфолиолар бир неча бўлимларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, “Ишлар портфолиоси” қуйидаги тўртта бўлимдан таркиб топади:


1. **“Менинг қиёфам”** (талабанинг шахсига оид маълумотлар талабанинг расми, эссе, анкета, тавсифномалар асосида берилади; унда куйидаги лавҳалар мавжуд: “Менинг анкетам”; “Танишинг – бу мен!”; “Менинг ўйларим”; - “Мен ва менинг қизиқишларим”).

2. **Портфолио-коллектор** (талаба томонидан мутахассислик фанлари бўйича тўплаган материаллар (адабиётлар рўйхати, чизма, жадвал ва расмлар, мақолаларнинг ксеронусхалари, курсдошларининг ижодий ишлари) ўрин олади; бўлим куйидаги лавҳалардан иборат бўлиши мумкин: “Иш столи”; “Бу қизиқ”; “Курсдошларим ижодидан”; портфолио-коллектор унча катта бўлмаган ўзига хос архив саналади).

3. **Иш материаллари** (талабанинг ўзи томонидан яратилган, тизимлаштирилган барча материаллар киритилади; бўлимнинг лавҳалари куйидагича бўлиши мумкин: “Ёзма ишлар”, “Ижодий ишлар”, “Тадқиқот тажрибалари”, “Амалиёт ишланмалари”).

4. **Шахсий ютуқлар** (талабанинг ярим, бир ўқув йили ёки яхлит таълим даврида эришган ютуқлари, қўлга киритган натижалари акс этади; унда куйидаги лавҳалар бўлиши мумкин: “Менинг бунёдкор ғоям”; “Менинг таълим борасидаги ташаббусларим”).

Талабаларнинг ўқув портфолиосини яратишга қаратилган амалий ҳаракат бир неча босқичда ташкил этилади. Яъни (9-расм).



*9-расм. Талабалар ўқув портфолиосини яратиш босқичлари*

**“Ассесмент” технологияси.** Бугунги кунда республика таълим муассасалариа таълим олувчилар фаолиятини назорат қилишда “ассесмент” синови кенг қўлланилмоқда.

**“Ассесмент” технологияси** (ингл. “assessment” – “баҳо”, “баҳолаш”) – таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, ҳолис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами

Кўп ҳолатларда бу технология биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириқ, баҳс-мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидуал кейс, тақдимот, эксперт кузатиш, ролли ҳамда ишбилармонлик ўйинлари кабилардан ташкил топади. Технология, асосан, куйидаги мақсадга хизмат қилади:

- 1) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама, ҳолис баҳолаш;
- 2) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;
- 3) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган истиқболли режа (мақсадли дастур)ни шакллантириш

Мазкур технологиянинг яратилиш тарихи ўтган асрнинг 30-40-йилларига бориб тақалади. Дастлаб технология мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий ҳаракатлар жараёнини самарали бошқарадиган, зарур ўринларда оқилона ҳаракатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик ушбу технология тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали тадбиқ этилди.

Технология биринчи марта **1954-йилда “АТ&Т” компанияси** томонидан тадқиқот дастурларини амалга ошириш доирасида қўлланилган

Малакали менежерларни танлаш мақсадида қўлланила бошланган технология негизида, тадбиркорлар психологлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхона ҳамда ташкилотлари учун малакали мутахассисларни танлаш хизмати – **“Ассесмент-марказ” (“The Assessment Centre”)**ни йўлга қўйишган. 1960 йилда “IBM”, “Standart oil of

Ohio”, “Сирс Робакс” каби йирик америка компаниялари ўз фаолиятларига технологияни самарали тадбиқ этдилар. Агарда 1980 йилда 2000 та фирма “Ассесмент-марказ” асосида малакали мутахассисларни танлашни маъкул кўрган бўлса, айти вақтда бу технология ўн минглаб корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда самарали қўлланилмоқда.

Айти вақтда ишлаб чиқарувчи ва савдо компаниялар малакали менежерларни танлаш мақсадида мазкур технологиядан муваффақиятли фойдаланмоқда. Сўнги йилларда мазкур технология таълим тизимига ҳам самарали жорий этилди. Унинг ёрдамида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси хар томонлама, холис баҳоланмоқда.

Айти вақтда республика таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари камида тўртта топшириқ бўйича баҳоланмоқда. М:

Изоҳли луғат	Муаммоли вазият
Ижодий иш	Тест

Шундай қилиб, замонавий таълимда инновация, янада аниқроғи, педагогик ҳамда таълим инновацияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, глобаллашув ҳамда жамиятнинг ахборотлашуви таълим жараёнини ноанъанавий шаклларда самарали метод ва воситаларни қўллашни тақозо этиш билан бирга, ўқув материалларини шакллантириш ва улардан амалда фойдаланишга нисбатан ҳам инновацион ёндошишни тақозо этмоқда. Педагогик инновациялар педагогик тизимнинг ички тузилишини ўзгартиради. Олий таълим муассасалари педагогларининг педагогик ёки таълим инновацияларидан самарали, фаол фойдалана олишлари муайян жараёнда кечади. Педагогларнинг касбий фаолиятга инновацион ёндаша олишлари кўзланган мақсадга эришишни кафолатлаш билан бирга таълим сифати ва самарадорлигини оширишга, талабаларда билиш фаоллигини кучайтиришга ёрдам беради.

### **Назорат учун саволлар:**

1. “Шахсга йўналтирилган таълим” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Шахсга йўналтирилган таълим қандай дидактик характерга эга?
3. Шахсга йўналтирилган таълимнинг қандай турлари мавжуд?
4. Инновацион таълим нима?
5. “Инновацион таълим технологиялари” деганда нимани тушунаси?
6. Таълим инновацияларининг қандай турлари мавжуд?
7. Педагогнинг инновацион фаолияти қандай белгилар асосида намоён бўлади?
8. Педагогик инновацион фаолият айнан нималарда намоён бўлади?
9. ОТМда инновацион жараёнларни ташкил этишда қандай ёндошувлар кўзга ташланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008. – 164 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. –Т.: Молия, 2003. – 192 б.
3. Альджанова И. Ўқув портфолиоси – бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни шакллантириш воситаси сифатида / Педагогик таълим ж. – Т.: 2012, 4-сон. – 46-б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
6. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.
7. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.
8. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург: ЕГПИ, 1999. – 244 с.
9. Мусаева С. Портфолионинг мақсад ва моҳияти / Педагогик таълим ж. – Т.: 2013, 1-сон. – 20-б.

## МОДУЛ ТАЪЛИМИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Модул таълимининг моҳияти.
2. Модул таълимига ўтиш босқичлари.

**Таянч тушунчалар:** модул, бўлак, таркибий элемент, модул таълими, модул таълими технологиялари.

**I. Модул таълимининг моҳияти.** Шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида муҳим ўрин тутиб тобора оммалашиб бораётган таълим – модул таълими ёки модулли ўқитиш саналади.

**“Модул”** (лот. “modulus”) тушунчаси:

- 1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун;
- 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи атама;
- 3) ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги

Моҳиятига кўра модул модул таълими ҳамда уни ташкил этишда қўлланиладиган технологияларининг асосини ташкил этади. Дидактик имкониятига кўра ўзлаштирилиши зарур бўлган манба, ўқув материални мантиқан тугалланган бўлакларга ажратиб ўрганиш имкониятига эга. Бошқача айтганда модул модул таълимининг асосий воситаси, тугалланган ахборот блоки сифатида талқин этилади.

ЮНЕСКОнинг 1982 йилда ташкил этилган анжуманида эълон қилинган маърузада “модул” тушунчаси “Ўқув материални у билан тезкор индивидуал танишиш ва кетма-кет ўрганиш асосида яқка тартибдаги ва гуруҳ машғулотларида бир ёки бир неча малакани ўзлаштириши учун мўлжалланган алоҳида ўргатувчи тўплам (пакет)” деб шарҳланган.

Модул негизида тегишли фаннинг муайян қисми – бўлими (одатда 10-12 соатли), нисбатан катта ҳажмга эга мавзуси (кўп ҳолатларда 5-8 соат ҳажмдаги маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари ҳамда мустақил таълим учун мўлжалланган материалнинг моҳиятини ёритувчи ўзаро боғлиқ

тушунча, элементлар тўплами акс этади. Одатда модул кўринишидаги бўлақлар кичик модул, бирламчи модул, модуллар тўплами, модуллар даражаси ва модулларнинг мажмуавий тузилмаси тарзида қўлланилади.

Ўқув манбаи, ўқув материалнинг ҳажми, ахборотларни қамраб олиш кўламига кўра модуллар кичик, ўртача ва йирик бўлақларга ажратилади. Мисол учун, олий таълим муассасалари педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари учун мўлжалланган “Креатив педагогика асослари” ўқув модули бир неча модуллар тўпамидан иборат бўлиб, мавжуд модуллар ўзи томонидан қамраб олинган ўқув материали, мавзуси негизига қирадиган ўқув ахборотларининг ҳажми, кўламига кўра кичик, ўрта ва катта модул тарзда акс этади. Одатда ўқув модули таркибига қирувчи модуллар бир-бири билан ўзаро мутаносиб (пропорционал) бўлмайди. Яъни, бир ўқув модули таркибида бир неча кичик, ўрта ва катта модуллар мавжуд бўлади.

**Модул таълими** – ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва кадамлар асосида ўзлаштирилади (Б.П.Фарберман)

Таълимнинг модул тизими ҳақида биринчи марта Токио шаҳрида 1972 йилда ташкил этилган ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Конференциясида сўз юритилган.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг бу тури таълим жараёнини илмий ва методик жиҳатдан тартибли, изчил, узлуксиз ва мақсадга мувофиқ ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Модул таълими таркибий бўлақларининг ўзаро жойлашиши ҳамда технологик жараённи амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартиб-қоидалари **алгоритм** деб юритилади

Айни вақтда республика таълим муассасаларида ҳар бир ўқув модули (фани)дан ўқув материалларини модулларга ажратиш улар бўйича яратилган Давлат таълим стандартлари (ДТС)нинг

таркибий бўлакларига мос келадиган блоklarга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Модул таълими замонавий таълимнинг истиқболли тури саналади. У ўқув материални кодлаштиришга асосланади. Ўқув материални кодлаштиришда матнга асосланган ахборот (маълумот)лар имкон қадар муайян шаклга киритилади. Яъни, ўқув ахборотларининг моҳияти сурат, графика, тасвир, жадвал, диаграмма, схема, модел, турли рамзлар, шартли (математик, физик, геометрик ва б.) белгилар ёрдамида кодлаштирилади. Кодлаштириш ўз-ўзидан ўқув материалининг ҳажм жиҳатидан зичланишини таъминлайди.

Бинобарин, у инсон бош миясининг физиологик имкониятларига таянилган ҳолда асосланган. Яъни, модул таълими инсон бош мияси тўқималарининг модулли тузилиши нуқтаи назардан асосланган.

Инсон бош мияси тўқимаси, қарийб 15 млрд. нейрон (асаб хужайралари)дан, бошқача айтганда, шартли модуллардан иборат. Кўп сонли асаб хужайралари бир-бирлари билан ўзаро тўқнашади. Одатда биргина хужайра ва унинг ўсимтаси бошқа хужайра, унинг ўсимтаси билан 6 минг марта ўзаро тўқнашади. Демак, бош мия хужайралари тўқимасидаги тўқнашувлар сони  $15000000000 \times 6000$  миқдорни ташкил этади. Ўқув модули эса таълим жараёнининг алоҳида битта хужайраси сифатида эътироф этилади. Унга кўра ҳар бир хужайра муайян вақтда ўзига хос яхлитликни, тизимни ташкил этувчи алоҳида элементлардан иборат умумий ўқув ахборотини ташкил этади. Физиологик имкониятарига кўра инсон миясидаги хужайралар тўқималарининг модулли тузилмаси ахборотларни квант (айрим бўлаklar, қисмлар) тарзида самарали қабул қилади.

Модул таълими ўқитишда қуйидаги имкониятларни яратади:

- таълим мазмунини оптималлаш;
- ўқув материалларини муайян тартиба тизимлаштириш;
- ўқув материаллари ва топшириқларининг таълим олувчилар имкониятига кўра мослаштириш;
- таълимни индивидуаллаштириш;
- таълим жараёнини фаоллаштириш;
- таълим олувчиларнинг таълимий имкониятларини тўла рўёбга чиқариш;
- таълим олувчиларда мустақил таълим олиш кўникма, малакаларини ривожлантириш;
- таълим олувчиларни назарий билимлардан амалиётга самарали, фаол фойдаланишга ўргатиш;
- таълим олувчилар фаолиятини реал кузатиладиган ҳаракатлар асосида объектив баҳолаш
- таълим самарадорлигини изчил назорат қилиш

Ушбу турдаги таълимни ташкил этишда таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Дастурлар ўқув ахборотларини ихчамлаштириш, ўзаро мос мавзуларни яхлитлаштириш, назарий билимларни ёритувчи маълумотлар базасининг имкон қадар асосий, энг муҳим ва зарур маълумотлардан таркиб топишига эришиш имкониятини яратиб бера олиши зарур. Модул таълими учун мўлжалланган дастурлар қуйидаги таркибий тузилмага эга:

1. Турли шаклларда тақдим этилган ахборотлар банки.
2. Таълим олувчилар учун услубий кўрсатмалар


Модул таълимининг самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- ўқув муассасасининг моддий-техник имконияти;
- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;
- талабаларнинг тайёргарлик даражаси;
- дидактик материалларнинг мавжудлиги;
- ўқув натижаларининг ҳолис баҳоланиши;
- таълим натижаларининг тизимли, изчил таҳлили;
- таълим натижаларининг таҳлили асосида модулларни мақбуллаштирилиши

Модул таълимига хос хусусиятларидан бири – таълим жараёнини жадаллаштириш ҳисобланади. Таълим жараёнини жадаллаштириш: 1) модул таълими тамойилларига мувофиқ ўқув ахборотини “зичлаштириш”; 2) таълим давриа “зичлаштириш” йўли билан ўқув жадвалини мувофиқлаштириш.

Ўқув жараёнини ташкил этишда машғулотларни ҳафталик модулли режалаштириш ва талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш самарали ҳисобланади. Унга кўра битта ўқув модули (2-3 та маъруза, тегишли равишда семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари) бир ҳафтага режалаштирилиб, талабалар билимини тестлар, синов топшириқлари ёрдамида баҳолаш билан тугалланиши зарур.

Модул таълими муайян тамойилларга асосланади. Улар (10-расм):



10-расм. Модул таълимининг устувор тамойиллари

Куйида модул таълимига хос устувор тамойилларнинг моҳияти ёритилади.

**1. Фаолиятли ёндошув тамойили.** У модулларнинг педагог фаолияти мазмунига мувофиқ шакллантирилишини англатади. Тамойилга кўра модуллар тегишли фанни ўқитишга йўналтирилган ёки яхлит педагогик тизим моҳиятини ёритишга хизмат қиладиган фаолиятли ёндошув асосида шакллантирилади. Тегишли фанни ўқитишга йўналтирилган фаолиятли ёндошув модулларни ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунини таҳлил қилиш натижасида шакллантириш имконини беради. Яхлит педагогик тизим моҳиятини ёритувчи фаолиятли ёндошув эса модулларни модуллар блоқи, педагогнинг касбий фаолияти мазмунини таҳлил қилиш асосида шакллантирилишини таъминлайди.

**2. Ўзаро тенглик тамойили.** Ушбу тамойил таълим жараёнида педагог ва таълим олувчининг ўзаро тенгликка (тенг ҳуқуққа) эгаллигини ифодалайди. Улар ўртасидаги муносабати субъект-субъект характериға эға. Бу ҳолат ўз-ўзидан модул таълими ўқитиш шароитларини талабанинг индивидуал психологик хусусиятларига мослаштирилишини англатади. Яъни, педагог билимларни узатувчи, талабалар фаолиятини назорат қилувчи ва баҳоловчигина эмас, балки талабаларни йўналтирувчи, зарур ўринларда маслаҳат берувчи, фаолиятда хатоларға йўл қўйилса тўғриловчи, рағбатлантирувчи шахс сифатида намоён бўлади. Таълим жараёнида педагог эътиборини талабалар фаолиятини танқид қилишға қаратмай, имкон қадар уларни рағбатлантиришға, барча вазиятларда ҳам муваффақиятға эришиш учун шароит яратиши зарур.

**3. Модуллилиқ тамойили.** Тамойил ўқув материалининг бир неча модул тўплами (блоқи)ға асосланишини ифодалайди. Унга кўра ўқув ахборотлари мантиқий тугалланганлик асосида модулларға, мантиқий, ғоявий жиҳатдан ўзаро алоқадор, боғлиқ модуллар эса тўплам (блок)ларға ажратилади. Ўқув моули (фани) бўйича дастурда кўзда тутилган билим, кўникма ва малакалар муайян тартибға келтирилган модулларни бирин-кетин пухта ўрганиш асосида ўзлаштирилади. Биринчи модул тўлиқ ўзлаштирилганидан кейингина иккинчи, сўнгра учинчи ва ҳ.к. модулларни ўрганишға киришилади. Бир сўз билан айтганда

модуллилик ўқитишда билим, кўникма ва малакаларнинг поғонама-поғона (оддийдан мураккабга, осондан қийинга қараб) ўзлаштириш имкониятини яратади.

Хорижий мамлакатлар тарибасига кўра модулнинг динамик тузилиши ўқув фани мазмунининг: 1) тўлиқ; 2) қисқартирилган; 3) чуқурлаштирилган кўринишларда ёритилишини таъминлайди. Таълим оловчи уларнинг бирини танлаш ҳуқуқига эгадир.

**4. Тизимли квантлаш тамойили.** Мазкур тамойил ўқув ахборотларини жипслаштириш, ҳажми катта мавзуларни имкон қадар ихчамлаштириш (таянч тушунчаларни аниқлаш ва уларнинг моҳиятини ёритиш) асосида модул материалларини тизимлаштиришга хизмат қилади. Бинобарин, йирик ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштириш, ёдда олиб қолишда қийинчилик юзага келса, ихчам ўқув маълумотлари самарали ўзлаштирилади; таянч тушунчалар моҳиятининг тушунчаларни шарҳлаш асосида ёритилиши эса мавзу ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ва бу тасаввурни узоқ вақт ёдда сақлаш имкониятини яратади.

**5. Қизиқтириш (мотивация) тамойили.** Бу тамойил ўқув материалининг талабаларда фан асосларини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни ҳосил қилиш, уларнинг ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилиши билдиради. Педагог ўзининг маҳорати, касбий тажрибаси, ўқув материалига нисбатан ижодий ёндашиши асосида ўқув ахборотлари, шунингдек, топшириқларнинг қизиқарли бўлишига эриша олиши лозим. Шунга кўра таълим жараёнида турли шакл, метод ва усуллари (диалог, мустақил ўқиш, баҳс-мунозара, дебат, мусобақа, “Маҳорат дарси”, муаммоли маъруза, семинар, “Маслаҳат дарси”, дидактик, ролли, ишбилармонлик ва имитацион ўйинлар, кабилар)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитиш жараёнида педагогнинг турли интерфаол технологиялардан самарали фойдалана олиши эса мақсадга эришишни кафолатдайди. Бу ҳолат муайян фан доирасидаги ҳар бир ўқув модули ҳамда яхлит ҳолда фанлар асосларини ўзлаштиришга ҳам тааллуқлидир. Қолаверса, модуллилик ўқув материалини мунтазам равишда янгилан туриш имкониятини яратади.

**6. Муаммолилик тамойили.** Ушбу тамойил ўқув жараёнининг муаммоли вазиятларга асосланиши англатади. Таълим жараёнида педагог талабаларга тайёр билимларни бермай, балки уларни

мавзуга доир муаммоли вазиятларга рўпара қилиш орқали мустақил фикрлаш асосида ўқув материални пухта ўзлаштиришга йўналтиради. Муаммолилик тамойилига кўра таълим жараёнида ўқув материалга доир илмий фараз (гипотеза) илгари сурилади, у асосланади ва муаммонинг ечими топилади. Дастлаб бу жараён педагог томонидан ташкил этилади, кейинги босқичда эса педагог-талабалар жамоаси иштирокида, ниҳоят талабаларнинг ўзлари “илмий фараз – уни асослаш – ечимни топиш” жараёнини мустақил амалга ошириш малакаларини ўзлаштиради.

Этакчи хорижий давлатлар таълими амалиётида педагоглар фақатгина муаммо, масала моҳиятини ўрганиш метоларини, уларни ечиш йўлларини, амалий тажрибанинг моҳиятини ҳамда натижани топиш шартларидан талабаларни огоҳ этади. Бу ҳолат педагогнинг тадқиқотчи сифатида намоён бўлишини таъминлайди ва унинг намунасида талабалар амалий тажрибаларни самарали, тўғри ташкил этиш, ижодий фикрлаш ва фаоллик кўрсатиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Натижада машғулотлар (ҳатто назарий машғулотлар)нинг амалий характер касб этади.

**7. Когнитив-визуаллик тамойили.** Психологик нуқтаи назардан ахборотни кўз (кўриш) орқали қабул қилиш самарали саналади. Шунга кўра азал-азалдан таълим жараёнида педагогнинг нутқи асосида узатиладиган ахборотларнинг визуаллаштирилишига алоҳида эътибор қаратилиб келинган. Ўқитиш жараёнида кўрсатмали куроллардан фойдаланиш оғзаки узатилаётган ахборотлар таъсирини кучайтириб, муайян тасвирий шакллар воситасида қабул қилиш имкониятини яратади.

Замонавий шароитда хорижий мамлакатларда когнитив графика (ўқув ахборотлари моҳиятини ёритувчи компьютер суратлари блоки) кенг кўламда ривожланмоқда. Ўқув ахборотларининг моҳияти сурат, графика, тасвир, жадвал, диаграмма, схема, модел, турли рамзлар, шартли (математик, физик, геометрик ва б.) белгилар асосида ёритилиши модулнинг асосий элементи ҳисобланади.

Бунда: 1) талабанинг кўриши, ахборотларни тасвирий қабул қилиш қобилияти ривожланади; 2) ўқув материали мазмунини ўзида зич жойлаштирган тасвир (сурат, графика, тасвир, жадвал, диаграмма, схема, модел, турли рамзлар, шартли (математик, физик, геометрик ва б. белгилар) талабанинг билимларни тизимли ўзлаштиришга

ёрдам беради; 3) тасвирлар (хусусан, рангли тасвирлар) ўқув ахборотини қабул қилиш, эслаб қолиш самарадорлигини оширади, қолаверса, уларни эстетик жиҳатдан тарбиялайди.

Когнитив графика мия ўнг ярим шарини фаоллаштиради, натижада талабалар тасвирий фикрлаш қобилияти ривожланади.

Таълим жараёнида кўргазмалар куруллар, компьютер тасвирлари ва б. тасвирий воситалардан фойдаланиш талабаларда ўқув ахбороти ҳақидаги тасаввур ҳосил бўлишини 5-6 марта тезлаштиради. Визуал шаклда ўзлаштирилган ахборотни қайта ёдга олиш осон кечади.

**8. Хатоликларга таяниш тамойили.** Шахс одатда борлиқ, ижтимоий муносабатлар, касбий фаолиятга доир ақсарият билимларни ўзи йўл қўйган хатолар асосида самарали ўзлаштиради. Шу сабабли таълим жараёнида хатоларни излаш ва уларни бартараф этиш тажрибаси ўзлаштирилмоқда. Мазкур тамойил ўқитиш жараёнида изчил равишда талабаларни хатоларни излашга йўналтирувчи вазиятларни ҳосил қилишга эътиборни қаратишни тақозо этади. Таълим жараёнида мазкур тамойилнинг устувор ўрин тутиши талабаларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

**9. Таълим вақтини тежаш тамойили.** Тамойил талабаларда индивидуал ва мустақил таълим олишга имкон берадиган вақт захирасини яратиш зарурлигини ифодалайди. Агарда модуль таълими методик, технологик жиҳатдан тўғри, самарали йўлга қўйилса, у ҳолда таълим вақтининг 30 % дан ортиқ тежаш имконини беради.

**10. Технологик тамойили.** Мазкур тамойил таълим жараёнида талабалар томонидан таълим натижаларига эришишни кафолатловчи изчиллик, тизимлилик, узвийликни таъминлаш муҳимлигини аниқлашга хизмат қилади. Тамойилнинг ўқув жараёнида устувор аҳамият касб этиши қуйидагилар асосида таъминланади: таълим мақсадининг аниқ белгиланишига эришиш, уларнинг объектив, ўқув материали моҳиятини тўла ифодалай олишини аниқлаш ва баҳолаш мезонларини танлаш; ўқув мақсадига эришишга йўналтирилган ўқув жараёнининг модели ишлаб чиқиш ва аниқ тасвирлаш; ўқув мақсадига мувофиқ яхлит ўқув жараёнини таълим натижаларига эришишга йўналтириш; таълим натижаларини

тезкор баҳолаш ва ўқитиш мазмунига тузатишлар киритиш; таълим натижаларини яқуний баҳолаш.

**11. Узвийлик тамойили.** Бу тамойил ўқув мақсадларига қафолатли эришиш мақсадида ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқишга изчил, тизимли ёндашиш зарурлигини англатади. Унга кўра ўқув фанлари асосларини ёритувчи материалларнинг ҳажми ўқув режасида уларни ўқитишга ажратилган соатлар миқдорига мос келиши лозим.

**II. Модул таълимига ўтиш босқичлари.** Модул таълимига ўтиш мураккаб жараён бўлиб, муайян ҳаракатларни босқичма-босқич амалга ошириш унинг самарали кечишини таъминлайди. Қуйида ана шу босқичлар ва уларнинг моҳияти тўғрисида сўз юритилади.

### *I босқич.*

#### *Ўқув режасини чуқур таҳлил қилиш асосида макромодуллар тўпламини шакллантириш*

Бу босқичда ўқув режаси синчиклаб ўрганилиб, ўзаро алоқадор фанлар аниқланади; улар муайян гуруҳга бириктирилади. Ўзаро алоқадор фанларни ўз ичига олган гуруҳлар негизида макромодуллар тўплами ҳосил қилинади.

ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари учун мўлжалланган ўқув режасида қуйидаги макромодуллар шакллантирилган:

#### **1-модул. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.

1.2. Таълим–тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

#### **2-модул. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари.

2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.

2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

### **3-модул. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.

3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

### **4-модул. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

### **5-модул. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

### **6-модул. Махсус фанлар.**

6.1. Педагогиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари.

6.2. Педагогик туркум фанларини ўқитишда замонавий ёндошувлар.

6.3. Педагогик квалиметрия.

### ***II босқич:***

### ***Ўқитиш даври сиқилганида, фанларни ўрганишнинг энг мақбул кетма-кетлигини ўрнатиш***

Юқориди келтирилган ҳар бир макромодул ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда аниқ мақсадни кўзлайди. Муайян макромодулнинг мақсади Давлат талаблари ҳамда макромодулнинг таркибига киритилган ўқув модулларини ўрганиш мақсадларига мувофиқ белгиланади. Шунингдек, муайян макромодул доирасида ўқув модул (фан)ларининг мақбул кетма-кетлиги, уларни ўрганиш муддатлари белгиланади. Шу тарика курс давомида ташкил этиладиган таълимнинг узлуксизлиги таъминланади.

Макромодулларни белгилашда алоҳида модуллар орасида ўқув фанларининг ўзаро алоқадорлиги тик (вертикал), уларни ўрганилиш муддатлари ётиқ (горизонтал) боғланишларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

**III босқич:**  
**Макромодул фанлари ўқув дастурларининг  
ўзаро боғлиқлигини таъминлаш**

Ўқув материалларини беришда такрорланишларнинг олдини олиш мақсадида макромодул таркибига кирувчи алоҳида ўқув модул (фан)лари, уларнинг дастурлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик таъминланади.

**IV босқич:**  
**Тегishiли ўқув модули (фани) бўйича  
модуларни шакллантириш**

Бунда, одатда, мавзулар моҳиятини ўрганишга хизмат қиладиган ўқув материалларининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда модуллар шакллантирилади.

**V босқич:**  
**Модул бўйича дидактик материалларни тайёрлаш**

Модул таълимига ўтишнинг биринчи босқичида алоҳида ўқув модул (фан)лари бўйича қуйидаги материаллар тайёрланади:

- ишчи ўқув дастури;
- ихчамлаштирилган ва кодлаштирилган маъруза матнлари;
- ўқув-илмий адабиётлар рўйхати;
- атамаларнинг изоҳли луғати;
- ўқув-услубий таркатма материаллар;
- индивидуал ишлар учун топшириқлар;
- мустақил таълим учун топшириқлар;
- тингловчи (талаба)лар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш учун тестлар, синов топшириқлари

Ҳар бир модул тест ва синов топшириқлари билан тугалланиши лозим. Бу талаб, айниқса, бакалаврият ва таълим оловчиатура йўналишлари учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тест ва синов топшириқлари бакалавр ва магистрлар томонидан ўрганилган муайян модул учун ўрганилган ўқув материали юзасидан назорат бўлса, кейинги модул учун кириш (бошланғич) назорати саналади.

Одатда ҳар қайси модул учун тасвирий шакллардаги тарқатма материаллар тўплами тайёрланиб, улар талабаларга машғулотдан аввал тарқатилади. Талабалар кўргазмали материаллар, адабиётлар тўплами асосида ҳар бир ўқув материаллини ўзлаштириб боради ва шу тарзда бир модулни ўрганишдан иккинчи модулни ўрганишга ўтади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра иқтидорли талабалар ўргатувчи модул (муайян модул мазмуни, талабанинг ўқув-билишга доир ҳаракатларини бошқариш тизими, назорат (синовлар) тизими, методик ишланмалар мазмунидан иборат модул) ёрдамида педагоглар томонидан тақдим этиладиган барча ишланмалар билан тўлиқ танишмай туриб ҳам тест синовларини топшириш имкониятига эга. Бунда педагог ахборотчи-назоратчи эмас, балки маслаҳатчи-мувофиқлаштирувчи шахс сифатида намоён бўлади.

Ўргатувчи модулларни ишлаб чиқиш мураккаб жараён бўлиб, у кўп вақтни талаб қилса-да, бироқ, уларни амалиётда қўллаш юқори даражада таълим самарадорлигини таъминлайди.

Маъруза матнини тайёрлашда тизимлаштириш методига кўра материаллар блок-схема, расмлар блоқи шаклида тақдим этилади.

#### ***VI босқич:***

##### ***Бир вақтда ўрганиладиган модул (фан)лар сонидан келиб чиққан ҳолда ўқув машғулотлари жадвалини тузиш***

Бунда асосий эътибор бир вақтда ўқитиладиган модул (фан)лар сонини инобатга олиш асосида улар ўртасида ўзаро изчиллик, тизимлилик ва узвийликни таъминлашга эришиш назарда тутилади. Модул (фан)ларни ўқитишда улар учун ажратилган соатларнинг ўзаро қориштириб юборилиши мақсадга мувофиқдир. М: ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида ўқув режасига кўра дастлабки ойда биринчи бешта модул фанларининг ўқитишилиши режалаштирилган. Демак, дастлабки ойда умумий фанлар сирасига қирадиган жами 9 та хусусий (5 та йирик) модул (фан)ларининг ўқитилиши йўлга қўйилади. Асосий эътибор уларнинг ўзаро алмашилиб ўқитилишига қаратилиши зарур. Шундай қилиш керакки, ҳафталик ўқув жадвалидан 9та хусусий модул (фан)лари ўрин олиши зарур.

#### ***VII босқич:***

## **Модул таълими тамойиллари асосида ўқитиш жараёнини лойиҳалаштириш**

Мазкур босқичда модул таълими тамойиллари асосида ўқитиш жараёнини лойиҳалаштириш муҳим саналади. Лойиҳалаштириш ўқув режасида белгиланган соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда модуллар уларга тегишли мавзулар бўйича муаллифлик (кичик ҳажмдаги) дастур, маъруза матни, тезис, реферат, изоҳли лугат, мини маълумотнома, технологик модел, технологик харита ва б. кабилар асосида лойиҳалаштирилади.

Ўқув модул (фан)ларини уларга тааллуқли мавзулар бўйича ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилиши белгиланган таълимий мақсадга эришиш эришиш йўлида амалий ҳаракатнинг тартибли, тизимли амалга оширилишини таъминлайди.

Юқорида баён этилган фикрларга таяниб айтиш мумкинки, таълим муассасаларида модул таълимига ўтиш жараёнининг умумий моҳияти схема асосида қуйидагича намоён бўлади (11-расм):



*11-расм. Модул таълимига ўтиш босқичлари*

Шундай қилиб, замонавий шароитда таълимнинг шахсга йўналтирилиши, унинг ички имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли сўнгги аср мобайнида етакчи хорижий мамлакатларда таълим мазмунининг ана шундай хусусият касб этишига алоҳида

этибор қаратилди. Ана шу этибор натижасида босқичма-босқич, тизимли тарзда шахнинг ички имкониятларини рўёбга чикришга ёрдам берадиган таълим турлари ва уларнинг моҳиятини ёритишга йўналтирилган технологиялар яратилди. Шахсга йўналтирилган таълимдан ўндан ортиқ тури мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бир ўзига хос амалий-дидактик характерга эга. Улар орасида инновацион таълим ва унинг моҳиятини ёритувчи технологиялар мавжуд шароитда ҳам таълим иштирокчиларининг этиборини тормоқда. Бинобарин, инновацион таълим технологиялари таълим жараёнининг алоҳида қисмларини ҳам қизиқарли, ўзига хос ташкил этилишини таъминлайди. Бу эса талабаларда ўқув фани асосларини ўзлаштиришга рағбатни юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиради. Натижада таълимнинг сифати яхшиланиб, самарадорлиги ортади. Шу сабабли мавжуд шароитда ОТМ педагогларининг таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлай олишлари мақсадга мувофиқ саналади.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. “Модул” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Нима учун “модул” тушунчасининг моҳияти инсон миясидаги асаб хужайралари негизида талқин этилаи?
3. Модул таълимининг моҳияти нимадан иборат?
4. Модул таълими қандай дидактик имконият ва таълимий аҳамиятга эга?
5. Модул таълимининг самарадорлиги қандай омилларга боғлиқ?
6. Модул таълими қандай тамойилларга асосланади?
7. Модул таълимига ўтиш жараёни қандай босқичларда кечади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Модулли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2007. – 97 б.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Ишмухамедов Р., Абдуқародиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-

ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

4. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.

5. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения. – М.: “ГЭОТАР-Медия”, 2008. – 43 с.

6. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – 275 б.

7. Селевко С. Современные образовательные технологии. – М.: Педагогика, 1998. – С. 75-90.

8. Толипов Ў.К., М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006. – 261 б.

## ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Ҳамкорлик таълими ва ҳамкорлик таълими технологияларининг дидактик моҳияти.
2. Ҳамкорлик таълими технологияларининг устувор тамойиллари, муҳим белгилар ва таркибий элементлари.
3. Таянч консепт ва уни шакллантириш технологияси.
4. “Ажурли арра” стратегияси – ҳамкорлик таълими технологияларининг муҳим тури.

**Таянч тушунчалар:** ҳамкорлик, ҳамкорлик таълими, ҳамкорлик таълими технологиялари, ҳамкорлик таълимининг устувор тамойиллари, ҳамкорлик таълими технологияларининг муҳим белгилари, ҳамкорлик таълими технологияларининг таркибий элементлари, таянч консепт, “Ажурли арра стратегияси”.

**I. Ҳамкорлик таълими ва ҳамкорлик таълими технологияларининг дидактик моҳияти.** Замонавий шароитда ҳамкорлик таълими, уни ташкил этиш ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

**Ҳамкорлик таълими** – ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим бўлиб, унинг **асосий ғояси** ўқув топшириқларини жамоада, кичик гуруҳларда ёки жуфтликда биргаликда, ўзаро ҳамкорликда бажариш

Бу турдаги таълим турли йўналишларида ташкил этилади.  
Жумладан:

- таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш;
- талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида касбий ва маънавий бирликнинг қарор топишига эришиш

Бу турдаги таълимнинг ғоялари ўтган асрнинг 80-йилларида Ж.Ж.Руссо, К.Д.Ушинский, В.А.Сухомлинский, А.С.Макаренко ва б. новатор-педагогларнинг қарашлари асосида шаклланган. Ҳамкорлик

таълими талабаларда интеллектуал, маънавий-ахлоқий, жисмоний қобилият, қизиқиш, мотивларни ривожлантириш асосида дунёқарашни ҳосил қилиш **мақсадини** илгари суради. Ушбу таълим тури “Cooperative learning” (“Корпоратив таълим”)дан фарқ қилиб, у жуфтлик ва кичик гуруҳда ишлаш орқали талабаларнинг жамоада фаолият юритиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлайди.

Ҳар қандай таълим каби ҳамкорлик таълими ҳам муайян устувор тамойилларга эга. Ушбу тамойиллар ҳамкорлик таълимининг энг муҳим асосларини ёритишга хизмат қилади. Улар қуйидагилардан иборат (12-расм):



12-расм. Ҳамкорлик таълимининг устувор тамойиллари

Қуйида ушбу тамойилларнинг моҳияти очиб берилади:

**1. Жуфтлик ва кичик гуруҳ аъзоларининг ўзаро бирлиги.** Унга кўра таълим жараёнида ўқув материаллари жуфтлик ва кичик гуруҳ аъзоларининг ўзаро бирликдаги ҳаракатлари асосида ўзлаштиради. Педагог яхлит ўқув материаллини жуфтлик ёки кичик гуруҳларни шакллантириш асосида улар томонидан самарали, пухта ўзлаштирилиши учун зарур шартитни яратиб бера олиши зарур.

**2. Жуфтлик ва кичик гуруҳда ҳар бир аъзонинг шахсий ҳамда гуруҳ муваффақияти учун жавобгарлиги.** Ҳамкорлик таълими таълим олувчиларнинг ўзаро, биргаликда таълим олишини таъминлаш билан бирга ҳар бир талабанинги жуфтлик ёки кичик гуруҳда ўзининг ички имкониятини тўла рўёбга чиқара олиши учун қулай муҳитни яратиб бера олиши зарур. Қолаверса, таълим олиш ҳамкорликка асосланганлиги сабабли ҳар бир талаба ўзи мансуб бўлган жуфтлик ва кичик гуруҳ манфаатлари учун

курашиши, ўз жуфти ва жамоадошлари билан муваффақиятга эришиш учун масъулиятли ёндаша олиши зарур.

**3. Жуфтлик ва кичик гуруҳда ҳамкорликка асосланган ўқув-билиш фаолиятининг ташкил этилиши.** Ҳамкорлик таълимига кўра талабалар ўқув-билиш фаолиятини жуфтлик ва кичик гуруҳга бириккан ҳолда ташкил этади. Ҳамкорлик ҳам назарий, ҳам амалий характерга эга машғулотларда ҳам бирдек таъминланади. Назарий машғулотларда талабалардан таркиб топган жуфтлик ёки кичик гуруҳларга нисбатан мураккаб бўлмаган ва қисқа муддатда ечиш мумкин бўлган ўқув топшириқлари берилса, амалий машғулотларда эса бир қадар мураккаб ёки мураккаб вазифалар берилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам талабалар жуфтлик ва кичик гуруҳларда имкониятларни ягона нуктага тўплаган ҳолда ўқув топшириқларини самарали бажариш, ўқув материални пухта ўзлаштиришга эътиборни қаратади.

**4. Жуфтлик ва кичик гуруҳ ишининг умумий баҳоланиши.** Ҳамкорлик таълимига кўра жуфтлик ва кичик гуруҳларда ишлаган барча талабаларнинг фаолияти бевосита шериги ҳамда гуруҳдошларининг умумий фаолияти негизида баҳоланади. Бу ҳолат ҳар бир талабада масъулиятни янада оширишга хизмат қилади. Зеро, ҳар бир талабанинг фаолияти, ёндошуви, фаоллиги жуфтлик ёки кичик гуруҳ фаолияти самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

## **II. Ҳамкорлик таълимининг муҳим белгилар ва таркибий элементлари.**

Ҳамкорлик таълими ўзида муайян белгиларни намоён этади. Улар:

- талаба шахси, индивидуаллигига эътибор қаратиш;
- тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаб чиқишни инкор қилиш;
- талабаларда мустақил ва танқидий тафаккурни ривожлантириш;
- педагогга ва тенгдошларга нисбатан ижобий муносабатнинг юзага келишини таъминлаш;
- талабаларда маданий мулоқот кўникмаларини ривожлантириш;
- ҳамкорлик ва ўзаро тенгликка асосланган муҳитни яратиш

Таълим жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтиришга хизмат қиладиган ҳамкорлик таълими ҳам

Ўзининг муайян таркибий элементларига эга бўлади. Бу таркибий элементлар куйидагилардан иборатдир:

1. **Таянч концепт** (физик, математик ва кимёвий формулалар, те-зислар, изоҳловчи суратлар, қисқача хулосалар, рамзий белгилар, схемалар, графиклар, жадваллар, диаграммалар)дан фойдаланиш.
2. **Тест** (билимларни тест асосида синондан ўтказиш).
3. **Баҳолаш** (талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш)

Ҳамкорлик таълимини қўллашда талабалар куйидаги **шакллар**да таълим олади:

- 1) жамоада;
- 2) кичик гуруҳда;
- 3) жуфтликда

**1-вариант: Жамоада таълим олиш.** Ҳар бир талабанинг ютуқларидан жамоа хабардор бўлади, чунки жамоа ҳар бир талаба томонидан ўқув материалнинг муваффақиятли ўзлаштирилишидан манфаатдор. Зеро, жамоанинг муваффақияти ҳар бир талаба ва унинг ютуғига, жамоа олдида қўйилган муаммонинг ечимига боғлиқ.


**2-вариант: Кичик гуруҳда таълим олиш.** Талабалар 4-5 нафардан бўлиб, кичик гуруҳларга бирлашиб, блок ҳолида берилган ўқув материали устида ишлайди. Ҳар бир талаба материал устида алоҳида ишлайди. Сўнгра бир гуруҳдаги талабалар бошқа гуруҳларга 1 нафардан бўлиб ўтишади ва ўзлари ўрганган материал бўйича эксперт сифатида тенгдошларига маълумот бергандан сўнг ўз гуруҳларига қайтириб, тенгдошларидан ўзлаштирган маълумотлар билан ўз жамоаси аъзоларини таништиради. Бунда шерикларни диққат билан тинглаш, зарур маълумотларни ўз дафтарларига қайд этиб бориш талаб қилинади. Машғулот сўнггида ўқитувчи исталган талабадан ўрганилган мавзу бўйича саволларга жавоб беришини сўрайди.

**3-вариант. Жуфтликда ишлаш.** Талабалар жуфтликларга бўлинади. Ҳар бир жуфтлик яхлит мавзу бўйича алоҳида топшириқ олади. Биргаликда ишлаш асосида жуфтлик аъзолари ўзларига берилган материални ўзлаштиради. Сўнгра бу ҳақида жамоа олдида ахборот беради.

Ҳамкорлик таълимини ташкил этишда талабалардан қуйидагилар талаб этилади:

- шериги ва гуруҳдошлари билан ҳамкорликка эришиш;
- фаол ишлаш, топшириққа нисбатан масъулиятли ёндашиш;
- шериги ёки гуруҳдошларига ижобий муносабатда бўлиш;
- нафақат ўз ютуғи, балки шериги ва гуруҳининг муваффақияти учун жавобгарликни ҳис қилиш;
- жуфтликда ва гуруҳда ишлаш – жиддий ва масъулиятли меҳнат эканлигини ҳис қилиш

Ўз моҳиятига кўра ҳамкорлик таълими “педагог-талаба ҳамкорлиги” тамойилига асосланиб, қуйидаги шаклларда қўлланилади (13-расм):



13-расм. Ҳамкорлик таълимининг асосий шакллари

Ҳамкорлик таълимини қўллаш муайян тартибда кечади. Яъни:

- талабалар (4-5 киши) кичик гуруҳларда ишлайди;
- жамоа учун ягона ўқув материали тақдим этилади;
- ҳар бир гуруҳ алоҳида саволга жавоб топади;
- эксперт гуруҳи шакллантирилади;
- бу гуруҳ ҳар гуруҳ иши билан батафсил танишади;
- эксперт гуруҳи ҳар бир талабанинг фаолиятини индивидуал баҳолаш имкониятига эга;
- талабалар тўплаган баллар умумлаштирилиб, кичик гуруҳнинг фаолияти баҳоланади;
- энг юқори балл тўплаган жамоа ғолиб саналади

Ҳамкорлик таълимини қўллашда ҳамкорлик таълими технологияларидан фойдаланилади.

**Ҳамкорлик таълими технологиялари** – ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар

Ҳамкорлик таълимини ташкил этишда бир қатор технологиялар (м: “Биргаликда ўқиймиз!”, “Кичик гуруҳдаги тадқиқот”, ролли ва ишбилармонлик ўйинлари, ижодий беллашув кабилар) қўлланилади. Бунда эътибор қаратиладиган жиҳат шуки, танланган ҳар қандай технология талабалар томонидан ўқув материалларининг жуфтлик, кичик гуруҳ ёки жамоада ўзаро самарали, муваффақиятли ўзлаштирилишини таъминлай олиши лозим. Ҳамкорлик таълими технологиялари орасида “Ажурли арра” стратегияси ниҳоятда оммалашган.

**III. Таянч консепт ва уни шакллантириш технологияси.** Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, **таянч консепт** – назарий ўқув материали (ахбороти)ни графикли тасвир (қисқа хулоса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да ифодаловчи консепт. Таянч консепт билан ишлашда дастлаб талабаларнинг ўқув ахборотларини графикли тасвирларни қабул қилиш, таҳлил эта олиш, бу шаклдаги маълумотларни қай эта олиш, уларга таянган ҳолда ўқув материалнинг моҳиятини ёритишга тайёрликларини инобатга олиш муҳимдир. Навбатдаги босқичларда эса талабаларнинг мустақил равишда графикли тасвир асосида таянч консептни шакллантириш, унда ўқув ахборотларини кодлаштиришга ўргатиб бориш талаб этилади.

Таянч консепт назарий материални имкон қадар зидлаштиришга ёрдам беради. Таълим жараёнида бу турдаги консептдан фойдаланиш машҳур педагоглар – Д.Б.Эльконин, В.В.Давыдов, В.Ф.Шаталовларнинг фаолиятларида кенг қўлланилган.

Бу турдаги консепт лавҳа, кичик кўриниш характериға эға бўлиб, нафақат табиий фанлар бўйича, балки ижтимоий (фалсафа,

социология, ҳуқуқ ва б.) ҳамда гуманитар (адабиёт, эстетика, этика, маданиятшунослик, мусика, тасвирий санъат ва ҳ.к.) фанларга доир билимларни ҳам самарали, муваффақиятли ўзлаштиришга хизмат қилади. Бу турдаги консепт ўзида катта ҳажмдаги назарий билимлар блокини ҳам қамраб олади ва уни ихчам, тизимли шаклда қисқа баён этади.

Схема, жадвал, таянч белги, графикли чизма, таянч консепт, мантиқий баёнга асосланган консепт, тизимли-тузилмавий ёндошув ва б. ўқув материални тизимлаштиришга хизмат қилади.

ОТМда таянч консептлардан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни юзага келтиради:

- талабаларни маъруза машғулотида педагог томонидан берилган назарий маълумотларни зерикарли тарзда механик қайд этиб боришдан озод этади;
- ўқитувчида аудиториядаги талабалар билан кўпроқ мулоқот қилиш имкониятини яратади;
- талабалар томонидан ўқув материалларини сўзлар ёрдамида, визуал ҳамда кўриш орқали самарали қабул қилинишини таъминлайди;
- таълим жараёнида талабалар томонидан ўқув топшириқларини муҳокама асосида самарали бажариш самарадорлигини оширади;
- талабаларнинг янги билимларни ўзлаштириш жараёни ва сифатини назорат қилиш учун имконият яратади;
- талабаларга ўз билимларини тизимлаштиришга ёрдам беради;
- ўқув ахборотларини кодлаштириш орқали талабалар ўқув фанининг мураккаб бўлим, тушунча ва концепцияларини пухта ўзлаштира олади;
- ўқув материални ўзлаштириш учун сарфланган вақтни қисқартириб, талабаларга кўпроқ амалий ва таҳлилий ишларни бажаришга имкон беради;
- талабаларни замонавий таълим технологияларидан ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида амалий фойдаланишга ўргатади;
- талабалар орасида ўзаро ҳаморликни қарор топтиради;
- талабаларни тест топшириқлари билан мустақил ишлашга ўргатади

Кўпгина педагоглар ўз фаолиятларида машхур педагог В.Ф.Шаталов томонидан асосланган таянч конспект билан ишлаш методикасидан фойдаланади.

Таянч конспект куйидаги талаблар асосида шакллантирилади:

- ўқув материални баён ва тақдим этишда ягона изчилликка эришиш;
- тушунча ва ибораларнинг тасвирий-шаклий жиҳатдан ягона бўлиши;
- ўқув материали бўйича муҳим ўринларнинг акс этирилиши;
- сўз, мисол, рамз, гарфик, формулалар ва б.нинг минимал миқдоридан фойдаланиш;
- қисқартма ва тушунарсиз тасвирларнинг бўлмаслиги;
- ахборотларнинг кодлаштирилиши;
- таянч конспектнинг маъруза матни ҳамда
- дарсликда берилган материал билан изчилликка эришиш;
- тасвирнинг яққол ифодаланиши, аниқ бўлиши

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўқитувчи томонидан тайёрланадиган таянч конспектда таянч тушунчалар, муҳим назариялар, асосий қоидалар ва самарали методларнинг моҳияти очиб берилади, шунингдек, тасвирий намуналар, назорат саволлари, ўқув топшириқлари қай этилади.

ОТМда дастлаб ўқитувчи томонидан шакллантирилган таянч конспект талабаларга тақим этилади, аста-секин улар мустақил равиша бу каби таянч конспектларни шакллантиришга ўргатилади.

Дастлабки машғулотда талабаларга таянч конспект тақдим этилган бўлса, навбатдаги машғулотда ўқитувчи у асосида ўқув материали мазмуни қисқача такрорлайди. Сўнгра талабалар билан мулоқот ташкил этилади. Бу мулоқот мини диктант, блиц-сўров, индивидуал савол-жавоб, жуфтликдаги сўров, тезкор такрорлаш каби шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Таянч конспект куйидаги таркибий тузилмага эга бўлади:

1. Ўқув модули (фани)нинг номи.
2. Ўқув дастури бўйича маърузанинг тартиб рақами.
3. Маъруза мавзуси.
4. Маъруза учун танланган эпиграф (у имкон қадар берилиши зарур).
5. Мавзуга оид таянч тушунчаларнинг рўйхати.
6. Муаммонинг қўйилиши.
7. Муҳокама қлинадиган асосий масалаларнинг сурат, графикли тасвир, жадвал, диаграмма, расм ва б. шаклдаги схемали изчил баёни.
8. Асосий таянч тушунча, қоида, назария ва методлар моҳияти-нинг ихчам тарзда ёритилиши.
9. Мавзу бўйича тест топшириқлари.
10. Талабалар томонидан янги материалнинг ўзлаштирилиш даражасини аниқловчи блиц-сўров ёки мини тест.
11. Хулоса.
12. Уйга вазифа


Таянч конспект билан ишлаш бутун курс бўйича давом этади ва назорат ҳамда коррекциялаш билан якун топади.

**IV. “Ажурли арра” стратегияси – ҳамкорлик таълими технологияларининг муҳим тури.** Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳамкорлик таълимида “Ажурли арра” стратегиясидан кенг фойдаланилади.

**“Ажурли арра” стратегияси** (фр. “ажоур” – бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очиқ) – яхлит мавзунини бир нечта қисмларга ажратган ҳолда мазмунини ёритиш асосида талабаларнинг уни пухта ўзлаштириши, ўз билимларини бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлиши таъминловчи стратегия


Ушбу стратегияни қўллаш жараёнида талабалар тайёр матнлар билан ишлайди. 1986 йилда Ф.Славин томонидан “Ажурли арра-2” методи ишлаб чиқилган бўлса-да, бироқ, “Ажурли арра” стратегияси ўзининг оммавийлигини сақлаб қолди.

“Ажурли арра” стратегиясининг технологик модели қуйидагича (14-расм):



14-расм. “Ажурли арра” стратегиясининг технологик модели

Машғулотда “Ажурли арра” стратегиясини қўллаш куйидаги босқичларда амалга оширилади (15-расм):



15-расм. “Ажурли арра” стратегиясини қўллаш босқичлари

Мазкур стратегияни қўллашда талабаларнинг мавзуни пухта ўзлаштирганлиги, ўзлари эга бўлган билимларни бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлишлари муҳим саналади.

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида ҳамкорлик таълими ҳам муҳим ўрин тутди. Аини вақтда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълими амалиётида ҳамкорлик таълимдан кенг фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Жуфтлик, кичик гуруҳ ва, баъзан жамоада ўзаро ҳамкорлик асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилиши таълим олувчиларда ўқитиш жараёни ҳамда ўқув материалига нисбатан қизиқишни юзага келтиради, ўқув-билиш фаоллигини оширади. Қолаверса, ҳамкорликка асосланган таълим таълим олувчиларнинг самарали равишда ижтимоийлашувларига кўмаклашади. Бинобарин, ҳамкорлик асосида таълим олар экан, таълим олувчиларда бир-бирларини қўллаш, бир-бирларига ёрдам кўрсатиш, жуфтлик, гуруҳ ва жамоа муваффақияти учун курашиш малакалари шаклланади. Республика узлуксиз таълимида ҳам ҳамкорлик таълимининг кенг қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

### **Назорат саволлари:**

1. Ҳамкорлик таълими нимага хизмат қилади?
2. Ҳамкорлик таълими қандай тамойилларга асосланади?
3. Ҳамкорлик таълими қандай шаклларда ташкил этилади?
4. Ҳамкорлик таълимини ташкил этиш қандай тартибга асосланади?
5. Ҳамкорлик таълими технологиялари деганда нимани тушунаси?
6. Таянч консепт нима?
7. Таянч консепт қандай дидактик имкониятларга эга?
8. Таянч консепт қандай талаблар асосида шакллантирилади?
9. Таянч консепт қандай тарикбий тузилмага эга?
10. “Ажурли арра” стратегияси нимага хизмат қилади?
11. “Ажурли арра” стратегиясини қўллаш қандай босқичларга асосланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Модулли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2007. – 97 б.
2. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.
4. Лиманова Г.Н. Технология сотрудничества // <http://www.emissia.org/offline/2003/903.htm>.
5. Прокопишина Н.А. Технология сотрудничества как педагогическая стратегия активного обучения / Метод. пособие. – Новочеркасск: Новочеркасский ГПИ, 2005. – 32 с.
6. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Метод.қўлл. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2013. – 115 б.

## ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Интерфаол таълим технологияларининг дидактик моҳияти.
2. Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби.


**Таянч тушунчалар:** интерфаол, интерфаоллик, интерфаол таълим интерфаол таълимга хос белгилар, интерфаол таълим тамойиллари, интерфаол таълим технологиялари (ТТ), интерфаол методлар, стратегия, график органайзер.

**I. Интерфаол таълим технологияларининг дидактик моҳияти.** Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлайди? Қуйидаги ана шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.

**Интерфаол таълим** (ингл. “interact”, рус. “интерактив”; “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ) – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим

Моҳиятига кўра интерфаоллик талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгалликларини англатади. Мантиқий нуқтаи назардан эса интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди.


Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат (диалог)га асосланган ва бу суҳбат қуйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади (16-расм):



16-расм. Анъанавий таълимга асосланган суҳбат

Интерфаол таълим ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Интерфаол таълимда суҳбат куйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади (17-расм):



17-расм. Интерфаол таълимда ташкил этиладиган суҳбат (диалог)

Интерфаол ТТ моҳиятига кўра суҳбатнинг “талаба – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.


Ўқитувчи интерфаол таълим ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол ТТни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали ҳолис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Ўқув жараёнининг интерфаол ТТга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қуйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади (18-расм):



*18-расм. Интерфаол таълим самарадорлигини таъминловчи асосий омиллар*

Шу билан бирга интерфаол ТТни қўллаш самарадорлиги куйидаги иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ (19-расм):



*19-расм. Интерфаол таълим самарадорлигини таъминловчи асосий омиллар*


Одатда интерфаол ТТга асосланган таълимий ҳаракатлар қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- |  |
|--|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>- индивидуал;</li> <li>- жуфтлик;</li> <li>- гуруҳ;</li> <li>- жамоа билан ишлаш</li> </ul> |
|--|

Интерфаол ТТни қўллаш жараёнида талабалар қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- |   |
|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>- гуруҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;</li> <li>- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;</li> <li>- муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;</li> <li>- гуруҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;</li> <li>- ўз ички имконият ва қобилиятларини тўлиқ намоеён қила олиш;</li> <li>- фикрлаш, фикрларни умумлаштириш ва улар орасидан энг муҳимларини саралаш;</li> <li>- ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш;</li> <li>- ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш;</li> <li>- турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш кўникмаларини ўзлаштириш</li> </ul> |
|---|

Интерфаол таълим муайян белгиларга эга. Куйдагилар интерфаол таълимга хос асосий белгилар саналади (20-расм):



20-расм. Интерфаол таълимнинг асосий белгилари

**Изоҳ:** Рефлексия (лот. “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиш): кишининг ўз хатти-ҳаракатлари, уларнинг асосларини тушуниб этиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти; шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш).

Барча таълим турлари каби интерфаол таълим ҳам устувор тамойилларга эга. Улар:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гуруҳнинг тажрибаси педагогнинг тажрибасидан кўп.
3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга.
5. Машғулотда талаба шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).
6. Билдирилган ғоялар талабаларнинг фаолиятини бошқармайди, балки фикрлаш учун ахборот (маълумот) бўлиб хизмат қилади

Интерфаол таълим куйидаги имкониятларга эга:

- талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;
- ҳар бир талабанинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;
- талабаларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;
- талабаларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;
- талабаларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди

Таълимни ташкил этишга интерфаол ёндошувни қарор топшириш учун педагоглар бир қатор шартларга риоя эта олишлари зарур. Улар (21-расм):



21-расм. Интерфаол таълим самарадорлигини таъминловчи шартлар

**Изоҳ:** Стуллар кичик ва катта доира шаклида жойлаштирилганда кичик доирада талабалар, катта доирада эксперт гуруҳи жойлашади.

Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида интерфаол таълимнинг куйидаги шаклларда амалга оширилаётганлиги барчага маълум (22-расм):



22-расм. Интерфаол таълимнинг асосий шакллари

Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда куйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

**1. Интерфаол методлар:** “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва б.

**2. Стратегиялар:** “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёрап”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к.

**3. График организерлар:** “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.

**II. Интерфаол таълим методлари ва улардан фойдаланиш тартиби.** Айни ўринда бир гуруҳ интерфаол таълим методлари ва уларни таълим амалиётида қўллаш тартиби тўғрисида сўз юритилади.

**2.1. “Ақлий ҳужум” стратегияси** талабаларни мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча органиал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Уни самарали қўллашда куйидаги қоидаларга амал қилиш  
ЛОЗИМ:

Талабаларнинг ўзларини эркин ҳис этишларига шароит яратиб бериш,  
ғояларни ёзиш бориш учун ёзув тахтаси ёки қоғозларни тайёрлаб қўйиш

Муаммо (ёки мавзу)ни аниқлаш

Машғулот жараёнида амал қилинадиган шартларни белгилаш

Билдирилаётган ғояларни уларнинг муаллифлари томонидан асосланишига  
эришиш ва уларни ёзиб олиш, қоғозлар ғоя (ёки фикр)лар билан  
тўлгандан сўнг ёзув тахтасига осиб қўйиш

Билдирилган фикр, ғояларнинг турлича ва кўп миқдорда  
бўлишига эътибор қаратиш

Талабанинг бошқалар билдирган фикрларни ёдда сақлаши, уларга таяниб янги  
фикрларни билдириши ва улар асосида муайян хулосаларга келишига  
эришиш (билдирилаётган ҳар қандай ғоя баҳоланмайди)

Талабалар томонидан мустақил фикр юритилиши, шахсий  
фикрларнинг илгари сурилиши учун қулай муҳит яратиш

Илгари сурилган ғояларни янада бойитиш асосида  
талабаларни қувватлаш

Бошқалар томонидан билдирилган фикр (ғоя)лар устидан  
қулиш, кинояли шарҳларнинг билдирилишига йўл қўймаслик

Янги ғояларни билдириш давом этаётган экан, муаммонинг  
ягона тўғри ечимини эълон қилишга шўшилмаслик

Машғулотларда стратегияни қўллашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Талабаларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан мантикий фикрларнинг билдирилишига эришиш

Ҳар бир талаба томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади, билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади; фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг туғилишига олиб келади

Ҳар бир талаба ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин; аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди


Машғулотда талабалар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди (зеро, фикрлар баҳоланиб борилса, талабалар диққатларини шахсий фикрларни ҳимоя қилишга қаратади, оқибатда янги фикрлар илгари сурилмайди; методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад талабаларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечишдир)

**2.2. “Балиқ скелети” график органайзери (ГО)** талабаларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда талабаларда мантикий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:


- 1) ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 3) гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

Талабалар топширикларни куйидаги тасвир асосида бажаради:



**2.3. “Биламан. билишни хоҳлайман. билиб олдим” (БББ)**  
ГО талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда талабалар гуруҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гуруҳда ишлашда машғулот якунида гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.


Гуруҳлар фаолияти куйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган куйидаги схема асосида ташкил этилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

ГОдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади:




Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тафсилоти қўйидагича:

- 1) талабалар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 2) талабаларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;
- 3) талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;
- 4) талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади;
- 5) талабаларнинг эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;
- 6) ўқитувчи янги мавзуга оид умумий маълумотлардан талабаларни хабардор қилади;
- 7) талабалар томонидан ўзлаштирилган янги тушунчалар аниқланади;
- 8) баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;
- 9) машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади

**2.4. “Блиц-сўров” методи** (инг. “блиц” – тезкор, бир зумда) берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, талабаларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.


Машғулотларда методни қўллаш қуйидагича кечади:



Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти талабалар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.


**2.5. “Венн диаграммаси” ГО** талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндошув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:



ГО талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Уни қўллаш босқичлари куйидагилардан иборат:




ГОни қўллаш жараёнида ҳар бир гуруҳ муайян мавзуга оид топшириқларни бажаради. Талабаларнинг эътиборларига куйидаги жадвални тақдим этиш мумкин:

Гуруҳлар	Диаграмманинг тартиб рақами	Топшириқлар мазмуни
1- гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
2-гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
3-гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
4-гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	


**2.6. “Дебат” методи** (фр. “дебаттере”, “дебац” – “баҳслашмоқ”) технологияси ййғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув машғулотларида дебат қуйидаги тартибда уюштирилади:




**2.7. “Кластер” ГО** (“кластер” – ғунча, тўпам, боғлам) пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни талабалар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратеди.

ГОдан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:



ГО ёрдамида талабалар топшириқ бўйича фикрларини кластер (майда, алоҳида қисмлар) тарзида қуйидагича ифодалайди:



**2.8. “Мантиқий чалкаш занжир” стратегияси** тушунчалар, билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантиқий жиҳатдан кетма-кетликда тўғри ифодалашга ёрдам беради. Унинг моҳиятига ўқитувчи мавзунини ёритувчи маълумотларни тўғри ва нотўғри тартибда баён этади. Талабаларнинг вазифаси

мантиқий жиҳатдан нотўғри ифодаланган маълумотларни тўғри далилларга айлантириш, юзага келган мантиқий чалкашликни тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетликда тўғри жойлаштирган ҳолда узилган занжирни “улаш”дан иборат.

Машғулотда стратегияни қўллаш куйидаги тартибда амалга оширилади:




**Изоҳ:** ўқитувчи мустақил ишлашини таъминлаш учун ҳар бир талабага мазмунини бироз ўзгартирган ҳолда алоҳида топшириқ бериши мумкин.

**2.9. “Нилуфар гули” технологияси** дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта “гулбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод

ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

Талабаларда ҳал этилаётган масала юзасидан мантиқий, изчил фикрлаш, ички моҳиятини таҳлил қилиш қўникмаларини шакллантирувчи технологияни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Талабаларга қуйидаги схема намуна сифатида тақдим этилади:

	B	

	Z	

	C	

	D	

B	Z	C
D	A	F
G	H	Y

	F	


	G	

	H	


	Y	

**2.10. “Swot-таҳлил” стратегияси** муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Талабалар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг қуйидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:



Машғулотларда стратегияни қўллаш тартиби куйидагича:



**Изоҳ:** стратегияни қўллаш муайян қийинчиликларни келтириб чиқариш эҳтимоли мавжуд. Бундай ҳолларда ўқитувчи стратегиянинг асосий моҳияти ёки бирор босқичини талабаларнинг билими даражасига мослаб, унга тушунарли сўзлар билан ифодаланиши (ўзгартириши) мумкин. Ўқитувчи томонидан талабаларга стратегиянинг моҳияти, афзалликлари ҳақида етарлича маълумот берилиши улар томонидан ҳал этиладиган муаммо моҳиятининг тўла тушунилишини таъминлаш ва қутилган натижага эришишга ёрдам беради.


**2.11. “Синквейн” стратегияси.** Ж.Стилл, К.Мередиc, Ч.Темил томонидан ишлаб чиқилган “Ўқиш ва ёзиш асосида танкидий фикрлашни ривожлантириш дастури”да ҳар бир талаба ва талабалар гуруҳларининг фикрлаш фаоллигини ошириш, уларда танкидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун “Синквейн” стратегиясини қўллаш самарали эканлиги айтилади.

Бу ўринда стратегиянинг моҳияти билан танишиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

**Синквейн** (фр. “беш қатор” маъносини англатади) маълумотларни синтезлаш (алоҳида маълумотлар асосида яхлит ғояларни шакллантириш)га ёрдам берадиган қофиясиз шеър бўлиб, у асосида ўрганилаётган мавзу (тушунча, ходиса, воқеа)ларга оид маълумотлар тўпланади; ҳар бир ўқувчи (талаба) ушбу маълумотлар йиғиндиси (қофиясиз шеър)ни ўз сўзлари билан турли вариант ёки нуқтаи назарлар орқали ифодалаш имкониятига эга

**Синквейн тузиш** – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир неча сўз орқали яққол, ёрқин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзунини пухтароқ ўзлаштириш, маълумотларни яхшироқ англашга ёрдам беради

Синквейн тузиш мураккаб жараён бўлиб, уни самарали ташкил этиш учун муайян қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Одатда, синквейн тузиш беш босқичли ҳаракатларни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Мисол учун:




Синквейнлар куйидаги ҳолатларда самарали саналади:



**2.12. “Скарабей” стратегияси (“Кўнғиз”) талабаларда** мантикий фикрлаш қобилиятини, хотирани, шунингдек, муайян муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ, эркин ифодалаш малакасини ривожланишига хизмат қилади. Талаба стратегияни қўллаш жараёнида билимларининг сифати, даражасини ҳолис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тасаввурни қўламини аниқлаш имкониятини қўлга киритади. Стратегия, шунингдек, турли ғояларни очиқ, эркин, мантиқан ифодалаш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашда ҳам самарали саналади.

Унинг ёрдамида талабаларда қуйидаги сифатларни шакллантириш, ривожлантиришга эришиш мумкин: мустақил ишлаш; мулоқатга эркин кириша олиш; хушфёъллик, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш; фаоллик; фаолиятга ижодий ёндашиш; фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш; ўз-ўзини баҳолаш.


Стратегиядан дарснинг муайян босқичларида турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Яъни:



Мазкур стратегия талаба томонидан осон қабул қилинади. Зеро, у шахсга хос фикрлаш, билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

**2.13. “Қарорлар шажараси” стратегияси (“Қарор қабул қилиш технологияси”)** муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндошувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун талабалар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади. Унга кўра машғулотларда талабалар қуйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланади):



Стратегиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, у бевосита маълум лойиҳа асосида қўлланилади. Лойиҳа қуйидаги кўринишга эга:

Умумий муаммо					
1-қарор варианти		2-қарор варианти		3-қарор варианти	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
<b>Қарор:</b>					

Стратегия қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

Машғулот чоғида ўқитувчи энг аввал мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди; гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди

Ўқитувчи талабаларни 4 ёки 6 нафардан кичик гуруҳларга ажратади; муаммонинг ҳал этиш, оқилона қарор қабул қилиш учун аниқ вақт белгиланади

Қарор қабул қилишда гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси билдирган вариантнинг мақбул, номақбуллиги батафсил муҳокама қилиниб, афзаллиги, афзал эмаслиги ёзиб борилади; билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга ёрдам берадиган усул ҳақида гуруҳ аъзолари бир тўхтама келиб олади

Белгиланган вақт тугагач, ҳар бир гуруҳнинг лидери гуруҳ қарорини эълон қилади; билдирилган барча хулоса (қарор)лар ўқитувчи бошчилигида ўзаро киёсланади

**Изоҳ:** 1. Муаммо бўйича билдирилган қарорлар юзасидан саволлар туғилса, уларга жавоб қайтариледи, ноаниқликларга аниқлик киритиледи.  
2. Агарда барча гуруҳлар муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

Шундай қилиб, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни

қарор топтириш, ғоявий ва рухий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи (ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга. Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчилар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари лозим. Қолаверса, интерфаол методларни қўллашда талабаларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инobatга олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Интерфаол таълим қандай дидактик имкониятларга эга?
2. Интерфаол таълим қандай тамойилларга асосланади?
3. Интерфаол таълим қандай шаклларда ташкил этилади?
4. Интерфаол таълим технологиялари сифатида нималар эътироф этилади?
5. “Ақлий ҳужум” стратегияси нимага хизмат қилади?
6. “Балиқ скелети” ГО қандай дидактик имкониятга эга?
7. “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (“БББ”) ГО ўқув машғулотивининг қайси босқичида қўлланилади?
8. “Венн диаграммаси” қандай мақсадга хизмат қилади?
9. “Кластер” тушунчаси қандай маънони англатади?
10. “Қарорлар шажараси” стратегияси (“Қарор қабул қилиш технологияси”) қандай мақсад учун хизмат қилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Модулли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2007. – 97 б.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Метод.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.

## МАСОФАВИЙ ВА КОМПЬЮТЕР ТАЪЛИМИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Масофавий таълим моҳияти.
2. Етакчи хорижий мамлакатларда қўлланилаётган масофавий таълим моделлари.
3. Масофавий таълим тамойиллари.
4. Масофавий таълимни ташкил этиш босқичлари.
5. Компьютер таълими моҳияти ва компьютер таълими технологиялари.

**Таянч тушунчалар:** ахборот-коммуникацион технологиялар, масофавий таълим, масофавий таълим моделлари, масофавий таълим тамойиллари, масофавий таълимнинг дидактик имкониятлари, масофавий таълимни ташкил этиш босқичлари, компьютер таълими, компьютер таълими технологиялари.

**I. Масофавий таълим моҳияти.** Заонавий шароитда ахборот-коммуникацион технологияларнинг тезкор ривожланиши таълим жараёнида уларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун қулай шароитни вужудга келтирди. Айни вақтда етакчи хорижий мамлакатлар масофадан ўқитиш борасида бой тажриба тўпланган. Ўзбекистон шароитида мустақиллик йилларида таълимнинг бу турини қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тобора оммалашиб бораётган ушбу таълимнинг мазмунини ёритишда дастлаб тушунчанинг моҳияти англаб олиш мақсадга мувофиқдир. Манбаларда “масофавий таълим” тушунчаси турлича талқин этилган. Бу ҳол бевосита масофадан ўқитишнинг асосий элементлари тадрижий тақомили (эволюцияси) билан узвий боғлиқ. Зеро, мазкур таълим тури ривожланишининг ҳар бир босқичида тасаввурлар қайд этилиб, масофавий ўқитишнинг вазифа ва таърифларига турли нуқтаи назардан ёндашиш мавжуд. Бунда масофавий таълимнинг ривожланиш босқичлари асос қилиб олинади.

Манбаларда “масофавий таълим” тушунчасига берилган таърифларга таянган ҳолда атамани қуйидагича таърифлаш мумкин:

**Масофавий таълим** – муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришда анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим

Масофавий таълим технологияси 1969 йилда Англия премьер-министри Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган деб ҳисобланади. Аммо масофадан ўқитиш анча олдинроқ, яъни, биринчи барқарор, мунтазам почта алоқасининг шаклланиш даврида юзага келган. 1858 йилдан бошлаб Лондон университетида барча хоҳловчиларга уларнинг мустақил билим олишлари, барча ихтисосликлар ва барча соҳалардаги академик даража учун имтиҳон топширишларига руҳсат этилган. 1938 йилдан буён Сиртки таълим бўйича Халқаро кенгаш, 1982 йилдан бошлаб, Масофавий таълим бўйича Халқаро Кенгаш номи билан машҳур халқаро таълим ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Англияда 40 га яқин ана шундай турдаги таълим муассасалари фаолият кўрсатган бўлиб, уларга ҳар йили 65 минг киши ўқиш учун ариза беришган. Янги педагогик технология таълим олувчиларга қулай вақтда ўқишлари учун катта имкониятлар яратиб берди.

Очиқ университетлардаги ўқиш харажатлари анъанавий институтларда ўқитишга қараганда 8-10 марта арзон. М: Англияда турғун ўқишга 3000, масофавий ўқитиш орқали билим олишга эса атига 300 фунт стерлинг тўланади. Биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳозлар ва лаборатория учун харажатлар, ўқитувчи, маъмуриятлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штати қисқаради. Таълим олувчиларга филиаллар тармоғи, телестудия ва компьютер тармоғи орқали маслаҳатлар берилади. Англияда ўқувчиларни тайёрлаш дастури 130 та курсни ўз ичига қамраб олади, уларнинг кўплари фанлараро боғланиш хусусиятига эга.

АҚШда шунга ўхшаш ўқитиш тизими ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталарида қўлланила бошлаган. Ўша пайтларда

яқин жойлашган корпорация ишчилари учун ўқув курсларини баъзи муҳандислик коллежлари телевидение орқали тақдим этган. 1948 йилдан бошлаб, масофавий таълим дастурлари Миллий технологик университет таълимига мослаштирилган. Кўп йиллар давомида “Эдент” таълим тармоғидан фойдаланиб келинган. Индивидуал компьютерлар орқали барча даражадаги таълим муассасалари тармоғига уланиш имконияти мавжуд. Бугунги кунда АҚШда масофадан ўқитиш дастури бўйича бир миллиондан ортиқ талаба таълим олади. Улар ўқув курсларини Оммавий телеэшиттириш тизими орқали қабул қиладилар. Ўқиш дастурлари фан, бизнес ва бошқаришнинг турли соҳалари бўйича курсларни тақдим этади. Бунда ўқув курслари Ернинг сунъий йўлдоши орқали бутун мамлакат бўйлаб ва бошқа давлатларга ҳам тўртта ўқув тармоғи (канал) орқали узатилади.

Европада масофадан ўқитиш XX асрнинг 70-йиллар бошларида жадал ривожлана бошланди. Бу жараён бир қатор очик университетларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Бугунги кунда Европанинг ҳар бир мамлакатада масофадан ўқитишни жорий этган таълим муассасаларининг сони тобора ортиб бормоқда. АҚШ, Канада, Англия, Германия ва Франция мамлакатларининг етакчи олий ўқув юртлари ўзларининг телекоммуникация тизими ёки компьютер тармоғига эга. Янги ахборот технологиялари минтақавий уюшмаларда кўпроқ қўлланилади: очик университетларнинг Осие уюшмаси, масофадан ўқитишни ривожлантириш бўйича Лотин Америка ҳамкорлик тармоғи, Очик университетларнинг Европа уюшмаси ва б.

1990 йилнинг март ойида Европа комиссияси томониан “Масофавий ўқитиш ва касбий тайёрлаш” номли ишчи хужжати қабул қилинди. 1994 йилда эса Европа комиссияси масофавий таълимнинг кенг қўламда ташкил этилиши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида “Леонардо да Винчи” ва “Сукрот” дастурларини амалиётга тадбиқ этди.

Агарда “Леонардо да Винчи” дастури шахснинг “бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олишини ва касбий жиҳатдан ривожлантириш”нинг янги шакллари амалиётга тадбиқ этиш ҳамда такомиллаштиришни назарда тутган бўлса, “Сукрот” дастури “уйда таълим олишни Европа масштабига олиб чиқиш” мақсадини илгари сурди.

Соҳани ривожлантириш йўлида масофавий таълимни ташкил этиш борасидаги амалий ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида Бутун жаҳон масофавий таълим ассоциацияси ташкил этилди. Айти вақта ассоциация масофавий таълим борасидаги минтакавий тизимларни ўзаро мувофиқлаштиради.

Таълим олувчилар анъанавий технологияларга нисбатан ахборот ва коммуникацион технологиялар (АКТ) ёрдамида билимларни 40-60 фоизгача тез ва қисқа муддатда ўзлаштиради. Шу боис замонавий шароитда масофадан ўқитиш бутун дунё миқёсида жадал ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда Россияда масофадан ўқитиш бўйича 200 минг нафар талаба билим олмақда. Яқин вақтлар ичида уларнинг сони 500-600 минга етади. В.Куфельднинг фикрича, “билимларни ўргатиш усуллари билим инқилобидан” орқада қолиб кетиши мумкин эмас.

Масофавий таълим тизими ривожланишининг учинчи босқичи 80- йилларнинг ўрталарида Интернетнинг пайдо бўлиши ва оммавийлашиши билан боғлиқ. Унинг таъсири жуда катта бўлгани боис, “кўплар кўпчилик билан” алоқаси ва ахборот алмашиниш тизими умумникига айланди. Вақт ва географик чекланишларга қарамадан масофавий таълим соҳасида хизмат кўрсатувчилар сони анча ортди. Замонавий коммуникация тизимининг ривожланиши туфайли ахборотни етказиш усуллари радио интеграцияси, ахборотни Ер шарининг истаган нуқтасига жуда тез узатишга имкон берувчи телефон, телеграф, алоқанинг йўлдош ва кабель тизими орқали ахборотларни етказиб бериш. Бугунги кунда масофавий таълим тизимининг тўртинчи босқичи ҳақида ҳам гапириш мумкин. Бу масофавий таълим тизими соҳасида янги – рақамли ахборот узатиш технологиясининг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир. Улар ўз ичига гипермедиа дастурларини қамраб олади. Бу таълим олувчига ахборотларни ўзлаштириш тартибларини, шунингдек, Интернет ва бошқа тармоқлар орқали олинадиган маълумотлар базасини, маълумотларнинг интеграллашган мажмуини назорат қилиш имконини туғдиради. Бу эса таълим олувчиларга видеокурслар, аудиоматериаллар, маълумотлар базаси ва бошқа дастурий таъминотлардан фойдаланиш имконини беради.

Таълимнинг масофадан ўқитиш турига ўтишнинг тенденцияси ана шу технология бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари (марказлари) сонининг ортиши билан кечмоқда.

В.Н.Фокина Очиқ таълим халқаро академияси аъзоларининг кенгашида Россияда очиқ таълимни яратиш ва ривожлантириш муаммолари муҳокамаси якунида мамлакатда масофавий таълим технологияларининг жадал ривожланаётгани таъкидлаб ўтди. Ушбу технологияларнинг истиқболи шундаки, уларнинг фаоллиги бир оз секинланса-да, бироқ, ҳамиша қўлланилаверади. Бундай ҳол Ўзбекистон Республикасида барча фанлар, соҳа йўналишларида содир бўлмоқда.

Масофавий таълим таълим оловчи ва таълим хизматларини ташкил этувчи субъектлар ўртасида қайтар алоқани юзага келтиради. Яъни, таълим оловчилар ўзлари учун қулай шароит, вақтда факс, почта ёки компьютер (электрон почта) ёрдамида ўқитувчиларга назорат-синов ишларининг ишланмалари, лойиҳаларни юборди. Текширилган назорат ишлари “қайтар алоқа” тамойилига мувофиқ таълим оловчиларга қайтарилади. Бунинг натижасида шахслараро муносабат – “субъект-субъект” алоқаси ўрнатилади.

Масофадан ўқитиш таълим оловчилар ва ўқитувчиларнинг бир-бирлари ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик фазовий жойлашишига боғлиқ бўлмайди. Таълим жараёни кичик тизимлардан иборат, яъни ўқитиш мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шакллари, назорат, ўқув-моддий, молиявий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва маркетинг каби элементларни қамраб олган ўзига хос педагогик тизимда кечади.

Замонавий телекоммуникация воситалари ва электрон нашрлар анъанавий ўқитиш шакллариининг камчиликларини бартараф этишга имкон беради ва бунда уларнинг барча афзалликларини ўзида сақлаб қолади. Бу турдаги таълим ўқув ахборотлари алмашувини таъминловчи воситалар (ер сунъий йўлдоши, телевидение, радио, компьютер, почта алоқаси ва б.)га таянган ҳолда ихтисослаштирилган ахборот муҳитида масофадан туриб, таълим оловчиларнинг кенг қатлами ҳамда хорижий давлатларга тақдим этиладиган таълим хизмати мажмуи саналади. Масофадан

Ўқитишнинг ахборот-таълим муҳити маълумотларни узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро мулоқот баёнлари, фойдаланувчиларнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган аппарат-дастурий, ташкилий-услубий таъминот ва бошқаларнинг тизимий-ташкилий мажмуидан иборат.

Мазкур таълим мустақил билим олиш тамойилига таянадиган таълим жараёнининг янги тузилмаси ҳисобланади. Таълим муҳити шу билан характерланадики, таълим олувчилар, асосан ёки бутунлай фазо (ёки) вақт жиҳатдан ўқитувчидан узоқда, айтилиши вақтда улар истаган пайтларида телекоммуникация воситалари ёрдамида мулоқот қилиш имконига эга бўлади.

Масофавий таълим ўқитишнинг анъанавий усулларида фойдаланиш, турғун шароитда ўқиш имкониятига эга бўлмаган, имкониятлари тиббий шарт-шароитлар туфайли чегараланган шахслар, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг тингловчилари, хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида ўқитиш истагида бўлган абитуриентлар, иккинчи мутахассисликни эгаллашни хоҳловчи мутахассисларга жуда қулай шароитни яратиб беради.

Этакчи мамлакатларда ўқитиш тобора масофавий таълим тизимига ўтказилмоқда. М: айтилиши вақтда АҚШда телевидение имкониятларига таянган ҳолда 1 млн.га яқин шахс масофавий таълим тизимига кўра таҳсил олмоқда. Бу тизимда кенг фойдаланилмоқда. МХД давлатларида эса айтилиши вақтда фақат 1 млн.га яқин шахсгина масофавий таълим тизимида таҳсил олмоқда. Демак, бу ҳолат соҳани тараққий эттиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини тақозо этади.

Масофавий таълимни ташкил этишга ўқитувчиларнинг фаолияти фақатгина ўқув ахборотларини узатиш билан чекланмайди. Шу сабабли бу турдаги таълимни ташкил этишга бир неча мутахассис жалб қилинади. Улар ўз вазифаларига кўра турлича номланади. Хусусан:

**1. Ўқитувчи** – масофавий таълимни ташкил этишда фойдаланиладиган ўқув-методик қўлланмаларнинг муаллифи.

**2. Модератор** – масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра суҳбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог (у мулоқот жараёнининг тўғри ташкил этилишини таъминлайди, билдириладиган

фикрларни умумлаштиради, зарур бўлганда уларни тўғрилайди, таълим оловчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини ривожлантиради, билиш фаолиятларини фаоллаштиради).

**3. Тьютор** (лот. “tutorem”) – ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий.

**4. Эдвайзер** (фр. “avisen” – “ўйламоқ”, “advisor” – “ўйловчи”) битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг таълим оловчилар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи.

**5. Фасилитатор** (лот. “facilis”, ингл. “facilitator” – енгил, қулай) – масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини ҳолис, самарали баҳоловчи педагог.

**6. Инвигилатор** – масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог.

Масофавий таълим тизимида продуктив, репродуктив, муаммоли баён, эвристик ва илмий изланиш (тадқиқот) методлари қўлланилади. Мазкур тизимда ўқитиш воситалари сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

Китоблар (босма ва электрон шаклда); дидактик материаллар; компьютер ўқув тизимлари (оддий ва мультимедиа шаклида); аудио ўқув ахборотлари; видео ўқув ахборотлари; виртуал стендлар; тренажёрлар; маълумотлар базаси; техник воситалар – радио, телевидение, магнитофон, видеомагнитофон, кинопроектор, диапроектор, видеопроектор, кодоскоп, компьютер, Интернет тармоғи ва б.

Ўқув курсларида бир тингловчининг ўрнига бошқа тингловчи қатнашиши, унинг ўрнига синов топшириқларини топширишнинг олдини олиш мақсадида масофавий таълим тизимида назорат видеоконференцияларни ташкил этилишига асосланади.

Масофавий таълим тизимига кўра машғулотлар маъруза, семинар, лаборатория машғулоти, курс иши, синов, имтиҳон, маслаҳат, мустақил иш каби шаклларда йўлга қўйилади. Моҳиятига кўра масофавий таълимнинг ташкил этилиши бир қатор иқтисодий масалаларнинг ижобий ҳал қилинишига боғлиқ. Зеро, ушбу таълимни ташкил этиш учун ахборот-коммуникацион воситалар, махсус жиҳозланган аудиториялар, ахборот тизимлари хизматидан фойдаланиш учун талаб этиладиган молиявий маблағнинг мавжудлигини тақозо этади. Шу сабабли ҳар бир педагог тизимдаги бу масаланинг моҳиятидан хабардор бўлиши зарур. Қолаверса, республика миқёсида масофавий таълимнинг самарали йўлга қўйилиши учун соҳа маркетингини (талаб ва таклифларни ўрганиш, таълим хизматларини йўлга қўйиш (ўқув режалар, ўқув дастурлар, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, кадрларни тайёрлаш ва ҳ.к.), таълимий характердаги махсулотларни сотиш, истеъмол бозорини юзага келтириш асосида) ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Аввалдан ёзиб олинган видеомаърузалар таълим олувчиларга маърузаларни тинглаш ва кўриш учун шароит яратса, максимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашилиш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради. Замонавий шароитда телекоммуникация воситалари – босма матнлар, аудио ва видеоёзувлар ўрни электрон ўқув-ахборот ресурслари, дастурлари билан тўлдирилмоқда.

Масофадан ўқитишнинг ташкилий-методик модели сифатида қуйидагилар тавсифланади:

- экстернат асосида ўқитиш;
- бир университет негизида ўқитиш;
- бир неча ўқув юртининг ҳамкорлиги;
- махсус масофавий ўқитиш мақсадида ташкил этилган автоном таълим муассасалари;
- автоном ўқитиш тизимлари;
- мультимедиа дастури асосида норасмий интеграллашган масофали ўқитиш;
- ягоналик модели ва б.

**II. Етакчи хорижий мамлакатларда қўлланилаётган масофавий таълим моделлари.** Ҳозирда ривожланган хорижий мамлакатларда масофавий таълимнинг қуйидаги моделлари (ЮНЕСКО, 2000 йил) амал қилмоқда (23-расм):



*23-расм. Масофавий таълимнинг етакчи моделлари*

Қуйидаги ушбу моделларнинг моҳияти очиб берилади.

**1. Бирламчи модел** (у фақат масофавий таълимни ташкил этишга хизмат қилади; унга кўра таълимнинг кундузги шакли зарур бўлмайди; таълим барча ҳолатларда масофадан ташкил этилади; ўқитувчи ва таълим олувчилар ўқув фаолиятининг шакл, метод ва воситаларини эркинлик танлаш ҳуқуқига эга; вақт ва ўқув жадвалларига қатъий чегаралар қўйилмайди; ҳудудий марказлар ташкил этилган бўлиб, уларда таълим олувчилар ўқитувчилардан маслаҳат олиш, якуний имтиҳонларни топшириш имкониятига эга бўлади; Буюк Британиянинг Очиқ университети (United Kingdom Open University) ана шу модел асосида фаолият кўрсатади).

**2. Иккиламчи модел** (унга кўра таълим қисман ОТМда, қисман масофали дастур асосида ташкил этилади; ҳар икки ҳолатда ҳам дарс жадваллари, ўқитиш дастурлари, имтиҳонлар ва баҳолаш мезонлари бир хил бўлади; асосий эътибор амалий тажрибага, педагогика инновацияларни тадқиқ этишга қаратилади;

Австралиядаги Янги Англия университети (University of New England) мана шу модел асосида фаолият олиб боради).

**3. Аралаш модел** (масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модел; таълим олувчилар масофавий таълим курслари ва университет дастурларини ўзаро параллел равишда ўзлаштиради; анъанавий курслар доирасида виртуал семинар, тақдимот ва видео-маърузага асосланган машғулотлар ташкил этилади; бу каби интеграллашган курслар Янги Зеландиянинг Массей университети (Massey University, New Zealand)да ташкил этилади.

**4. Консорциум** (лот. “consortium” – “шериклик”, “биргаликда иштирок этиш”); масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма; университетлар ўқув материалларини ўзаро алмаштиради ёки муайян вазифаларни ўзаро бўлишиб олган ҳолда бажаради; м: бир университет масофавий таълим учун ўқув материалларини тайёрласа, иккинчиси виртуал ўқув гуруҳларини ўқитувчилар билан таъминлайди ёки масофавий таълим дастурларининг аккредитациясини таъминлайди; бундай ҳолатда университет, унинг марказлари, факультетлари, нодавлат ташкилотлари, давлат муассасалари университетлар билан ҳамкорликка эришишлари мумкин; Канададаги Очиқ ўқув Агентлиги (Open Learning Agency, Canada) ушбу модел асосида иш кўради).

**5. Франчайзинг** (ингл. “franchise” – “лицензия”, “хуқуқ”; ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳуқуқининг бериши; ушбу модел асосида таълим олувчилар гарчи муайян университетда таҳсил олсалар-да, консорциумга аъзо етакчи олий таълим муассасасининг талабаси оладиган ҳажмда сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига, қолаверса, улар каби дипломга эга бўлади; Буюк Британиянинг Очиқ университети қошидаги Бизнес Мактаби (Open University Business School, Great Britain) билан ўзаро ҳамкорликка эришган Шарқий Европадаги қатор университетлар ана шу моделга асосланиб фаолиятни ташкил этади).


**6. Валидация** (ингл. “validation” – “қондириш”; таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши; масофали таълимнинг кенг

тарқалган бу моделига кўра ўзаро ҳамкор таълим муассасалари тенглик тамойилига мувофиқ масофавий таълимни барча даражада биргаликда ташкил этиш хусусида келишиб олади; уларнинг бири диплом валидацияси, иккинчиси ўқув курслари, дастурларини акредитация қилади, учинчиси намунадаги диплом ҳамда сертификатларни бериш учун масъул бўлади, илмий даражалар беради ва ҳ.к.).

**7. Узоқлаштирилган аудиториялар** (унга кўра замонавий ахборот технологиялари ва инновацион характераги таълим воситалари кенг қўлланилади; бир олий ўқув юртида ташкил этилаётган ўқув курслари, маъруза ва семинарлар ундан узоқ масофада жойлашган таълим муассасаларининг ўқув аудиторияларга телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радиоэшиттириш кўринишида узатилади; ўқитувчи бир вақтнинг ўзида талабаларнинг катта аудиторияси билан ишлайди; АКШнинг Висконсия университети (Wisconsin University, USA), Хитойнинг марказий радио ва телевидение университети (China Central Radio and TV University)да масофавий таълимнинг ушбу моделидан фойдаланилади.

**8. Лойиҳалар** (у давлат таълим ёки илмий-тадқиқот дастурлари доирасида кенг қамровлик лойиҳани амалга ошириш учун мўлжалланади; асосий эътибор ўқув материалларини тайёрловчи етакчи мутахассислар, ходимлар, масофавий таълим курсларини ташкил этадиган ўқитувчи ва олимлардан иборат илмий-методик марказни шакллантиришга қаратилади; марказ томонидан тайёрланган масофавий таълим курслари муайян давлат ҳудудида катта аудиторияга узатилади; бу каби таълим вақтинчалик бўлиб, лойиҳа доирасида режалаштирилган ишлар бажарилгач ёки тугагандан сўнг яқунланади; Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган давлатларида турли халқаро ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги, агротехника, экология бўйича ташкил этиладиган ана шу моделга мисол бўла олади).

**III. Масофавий таълим тамойиллари.** Масофавий таълим ҳам барча таълим турлари касби муайян тамойиллар асосида ташкил этилади. Улар (24-расм):



24-расм. Масофавий таълимнинг устувор тамойиллари

Қуйида ушбу тамойилларнинг моҳияти очиб берилади.

**1. Интерфаоллик тамойили** (у тингловчи ва ўқитувчи ўртасидаги алоқани таъминлаб қолмай, балки тингловчилар ўртасида ўзаро алоқани юзага келтиради).

**2. Бошланғич билимларга эгалик тамойили** (масофавий ўқитиш тизимида тингловчиларнинг олдиндан тайёргарлик кўришлари, техник воситалари – компьютер, модел, электрон доска ва б. билан таъминланиши, Интернет алоқа тизимида уланиши ҳамда бу тизимда самарали ишлай олиш малакаларига эга бўлишлар муҳим аҳамиятга эга).

**3. Индивидуаллик тамойили** (бу тамойил реал ўқув жараёнида кириш ва оралиқ назоратлари ўтказилишини, уларнинг натижаларини таҳлили асосида индивидуал ўқув режалари тузилишини ифодалайди).

**4. Идентификациялаш тамойил** (у масофавий ўқитиш тизимида мустақил таълим натижаларини назорат қилиш шакли бўлиб, таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ўрганишда бевосита мулоқот видеоконференцияларидан фойдаланиш, шу мақсадда самарали техник воситаларни қўллашни назарда тутати).

5. Таълимнинг аниқ вақтга асосланиши тамойили (унга кўра ўқув жадвали қатъий режалаштирилади ва режалаштирилган жадвалга қатъий риоя қилиниши назоратга олинади).

6. Таълимнинг ошқоралиги ва ўзгарувчанлигини таъминлаш тамойили (тамойил масофавий таълимнинг ёш ҳамда маълумоти жиҳатидан турлича бўлган таълим олувчилар учун қулайлигини, ўқитишнинг очик режалаштирилишини; таълим вақти, суръати ва жойини эркин танлаш имконияти мавжудлигини; ўқув машғулотларида ихтиёрий қатнаша олишини, изчиллик, тизимлилик ва узвийлик нуктаи назаридан ўқув материалларининг мунтазам ўзгариб боришини таъминлаш имкониятига эгаллиги тавсифлайди).

7. Замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг педагогик мақсадга эгаллиги тамойили (унга кўра масофавий таълим тизимини лойиҳалаштириш, яратиш ва ташкил этишда мавжуд техник воситаларини мақсадга мувофиқ қўлланилиши таҳлил қилиб борилиши ҳамда уларни қўллашда йўл қўйилиши эҳтимоли бўлган хатоларнинг олди олинishi лозим).

IV. Масофавий таълимни ташкил этиш босқичлари. Ўқув юртларида масофавий таълимнинг ташкил этилиши муайян жараён сифатида кечади. Табиийки, ҳар бир жараён маълум босқичларда амалга оширилади. Масофавий таълимни ташкил этиш босқичлар қуйидагилардир: Ўқув муассасасларида масофавий таълимни амалга ошириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади (25-расм):



25-расм. Масофавий таълимни ташкил этиш босқичлари

Айни ўринда масофавий таълимни амалга ошириш босқичларининг моҳияти хусусида сўз юритилади.

**1. Таҳлил босқичи** (унда ўқув муассасининг масофавий таълимни ташкил этишга бўлган эҳтиёжи, таълим олувчиларнинг сони, таълим шакли, метод ва воситалари, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойиҳани иқтисодий асослари таҳлил қилинади).

**2. Лойиҳалаштириш босқичи** (унда таҳлиллар натижасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва техник топшириқлар лойиҳалаштирилади).

**3. Жорий қилиш босқичи** (ушбу босқичда масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга мувофиқ домен танланади; масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуадан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатишни таъминловчи ходимларга иш ўргатиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилади).

**4. Ўқув контентларини яратиш босқичи** (унда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда масофавий таълим жараёнининг асосий элементларидан бири бўлган ўқув контентлари яратилади; яратилган ўқув контентлари экспертлар томонидан экспертизадан ўтказилади).

**5. Ишга тушириш босқичи** (бу босқичда масофавий таълим жараёни ишга туширилади; ўқув жараёни доимий назоратга олинади; тизим хавфсизлиги мониторинг қилиб борилади).

**6. Ривожлантириш босқичи** (унда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади).

**Масофавий таълим технологиялари** таълимнинг белгиланганмазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир


Ушбу технологиялар таълим ахборотларини тақдим этиш, таълим ахборотларини узатиш ҳамда таълим ахборотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини ўз ичига олади. Масофавий таълим технологиялари орасида электрон ахборот-таълим ресурслари (ЭАТР) муҳим ўрин тутди (26-расм).



*26-расм. ЭАТРнинг асосий турлари*

Масофавий таълим тизимида ЭАТР электрон ахборот ташувчи воситалар – дискета, CD-ROM, DVD кабиларда ўқув ахборотини ташиш ёки Интернет тармоғи орқали электрон почта орқали юбориш имкониятини таъминлайди. Аксарият ҳолларда тингловчилар ЭАТР бўйича ўқув ахборотларини Интернет тармоғига боғланган ҳолда тегишли сайтлардан олади.

Масофавий таълим технологиялари қуйидагича асосий талабларга жавоб бера олиши зарур (27-расм):



27-расм. Масофавий таълим технологияларига қўйиладиган талаблар

Шу билан бирга масофавий таълим технологиялари қуйидаги қўшимча талабларга жавоб бера олиши зарур:


- 1. Адаптация** (таълим олувчининг ўз шахси, турар-жой шароити, молиявий аҳволи, психологик ва физиологик хусусиятлари кўра таълим жараёнига мослаша олиши зарурлигини ифодалайди).
- 2. Иқтисодий мувофиқлик** (бу талаб таълим тизимини молиялаштиришда маблағлар миқдорининг чекланганлигини билдиради).
- 3. Ўзгарувчанлик** (у таълим сифати ва мазмунини тезкор, изчил, узлуксиз янгиланган бориш, ўқув манбалари ва материалларини модернизациялаш зарурлигини англатади).
- 4. Назорат** (ўқитишнинг барча босқичларида таълим натижаларини сифатли назорат қилиш, тингловчи шахсини аниқлаш муҳимлигини ифодалайди)

Ахборот технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этишда бу тизимда фаолият олиб боровчи ўқитувчилар малакасини оширишга юқори талаблар қўйилади. Ўқитувчи малака ошириш тизимига келишлари билан таълим бериш субъектидан таълим олиш объектига айланади ва ўқув жараёнидаги ўзаро муносабатлар характери ўзгаради.

**V. Компьютер таълими моҳияти ва компьютер таълими технологиялари.** Замонавий шароитда ҳар бир шахс фаолиятини компьютер техникасиз тасаввур қилиш қилиш. Зеро, компьютер глобал ахборотлашув даврининг муҳим воситаси сифатида жамият ҳаётининг барча соҳаларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Компьютер технологиясининг мавжуд ташкилий-техник, функционал ва дастурий имкониятлари ундан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг ва фаол фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

**Компьютер таълими** – таълим оловчиларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим

Компьютер таълимининг таркибий элементлари қуйидагилар саналади (28-расм):



28-расм. Компьютер таълимнинг таркибий элементлари

Компьютер таълими (компьютер техникаси ёрдамида ташкил этиладиган ўқитиш)ни ташкил этишда бир қатор технологиялардан фойдаланади. Энг аввало шуни ҳам айтиб ўтиш лозим, **компьютер техникасининг ўзи ҳам технология саналади.**

**Компьютер таълими технологиялари** – таълим олувчиларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмуи

Бу турдаги технологиялар сирасида таълим олувчиларда ахборот билан ишлаш малакалари шакллантириш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, мустақил таълим

олишларига учун шароит яратиш, тадқиқот фаолиятларини ривожлантириш ҳамда баҳолашга хизмат қиладиган технологиялар кенг тарқалган.

Компьютер техникаси ёрдамида ташкил этиладиган таълим жараёнида таълим олувчиларга ўз билимларини мустақил баҳолаш имконияти яратилади. Баҳолаш жараёнида фақатгина тест ва синов назорати топшириқларидан фойдаланилмай, шу билан бирга ўқитувчининг бевосита иштирокига ҳам муурожаат қилиш имконияти мавжуд. Ўқитувчиларга муурожаат одатда электрон почта орқали мулоқот қилиш асосида йўлга қўйилади.

Замонавий шароитда компьютер таълимини ташкил этишда ахборот воситалари сифатида қўлланиладиган коммуникацион технологияларнинг улкан мажмуидан фойдаланилмоқда. Улар:

Компьютер, сканер, телефон, факс модем, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, видеокўз, электрон почта, мультимедиа воситалари, Интернет ва Интернет тармоқлари, шунингдек, мобиль алоқа, маълумотлар омборини бошқариш ҳамда сунъий интеллект тизимлари

Компьютер техникаси ахборот технологиялари воситаларининг энг оммалашган тури ҳисобланади. Айни вақтда **компьютер техникаси** таълим тизимида:

- ўрганиш объекти;  
- ўқитишнинг техник воситаси;  
- таълимни бошқариш технологияси;  
- илмий-педагогик тадқиқотларни ташкил этиш  
воситаси сифатида қўлланилмоқда

Ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг компьютер техникаси хизматидан фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлари (мулоқоти) куйидаги хусусиятларга эга:

- компьютер оддий ҳисоблагич (суст мулоқот);
- компьютер билимлар назорати ташкил этувчи интеллект (тезкор мулоқот);
- компьютер таълим олувчига йўл-йўриқ кўрсатувчи ва билимлар назоратини ташкил этувчи интеллект (фаол мулоқат)
- компьютер техникаси ва таълим олувчилар ўртасида ўзаро қайтар алоқани ўрнатувчи сунъий интеллект (интерфаол мулоқат)

Компьютер таълими жараёнида субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик муайян турларда ташкил этилади. Улар:

- Интернет мулоқот;
- электрон почта воситасидаги мулоқот;
- электрон конференция;
- видеоконференция;
- телеконференция ва видео телефон;
- Интернет намойиши;
- мультимедиа;
- Чат мулоқот тизими;
- Веб форум тизими;
- Электрон семинар;
- Таълим портали;
- Веб сайт;
- Скайп тизими

Шундай қилиб, замонавий шароитда масофавий таълимни ташкил этиш тизими ҳамда бу борада кучли рақобатга асосланган таълим хизматларини кўрсатиш бозори шакллантирилди. Масофавий таълимни ташкил этиш заруриятининг юзага келиши жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий буюртмалари билан белгиланади. Бу турдаги таълимнинг ривожланиши, техникавий тараққиёт билан узвий боғлиқ. Зеро, масофавий таълим истикболини таълим соҳасида инновацион технология ва воситаларни самарали қўлланилиши белгилаб беради.

Компьютер таълими моҳиятига кўра масофавий таълимга яқиндир. Ушбу таълим компьютер техникаси ёрдамида ўқитишни ташкил этиш асосларини ёритишга хизмат қилади. Айни вақтда республикада ҳам компьютер таълими ташкил этиш борасида бой тажриба тўпланган.

### **Назорат саволлари:**

1. Масофавий таълим нима?
2. Масофавий таълимнинг ўқитиш амалиётига тадбиқи қачондан бошлаган?
3. Етакчи хорижий мамлакатлар таълими тизимида масофавий таълимнинг қандай моделлари қўлланилади?
4. Масофавий таълим қандай тамойиллар асосида ташкил этилади?
5. Масофавий таълим қандай шаклларда ташкил этилади?
6. Масофавий таълимни ташкил этишда қандай метод ва воситалар қўлланилади?
7. Масофавий таълим босқичларда ташкил этилади?
8. Компьютер таълими нима?
9. Компьютер таълими технологиялари нималардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари / Монография. – Т.: Фан, 2007.
2. Красильникова В.А. Концепция компьютерной технологии обучения. – Оренбург: ОГУ, 2008. – 42 с.
3. Красильникова В.А. Теория и технологии компьютерного обучения и тестирования / Монография. – М.: Дом педагогики, ИПК ГОУ ОГУ, 2009. – 339 с.
4. Нишонов А.Х. Windows операцион тизимида ишлаш ва компьютер тармоқлари / Учебный курс. – Т.: ЎМКХТРИ. 2003. – 22-б.
5. Сайфуров Д. Малака ошириш тизимида масофавий таълимни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари // Касб-хунар таълими ж. – Т.: 2002. - №5-6. – 28-29-б.
6. Сайфуров Д. Тингловчилар билиш фаолиятини белгиловчи омиллар // Касб-хунар таълими ж. – Т.: 2004. - №4. – 23-24-б.
7. Сайфуров Д. Масофадан ўқитиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши // Касб-хунар таълими ж. – Т.: 2004. - №6. – 16-20-б.
8. “Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа / Тузувчи: Т.Т.Шоймардонов. – Т.: БИММ, 2015.

## МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Муаммоли таълимнинг дидактик моҳияти.
2. Муаммоли таълим технологиялари.
3. Кейс-стади технологияси.

**Таянч тушунчалар:** муаммоли таълим, муаммол таълим технологиялари, муаммо, муаммоли вазият, ечим.

**I. Муаммоли таълимнинг дидактик моҳияти.** Муаммоли таълим такомиллашган ўқитиш технологиясидир. Ҳозирги олий мактабдаги самарали ўқитиш технологияси муаммоли таълимдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли таълим ижодий фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

**Муаммоли таълим** – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим

Бу турдаги таълимнинг илк ғоялари америкалик психолог ва педагог Ж.Дьюи (1859-1952 йй.) томонидан асосланган. У 1894 йилда Чикагода ўқитиш ўқув режаси бўйича эмас, балки ўйин ва меҳнат асосида олиб бориладиган тажриба мактабини ташкил этган.

Ж.Дьюи муаммоли таълим асоси сифатида қуйидаги йўналишларни белгилаган (29-расм):




29-расм. Муаммоли таълимнинг асоси бўлган йўналишлар

Муаллиф кўрсатилган йўналишларда таълимни ташкил этиш учун қуйидаги воситалардан фойдаланган:

- 1) сўз;
- 2) санъат асарлари;
- 3) техник қурилмалар;
- 4) ўйинлар;

Ўтган асрнинг 60-йилларида муаммоли таълим Л.Рубинштейн, М.И.Махмутов, В.Окон, И.Я.Лернер каби тадқиқотчиларнинг қарашлари негизида янада ривожланган. С.Л.Рубинштейннинг “Тафаккур муаммоли вазиятдан бошланади” деган ғояси муаммоли таълимнинг психологик асоси сифатида қабул қилинган.

Муаммоли таълимнинг бир неча турлари мавжуд. М: М.Н.Скаткин ўз ишларида муаммоли таълимнинг қуйидаги турлари борлигига урғу беради (30-расм):



30-расм. Муаммоли таълимнинг асосий турлари

Муаммоли таълимнинг асосини **муаммо** (юн. “тўсиқ”, “қийинчилик”) ёки **муаммоли вазият** ташкил этиб, муаммоли таълим технологияси уларнинг ечимини топишга хизмат қилади. Кўп ҳолатларда муаммо ва муаммоли вазият синонимлардек қабул қилинади. Аслида эса улар бир-биридан фарқ қилади.

**Муаммо** (юнон. “тўсиқ”, “қийинчилик”, араб. “жумбоқли”, “сирли”, “тушунилиши қийин”) – ҳал қилиниши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала

Моҳиятига кўра муаммо уни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш, уни ҳал этишда аҳамиятли, самарали бўлган йўл, метод ва воситаларни излаш, уларнинг самарали эканлигини асословчи далилларни тўплаш, далилларни янгилаш, янги таҳлилда изоҳлаш асосида ҳал қилинади.

Педагогика соҳасида кўп ҳолатларда “муаммо” тушунчаси ташкилий- педагогик, психологик, таълимий ва тарбиявий масалаларни ҳал қилишда қўлланилади. Соҳа нуқтаи назардан педагогик жараёнда қуйидаги характердаги муаммоларга мурожаат қилинади:

- дидактик характердаги муаммо
- амалий характердаги муаммо
- илмий-методик характердаги муаммо
- соф илмий характердаги муаммо

Маълум билимлар, номаълум билимлар ва мавжуд тажриба муаммонинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади.


**Педагогик муаммо** – ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала

Таълим жараёнида муаммони қўйиш бир неча сатҳда кечади. Улар (2-жадвал):

## Муаммони қўйиш даражалари

Даражалар	Муаммони қўйиш моҳияти
1-даража	Ўқитувчи муаммони қўяди ва талабаларни уни ҳал қилишга йўналтиради
2-даража	Ўқитувчи муаммоли вазиятни баён қилади ва талабаларнинг ўзлари мустақил равишда муаммони шакллантиради
3-даража	Ўқитувчи муаммони кўрсатиб бермайди, балки унга талабаларни рўпара қилади. Талабалар муаммони англаган ҳолда уни ўзлари шакллантириб, муаммони ечиш усуллари таҳлил қилади

Таълим жараёнида масалани қўйишда мавжуд шарт-шароитларни аниқлашда муаммо фундаментал асос сифатида намоён бўлади. Ўқув материаллари мазмунини ўзлаштиришда муаммонинг қўйилиши ва ҳал этилиши қуйидаги босқичларда кечади (31-расм):



31-расм. Муаммони қўйиши ва ҳал этиши босқичлари

Педагогик жараёнда талаба “муаммо”га эмас, балки муаммоли вазиятга рўпара қилинади.

**Муаммоли вазият** – талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ рухий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо

Дарҳақиқат, муаммоли вазият деганда талабанининг ҳозирда ёки келгусида таълим мақсадига эришиши учун хавф туғдирадиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазиятни ҳал қилиш бир неча босқичда кечади. Яъни (31-расм):



31-расм. Муаммоли таълимнинг асоси бўлган босқичлари

Педагогикада муаммоли вазият методи ҳам қўлланилади.

**Муаммоли вазият методи** – талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида муаммоли вазиятнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш, уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланган йўл

Методнинг моҳияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ечими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат. Таълим жараёнида муаммоли вазият методи қўлланилганда талабаларнинг фаолиятлари қуйидаги тизим асосида ташкил этилади (32-расм):



32-расм. Муаммоли вазият методига асосланган талабалар фаолияти

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги талабаларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда талабалар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганади.

“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси қуйидагича:

- муаммоли вазият тавсифини келтириш;
- талабаларга кичик гуруҳларга бўлиш;
- гуруҳлар томонидан муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларининг аниқланиши;
- гуруҳларнинг муаммоли вазиятнинг оқибатлари тўғрисида фикр юритиши;
- гуруҳлар томонидан муаммоли вазият ечими борасидаги вариантларнинг асосланиши;
- вариантлар орасидан тўғри ечимнинг танланиши;
- гуруҳ томонидан ечимнинг баён этилиши;
- жамоада ечим юзасидан муҳокаманинг ташкил этилиши

Таълим жараёнида муаммоли вазият методини қўллаш қуйидаги тартиба кечади:

1. Ўқитувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди.
2. Ўқитувчи томонидан муаммоли вазият баён қилинади.
3. Ўқитувчи талабаларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
4. Ўқитувчи талабаларни кичик гуруҳларга ажратади.
5. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганиб, унинг сабабларини аниқлайди.
6. Гуруҳлар муаммони ечиш имкониятларини муҳокама қилади.
7. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари танланади.
8. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими топилади.
9. Гуруҳлар ечим юзасидан тақдимот қилади.
10. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
11. Жамоа ўқитувчи билан биргаликда муаммоли вазиятнинг самарали ечимини танлайди

Муаммоли вазиятни ечишда қуйидаги усуллар қўлланилади:

- муаммони турли нуктаи назардан ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- мавжуд далилларни солиштириш ва умумлаштириш;
- қўшимча далилларни аниқлаш ва уларни ўзаро қиёслаш;
- муаммо билан боғлиқ хулосаларни чиқариш;
- талабаларнинг мустақил равишда муаммони қўйишлари

Муаммоли вазият методи қуйидаги афзалликларига эга:

- талабаларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- талабалар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларини топишни ўрганади;
- талабаларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- талабалар фикрлар ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганади

Таълим жараёнида ушбу методни қўллашда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Улар:

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

Муаммоли маъруза муаммоли таълимда энг кўп қўлланиладиган ўқитиш шакли саналади.

**Муаммоли маъруза** – ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаолиятини оширишга йўналтирилган маъруза

**II. Муаммоли таълим технологиялари.** Ўз моҳиятига кўра муаммоли таълим муайян технологияларга асосланади. Улар:

**Муаммоли таълим технологиялари** – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фарзларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари

Муаммоли таълим технологиялари талаба фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Ушбу технологияларнинг асосий ғояси – шахсни фикрлашга, муаммо моҳиятини тушуниш, муаммоли вазиятни ҳал қилишга ундаш, унда муаммони ҳис қила (кўра) олиш, ечимни топиш йўлида тадқиқот олиб бориш ва муаммони ҳал қилиш қобилиятига эга бўлишини таъминлаш саналади.


Ушбу таълим технологияси жуда қадимдан шаклланган. М: қадимги Грецияда Сукрот томонидан қўлланилган усул, қадимги Ҳиндистон ва Хитой, шунингдек, Мовароуннаҳрда қўлланилган баҳс-мунозалар. Замонавий таълимда қўлланилаётган муаммоли таълим технологиялари 1894 йилда америкалик психолог ва педагог Ж.Дьюи томонидан (Чикаго тажриба мактабида) асосланган.

Бу турдаги таълим технологияларининг қуйидаги шакллари мавжуд:

- муаммоли баён;
- муаммоли маъруза;
- эвристик суҳбат;
- муаммоли намойиш;
- изланишга асосланган амалий машғулот;
- ижодий топшириқ;
- ҳаёлий муаммоли тажриба;
- муаммо фарзларини шакллантириш;
- масалаларни муаммоли ечишнинг оптимал вариантларини танлаш;
- муаммоли вазифа;
- муаммоли ўйин

Муаммоли таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи томонидан қўлланиладиган методлар ҳам муҳим аҳамият касб

этади. Шу сабабли ўқитувчилар уларни тўғри танлашга эътибор қаратишлари зарур. Қуйидагилар муаммоли таълимнинг асосий методлари саналади (33-расм):



33-расм. Муаммоли таълим методлари

**III. Кейс-стади технологияси.** Муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал қилишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда “Кейс-стади” технологияси бугунги кунда кенг қўлланилмоқда. Ушбу технология бугунги кунда етакчи хорижий мамлакатлар таълими амалиётида кенг оммалашган ўқув технологияси саналади.

**“Кейс-стади” технологияси** (ингл. “case” – чемодан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология

Технология талабаларни ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади. Унинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуйидагилардир:

Таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва

“Кейс-стади” технологияси дастлаб 1870 йилда АҚШнинг Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида, 1924 йилда бизнес мактабида қўлланилган. Ҳозирда технология хорижий мамлакатларда иктисодиёт, бизнес соҳаларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Россияда эса у ўтган асрнинг 80-йилларида дастлаб МДУда, кейинчалик эса бошқа таълим муассасаларида ҳам фаол қўлланила бошланди. Ўзбекистонда “Кейс-стади” методи таълим жараёнига мустақиллик йилларидагина тадбиқ этилди.

Кейс-стадининг икки классик мактаби мавжуд:

1. Гарвард (Америкада);
2. Манчестер (Европада)

Хорижий таълимида кейсларни қўллашга нисбатан шундай ёндошув мавжуд: **кейс** – реал ҳаётнинг “бир парчасидир” (ингл. “True life”).

Чет эллардаги бизнес-мактабларда одатий вазиятларни ўрганишга ўқув вақтининг ўртача 25 %дан 90 %гача бўлган қисми ажратилади. Масалан, Чикаго университети бизнес-мактабида ўқув вақтининг 25 % кейслар улушига, Колумбия университетига – 30 %, Уортонда эса – 40 % тўғри келади. Машғулотларни ушбу услуб бўйича ўтказишга ажратиладиган соатлар сони бўйича Гарвард етакчилик қилади. Оддий талаба таълим даврида 700 тагача кейсларни кўриб чиқади ва бунинг учун ўқув вақтининг 90 %гача қисмини сарфлайди.

Таълимий характердаги кейсларнинг **турлари** қуйидагилардир:

- талаба фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини берувчи кейслар;
- муаммонинг ечими ва қарорларни таҳлил қилишга йўналтирилган кейслар;
- қарор ёки яхлит муаммони ифодаловчи кейслар

Технология талабаларда предметни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни, амалий кўникмаларни, вазиятни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилишга нисбатан ижодий ёндашиш малакаларини ривожлантиради, турли муаммоли вазиятлар ва уларни ҳал қилиш асосида улар томонидан билимларнинг фаол ўзлаштирилиши учун имконият яратади.

Таълимда қўлланиладиган “Кейс-стади”нинг тайёр вариантлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни сотиб олиш мумкин. Бироқ, энг самарали йўл ҳар бир фан бўйича кейсларнинг мустақил яратилишига эришишдир. Биргина Гарвард университетиде йилига 700 та кейс ишлаб чиқилади. Уларнинг нархи 10 \$. Аммо баъзи кейсларнинг нархи 500 та 1000 \$ гача. Лондон бизнес мактаби ва бошқа бизнес мактаблар ўзларида 340 нафарга яқин иштирокчиларни бирлаштирган ҳолда кейсларни яратиш билан шуғулланади.

“Кейс-стади” ёрдамида талабалар қуйидаги кўникма, малакаларга эга бўлади:

**1. Таҳлилий кўникмалар** (маълумотларни ахборотлардан ажрата олиш, уларни туркумлаштириш, маълумотларни зарур ва нозарурга ажратиш, таҳлил қилиш, тақдим этиш; бунинг учун шахс аниқ, мантиқий фикрлай олиши керак).

**2. Амалий кўникмалар** (муаммонинг мураккаблигидан келиб чиқиб, реал вазиятни таҳлил қила олиш, энг муҳим назария, метод ва тамойилларни қўллай билиш).

**3. Ижодий кўникмалар** (бунда мантиқийлик асосида вазият (муаммо)ни ечиш муҳим эмас, балки ижодий ёндошув асосида муаммонинг бир неча ечимларини топиш ва уларни таҳлил қилиш талаб этилади).

**4. Мулоқот кўникмалари** (унга кўра талаба баҳс-мунозара олиб бориш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, қарорига

бошқаларни ишонтириш, жуда қисқа ва ишонарли ҳисоботни тайёрлаш кўникмаларини ўзлаштира билиши зарур).

**5. Ижтимоий кўникмалар** (қарорни муҳокама қилиш жараёнида талабалар бошқаларнинг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш, бошқаларни тинглай билиш, баҳсда ўзгаларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш, илгари сурилган фикрга қарама-қарши фикрни билдира олиш ва ўзини бошқара олиши лозим).

**6. Ўз-ўзини таҳлил** (баҳс-мунозара жараёнида ўзини тута билиши, бошқаларга намуна бўлиши муҳим).

Замонавий шароитда таълим жараёнида қуйидаги типологияда кайд этилган ўқув кейслари қўлланилмоқа (4-жадвал):

#### 4-жадвал.

#### Кейслар типологияси

Белгилари	Кейс тури
Манбаи	1. Табиий шароитда бажариладиган кейслар 2. Кабинетда бажариладиган кейслар 3. Илмий-тадқиқотчилик характериға эға кейслар
Сюжетнинг мавжудлиги	1. Сюжетли кейслар. 2. Сюжетсиз кейслар
Вазият баёнининг даврий изчиллиги	1. Ўтмишдан ҳозирға келиш режимидаги кейс 2. Вақт орқаға қайтариладиган кейс-хотира 3. Прогностик кейс
Кейснинг объекти	1. Индивидуал кейслар. 2. Ташкилий-институционал кейслар 3. Кўп субъектли кейслар
Материални тақдим этиш усули	Ҳикоя, эссе, таҳлилий ёзишма, ҳисобот, очерк, далиллар мажмуи, журналист суриштируви, статистик материаллар мажмуи, ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи
Ҳажми	1. Қисқа ҳажмли кейслар. 2. Ўртача миқдордаги кейслар. 3. Катта ҳажмли кейслар
Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари	1. Муайян тузилмаға эға кейслар. 2. Муайян тузилмаға эға бўлмаган кейслар
Ўқув топшириғини тақдим этиш усули	1. Саволли кейслар. 2. Топширикли кейслар

Дидактик мақсади	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳловчи кейслар</li> <li>2. Тренингли (ўқув мавзуси/предмети бўйича малака ва кўникмаларни ҳосил қилувчи) кейслар</li> <li>3. Таҳлилий ва баҳолашга ўргатувчи кейслар</li> <li>4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарув қарорларини қабул қилишга ўргатувчи кейслар</li> <li>5. Вазиятни ривожлантирувчи янги стратегия, йўл, янги баҳолаш усуллари ва бошқаларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи кейслар</li> </ol>
Расмийлаштириш усули	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Босма кўринишдаги кейслар.</li> <li>2. Электрон кейслар.</li> <li>3. Видео-кейслар.</li> <li>4. Аудио-кейслар.</li> <li>5. Мультимедиа-кейслар</li> </ol>

Агар кейс **саволли-кейс** бўлса, у ҳолда “Кириш”да муаммо ёки муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечишга оид **бир неча саволлар** келтирилади.

М:

1. Ёшларнинг “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолишларининг асосий сабаблари нима?

2. Ёшларнинг “оммавий маданият” таъсирига берилишларида ОАВнинг ўрни ва роли қандай?

Агар кейс **топшириқли-кейс** бўлса, у ҳолда “Кириш”да кейсни ечиш жараёнида бажарилиши зарур бўлган **топшириқлар** берилади.

М:

1. Ёшларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш омилларини аниқланг.

2. Ёшларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни самарали шакллантириш йўллари белгиланг.

Самарали “Кейс-стади” қуйидаги талабларга жавоб бера олиши зарур:

- мақсад аниқ ифода этилиши;
- муайян даражада мураккаб бўлиши;
- ижтимоий, иктисодий, маданий ҳаётнинг бир неча жиҳатини ёрита олиши;
- тезда самарасизга чиқмаслиги;
- миллий хусусиятларни ўзида намоён эта олиши;
- бизнес, таълим ёки бошқа соҳаларга оид типик вазиятларни ифодалаш;
- бугунги кунда долзарб бўлиши;
- талабаларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириши;
- баҳс-мунозарани ташкил этиш имкониятини яратиши;
- бир неча ечим (кавор)га эга бўлиши

Кейсни ечиш юзасидан талабаларга қуйидаги услубий кўрсатмалар берилади:

1. Кейс (муаммо) билан танишинг.
2. Муаммонинг долзарблигини баҳоланг.
3. Муаммонинг долзарблигини далиллар ёрдамида изоҳланг.
4. Кейс (муаммо)ни самарали ечиш йўллари аниқланг.
5. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини белгиловчи метод ва технологияларни танланг.
6. Кейс (муаммо)нинг самарали ечимини кафолатловчи фараз (илмий фараз)ларни шакллантиринг

Кейсни ечиш учун талабаларга тахминан шундай шаклга эга модулли йўриқнома тақдим этилади (5-жадвал):

#### 5-жадвал.

#### Кейс ечиш учун модулли йўриқнома

Муаммонинг долзарблигини асословчи далиллар	Муаммони сабаблари	Муаммонинг ижобий ечимини таъминловчи шарт-шароит (омил, метод, восита)


Шунингдек, кейс ечиш жараёнида талабаларнинг эътиборларига тахминан қуйидаги шаклга эга муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали ҳам тақдим этилади (6-жадвал):

**6-жадвал.**

**Кейс муаммосини таҳлил қилиш ва ечиш жадвали**


Муаммони тасдиқловчи далиллари	Муаммони келиб чиқиш сабаблари	Гуруҳ томонидан тақлиф қилинган ечим	Гуруҳ ечими

Кейс-стади технологиясининг умумий тузилмаси қуйидагича (34-расм):




*34-расм. Кейс технологиясининг умумий тузилиши*

Машғулотларда методни қўллаш қуйидаги босқичларда кечади (35-расм):




35-расм. Кейсни ечиш босқичлари

Кейс-стади бўйича жамоавий ҳамкорлик қуйидаги тартибда амалга ошади:




Кейс-стади бўйича индивидуал ишлаш қуйидаги тартибда амалга ошади:




Таълимий характерга эга муаммоли вазият (ўқув кейси)ни ташкил этиш мақсади мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда жамоа ўртасида муаммоли вазиятни яратиш, уни ҳал қилиш ечимлари тўғрисидаги фикрларни жамлаш, муҳокама қилиш орқали тўғри қарорлар қабул қилиш муҳитини яратишдан иборат.

Технология ёрдамида танланган муаммонинг ечимини топишга доир муҳокама қуйидаги босқичларда ташкил қилинади:



Муаммони муҳокама қилишда эътиборни қуйидагиларга қаратиш зарур:



Одатда кейсларни тайёрлашда ОАВ, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг материалларидан фойдаланиш мумкин.

Кейслар қоғоз вариант (жадвал, диаграмма ва схемалар воситаси)да, мультимедиа ва видео кўринишида бўлиши мумкин. Таълим жараёнида кейс: очик муҳокама ёки индивидуал, гуруҳли сўров асосида қўлланилади. Ундан таълим жараёнида, талабалар билимини баҳолашда фойдаланиш имконияти мавжуд.

Муаммоли вазиятларни ечишда қуйидаги тузилмага эга ҳисобот тақдим этилади:

1. Аннотация.
2. Кириш.
3. Муаммонинг баёни.
4. Муаммони ечиш учун топшириқ

Тақдим этилаётган кейс бўйича педагогик аннотация қуйидаги тузилмага эга бўлади:

1. Ўқув предмети.
2. Мавзу.

3. Кейснинг асосий мақсади.
4. Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар.
5. Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан талабалар куйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур.
  - 5.1. *Талаба билиши керак.*
  - 5.2. *Талаба амалга ошириши керак.*
  - 5.3. *Талаба эга бўлиши керак.*
6. Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

7. Технологик хусусиятларга кўра кейснинг тавсифномаси.

Кейс бўйича топшириқ бажарилгач, талабалар тақдимот (у оғзаки ёки кўргазмали (визуал) шаклда бўлиши мумкин) ва ҳисобот тайёрлайди.

Тақдимотга тайёргарлик кўришда куйидагига эътибор қаратилиши зарур:

- 1) тақдимотнинг жиҳозлари ва вақти;
- 2) тақдимотнинг таркибий тузилмаси;
- 3) тақдим этилиш даражаси;
- 4) визуал воситалар;
- 5) репетиция;
- 6) чиқишни режалаштириш;
- 7) эркин чиқиш қилиш.

Кейсларни қўллашда ўқитувчи ҳам фаол, ҳам суст иштирок этиши мумкин.

Кейс бўйича топшириқ бажарилгач, талаба ёки гуруҳлар тақдимот ва ҳисобот тайёрлайди. Талаба ёки гуруҳнинг кейсни ечиш борасидаги фаолияти муайян мезон ва кўрсаткичлар бўйича баҳолаб борилади. Бу ўринда етакчи хорижий мамлакатларнинг талаба ёки гуруҳнинг кейсни ечиш борасидаги фаолиятини баҳолашга доир тажрибаларидан фойдаланиш мумкин (7-8-жадваллар):

**7-жадвал.****Аудиториядан ташқарида бажариладиган кейс ечимларини баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари**

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ва тадқиқот объекти аниқланган. Макс. 6 б	Муаммоли вазиятнинг сабаб ва оқибатлари аниқ кўрсатилган. Макс. 4 б	Ечимни топишга оид ҳаракатлар аниқ кўрсатилган. Макс. 10 б	Жами. Макс. 20 б
...				

**8-жадвал.****Аудиторияда бажариладиган кейс ечимларини баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари**

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳ фаол. Макс. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилган. Макс.4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилган. Макс.5 б	Жами Макс.10 б
1-гуруҳ				
2-гуруҳ				
3-гуруҳ				
4-гуруҳ				
5-гуруҳ				
6-гуруҳ				
7-гуруҳ				
...				

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида муаммоли таълим ҳам муҳим аҳамиятга эга. Муаммоли таълим талабаларда фикрлаш, қарор қабул қилиш, ўз фикрини асослаш қобилиятини шакллантириш кўникма, малакаларини самарали шакллантиришга ёрдам беради. Зеро, билимларни фикрлаш, таҳлил қилиш асосида ўзлаштириш уларнинг мустаҳкам, пухта бўлишини таъминлайди. Муаммоли таълим жараёнида муайян технологиялар қўлланилади. Бу каби технологиялар орасида муаммоли баён, муаммоли маъруза, эвристик суҳбат, муаммоли

намойиш, изланишга асосланган амалий машғулот, ижодий топшириқ, хаёлий муаммоли тажриба, муаммо фаразларини шакллантириш, масалаларни муаммоли ечишнинг оптимал вариантларини танлаш, муаммоли вазифа, муаммоли ўйин кабилар муҳим аҳамият касб этади. Улардан ўринли, мақсадли ва изчил фойдаланиш таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, шу билан бирга талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Муаммоли таълим нимага хизмат қилади?
2. Муаммоли таълим технологияларининг қандай имкониятларга эга?
3. Таълим таълимни ташкил этиш қандай босқичларда кечади?
4. Муаммоли таълим қандай технологияларга асосланади?
5. Муаммоли вазият методининг моҳияти нимадан иборат?
6. Кейс-стади технологияси қандай дидактик имкониятларга эга?
7. Кейсларнинг қандай турлари мавжуд?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авлиякулов Н.Х., Намозова Н.Ж. Муаммоли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008. – 80 б.
2. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами / Мет.қўлл. “Ўртамахсус, касб-хунар таълими тизимида инновацион технологиялар” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2013. – 95 б.
3. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – 275 б.
4. Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Неъматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами / Мет.қўлл. Ўрта махсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013. – 137 б.

## ЛОЙИҲА ТАЪЛИМИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Лойиҳа таълимнинг дидактик моҳияти.
2. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш.
3. Моделлаштириш.
4. Ўқув лойиҳалари.

**Таянч тушунчалар:** лойиҳа, лойиҳалаш, лойиҳа таълими, лойиҳа таълими технологиялари, таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари, таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари, технологик паспорт, технологик харита, ўқув лойиҳалари.

**I. Лойиҳа таълимнинг дидактик моҳияти.** Лойиҳа таълимнинг илмий асослари бунақа 300 йил аввал асослана бошланган. Немис педагоги М.Кнолнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, “лойиҳа” тушунчаси XVI асрда италиялик меъморлар томонидан архитектура соҳасининг илмий асосларини тизимлаштирган ҳолда уни фан сифатида эътироф этилган вақтда шаклланган. XVIII асрнинг охирида муҳандислик соҳасининг тезкор ривожланиши дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцариядаги, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги ўқув лойиҳаларининг техника ва саноат олий мактабларида кенг қўлланилиши учун имконият яратди.

1911 йилда АҚШ таълим тизимида “лойиҳа” тушунчаси таълимий категория дея эътироф этилган бўлса, лойиҳа методи дидактик усул сифатида XIX аср бошларида шаклланган. Ушбу усул америкалик педагоглар – В.Килпатрик, Е.Коллингс ва Е.Пархерстнинг тадқиқотларида янада ривожлантирилди.

**Лойиҳа** (лот. “projectus” – “илгари сурилаган”) – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули

Замонавий шароитда таълим жараёнида ҳам лойиҳалар билан ишлашга асосланган лойиҳа таълими фаол қўлланилмоқда.

**Лойиҳа таълими** – таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълим

Таълим жараёнида лойиҳани ишлаб чиқиш турли манбалар: махсус адабиётлар, монография, журнал мақолалари, газета нашрлари, Интернетдан маълумотларни излаш, махсус ва ижтимоий сўровномаларни ташкил этиш орқали ахборотларга эга бўлиш билан боғлиқ.

Лойиҳа натижаси (маҳсулоти) – буклет, нашр иши, электрон ўқув-таълим ресурси шаклида тақдим этилган, танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган ҳамда тизимлаштирилган ахборотлар саналади.

Моҳиятига кўра лойиҳанинг асосини илмий, ижодий ёки назарий характерга эга ғоялар ташкил этади. Шунга кўра лойиҳалар қуйидаги турларга ажратилади (36-расм):



36-расм. Лойиҳа таълимининг устувор тамойиллари

**1. Тадқиқот лойиҳалари** – илмий изланиш характерига эга лойиҳалар бўлиб, унинг таркибий тузилиши муаммонинг долзарблиги, ишланганлик даражаси, тадқиқот мақсади, илмий фарази, вазифалари, муаммони тадқиқ этишда қўлланиладиган методлар, кўп босқичли педагогик тажриба ва олинган натижа ва хулосаларга асосланган ҳолда илгари суриладиган амалий-методик тавсиялардан иборат бўлади.

**2. Ижодий лойиҳалар** – индивидиал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб,

альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар.

**3. Ахборотли лойиҳалар** – ўқув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишга йўналтирилган лойиҳалар.

Тузилишига кўра лойиҳалар куйидаги кўринишда намоён бўлади:

( Дастур, модел (жумлаан, технологик модел),  
технологик харита, буклет, нашр иши,  
электрон ўқув-таълим ресурси ва б. )

Кўлланилиш соҳаларига кўра эса лойиҳалар куйидагиларга ажратилади (37-расм):




*37-расм. Модул таълимнинг устувор тамойиллари*

Лойиҳа таълимни ташкил этишда талабаларнинг асосий фаолияти лойиҳалаштиришдан иборат бўлади.

**Лойиҳалаш** – бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат

Бу борадаги фаолият “**ғоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш**” тизимига асосланади. Лойиҳалаш турли воситалар, яъни моддий буюм, қуруллар, м: компьютер технологияси, ватмон ёки оддий иш қоғози, чизғич, қалам, маркер, нусха кўчириш аппарати (принтер) ва б. ёрдамида амалга оширилади.

Лойиҳалаш жараёни куйидаги босқичларда ташкил этилади (38-расм):



38-расм. Лойиҳалаш босқичлари

**II. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш.** Ўз-ўзидан маълумки, **лойиҳа** таълими ўқитувчининг педагогик фаолияти таълим жараёнини лойиҳалаштириш ҳамда талабаларни ўқув лойиҳаларини бажаришга йўналтиришдан иборатлигини аниқлашга хизмат қилади.

**Таълим жараёнини лойиҳалаштириш** ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир

Дидактик характердаги лойиҳани яратиш учун педагог қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур:

- лойиҳани яратиш;
- жараёни босқичма-босқич ёритиш;
- мақсадни аниқ белгилаш;
- мақсадга мос вазифаларни аниқлаш;
- ўқув материали мазмунини шакллантириш;
- савол ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;
- жараён ёки тадбирнинг методик тузилишини асослаш;
- талаба билим даражасини ташхислаш ва унинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш

Моҳиятига кўра таълим жараёнини лойиҳалаш алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқишни англатади.

Таълим жараёнини лойиҳалаш муайян қонуниятлар асосида кечади. Улар:

**1-қонуният.** Таълим жараёнини лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик жараён, технологик жараёни бошқариш, восита, ахборот, ижтимоий-иқтисоий таъминот)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши билан таъминланади.

**2-қонуният.** Таълимнинг технологик воситалари талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади.

**3-қонуният.** Лойиҳалаш стратегиялари педагогнинг индивидуал услубига мувофиқ танланади.

**4-қонуният.** Лойиҳалаш сифати тескари алоқа (педагог ва талаба ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ.

Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани тўғри белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонлари олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ саналади.

Ўқув машғулотларига тайёргарлик кўришнинг асосий босқичи – **ўқув жараёнини лойиҳалаштириш** ҳисобланади. Бу жараён куйидаги босқичларда ташкил этилади (39-расм):



39-расм. Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришнинг асосий босқичлари

Таълим жараёни лойиҳалашда дарс мақсади ва натижасини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, дарс мақсади ва натижасини белгилаш ўқитиш ва ўқиш жараёнларининг энг муҳим омили бўлиб, таълим жараёнида айнан улар етакчи ўрин тутаяди.

Одатда дарснинг мақсад ва натижаси ДТС талабларидан келиб чиқиб аниқланади. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш керакки, дарснинг мақсади ўқитувчи томонидан талабага қандай билим, кўникма ва малакаларнинг берилиши нуқтаи назаридан эмас, балки талабалар томонидан дарсда қандай БКМнинг ўзлаштирилиши муҳимлигидан келиб чиқиб белгиланиши зарур. Ўз моҳиятига кўра дарснинг мақсади ўқитувчи ва талабаларнинг умумий натижаларга қараб ҳаракатланишларини белгилайди. Шу сабабли дарснинг мақсади ташхисли ифодаланиши лозим. Яъни дарс мақсади аниқ бўлиши керак.

Дарс мақсадининг аниқ бўлишига эришиш учун ўқитувчидан куйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:


- 1) дарсда юзага келадиган дидактик жараён маълум шароит ва белгиланган вақт ичида таълим мақсадига эришишни тўла таъминлай олиши;
- 2) ўқитиш жараёнининг якуни бўйича мақсадни амалга ошириш даражаси тўғрисида аниқ хулоса чиқариш имкониятининг мавжудлиги

Шунга кўра айтиш мумкинки, таълим мақсадлари талабаларнинг ҳаракатларида ифодаланадиган таълим натижалари белгиланади.

Таълим технологиясининг кейинги энг муҳим компоненти – кутилаётган натижадир. Бинобарин, у ўқитиш жараёнининг самарадорлигини акс эттиради ва мақсадга эришиш даражасини тавсифлайди, ўқитиш ва ўқиш жараёни, натижа кўйилган мақсадга мос келганда яқунланади.

Назорат топшириқлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш дарснинг дидактик мақсади, кутилаётган натижа, ўқув материалнинг мазмуни асосида назорат топшириқларини ишлаб чиқиш, уларнинг ҳажми, бажарилганлик даражаси, бажарилиш сифати, вақтига кўра баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни назарда тутати.

Таълим ресурсларини танлаш мавжуд шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи, талаба ва дарсни ташкил этиш учун таълим воситаларининг ўринли танланилишини, улардан ўқув жараёнида тўғри фойдаланишни кўзда тутати. Ўқитувчи, талаба ва дарсни ташкил этиш учун таълим воситалари сирасидан куйидагилар ўрин олади (40-расм):




40-расм. Лойиҳа таълимида қўлланиладиган ўқитиш воситалари

Ўқитиш ва ўқиш стратегияси белгиланган ўқув материалларини талабалар онгига етказиш йўлларини, яъни танланган таълим методи, шаклларининг амалда қўлланилишини кўзда тутса, арснинг турини танлаш ўқитувчининг маҳоратига кўра дарснинг дидактик мақсади, ўқув материалининг мазмуни, дарс учун ажратилган вақт, шунингдек, зарур шарт-шароитнинг танланилишини ифодалайди.

Дарснинг технологик харитаси дарс ишланмасининг асосий ўзагини ташкил этади. Ушбу харита дарс тури ва танланган методларга қараб турлича бўлиши мумкин. Дарснинг технологик харитаси хусусида маърузанинг кейинги ўринларида алоҳида тўхталиб ўтилади.

Таълим жараёни лойиҳалаш: **лойиҳа – мазмун – фаолият** учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишдир.

Таълим жараёнида лойиҳадан фойдаланиш қуйидаги босқичларда кечади (41-расм):



41-расм. Таълим жараёнида лойиҳадан фойдаланиш босқичлари

Таълим жараёнини лойиҳалашда педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш; натижаларни олдиндин кўра билиш; режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш асосий вазифалар саналади. Одатда таълим жараёнини лойиҳалашда вазифаларни белгилаб олиш бир неча босқичда кечади. Улар (42-расм):



42-расм. Таълим жараёни лойиҳалаш вазифаларининг белгиламини

Ўқитувчи фаолиятида дарс ишланмасини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

**Дарс ишланмаси** – таълимий мазмунга эга лойиҳа ҳамда ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат

Уни тузишда ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмуни бойитиш, таълим самарадорлигини ошириш **мақсади** кўзланади. Дарс ишланмасини йилдан-йилга такомиллаштириб ва мукамаллаштириб бориш, янги методларни қўллаш, янги материалларни киритиш билан янгилаб турилиши лозим. Бинобарин, таълим жараёнига янги ДТС, ўқув дастурлари, замонавий таълим технологияларнинг жорий этилиши, ўқитувчи томонидан янги ахборот технологиялари, замонавий техник воситаларининг қўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб боради. Дарс лойиҳаси (ишланмаси)ни учун тайёр, стандарт қолип мавжуд эмас. Чунки дарс “жонли” ташкил этилиши зарур. Дарснинг бу хусусиятига кўра уни ҳеч қандай қолипга солиб бўлмайди. У дарс тури ва танланган методларга қараб турлича бўлиши мумкин.

Таълим жараёнини лойиҳалаш, одатда, технологик модел (паспорт) ва технологик хариталар воситасида амалга оширилади.

**Технологик модел (паспорт)** – таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат

ОТМдаги ўқув машғулоти қуйидаги намунадаги технологик модел (паспорт) асосида ташкил этилади (9-жадвал):

**9-жадвал.**

**ОТМда ташкил этиладиган ўқув машғулотининг технологик модели (паспорти)**

Маъруза мавзуси	
Маърузага ажратилган вақт	Талабалар сони

Ўқув машғулотининг шакли ва тури	
Ўқув машғулотининг тузилиши	
Ўқув машғулотининг мақсади:	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Таълим методлари	
Таълимни ташкил этиш шакли	
Дидактик воситалар	
Таълимни ташкил этиш шароити	
Назорат	

Барча таълим муассасаларида бўлгани каби ОТМда ҳам ўқув машғулотларини ташкил этишда технологик харита ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Технологик харита** – таълим жараёни бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган баъча забвд маълумотлар. кўрсатмаларни ўз ичига олган хужжат

ОТМдаги ўқув машғулоти қуйидаги намунадаги технологик харита асосида ташкил этилади (10-жадвал):

### 10-жадвал.


#### ОТМда ташкил этиладиган ўқув машғулотининг технологик харитаси

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Педагог</b>	<b>Талаба</b>
1-босқич. Бошланғич қисм – ўқув машғулотининг ташкилий-тайёргарлик босқичи (15 дақиқа)		
2-босқич. Асосий қисм – билимларни мустақамлаш босқичи (55 дақиқа)		
3-босқич. Якуний қисм (10 дақиқа)		

**II. Моделлаштириш.** Таълим жараёни лойиҳалашда одатда моделлаштиришдан ҳам фойдаланилади.

**Модел** – реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг содалаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси. **Моделлаштириш** ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш

Ўқув жараёнида қуйидаги турдаги моделлар қўлланилади (43-расм):



43-расм. Модул таълимининг устувор тамойиллари

Қуйида ушбу моделларнинг моҳияти ёритилади.

**1. Ўқув моделлари** (таълим жараёнида қўлланилади; кўрсатмали куруллар, кўргазмали воситалар, тренажёрлар, таълимий дастурлар).

**2. Тажриба моделлари** (илмий, амалий тажрибаларни олиб боришда қўлланилади; лойиҳалаштирилаётган объектнинг катталаштирилган ёки кичиклаштирилган нусхаси).

**3. Илмий-техник моделлар** (жараён ва ҳодисаларни тадқиқ этишда қўлланилади; қурилма, мослама, асбоб, жиҳоз ва механизмлар).

**4. Ўйин моделлари** (турли вазиятларда объект томонидан турли ҳаракатларни бажариш орқали кўникма, малакаларни ҳосил қилиш мақсадида қўлланилади; компьютер, спорт, иқтисодий, ҳарбий, ишчанлик ўйинлари ва б.).

**5. Имитацион моделлар** (реал воқеликни у ёки бу даражада шунчаки аниқ акс эттириш учун эмас, балки айнан унга ўхшатиш мақсадида қўлланилади; амалий ҳаракатларни бажаришга хизмат қилувчи турли тренажёр ва механизмлар).

**IV. Ўқув лойиҳалари.** Бугунги кунда таълим жараёнида талабалар томонидан ҳам турли ўқув лойиҳаларнинг тайёрланишига эътибор қаратилмоқда. Хўш, ўқув лойиҳасининг ўзи нима? Ўқув лойиҳаларини тайёрлаш жараёни қандай кечади?


**Ўқув лойиҳаси** – 1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули;  
 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси;  
 3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита

Лойиҳа таълими технологияларидан ўқув амалиётида фойдаланишда “ўқув лойиҳавий фаолият” тушунчаси ҳам қўлланилади. **Ўқув лойиҳавий фаолият** – ўқув мақсадига эришиш ёки муаммо, муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўлида талабалар томонидан изчил амалга ошириладиган ҳаракатлари мажмуаси саналади. Талабаларнинг ўқув лойиҳавий фаолияти муайян босқичларда ташкил этилади. Улар қуйидагилардир (44-расм):




44-расм. Талабалар ўқув лойиҳавий фаолияти босқичлари

Талабалар томонидан жуфтлик, кичик гуруҳлар ёки жамоа асосида турли мавзуларда ўқув лойиҳаларини тайёрлаш қуйидаги босқичларда кечади (45-расм):



45-расм. Талабалар томонидан ўқув лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари

Ўқув лойиҳалари фаолият мазмуни, билим соҳаси (фанлар) бўйича тайёрланишига кўра қуйидагича турланади (46-расм):



46-расм. Ўқув лойиҳаларининг турлари

Ҳар бир ўқув лойиҳаси ўз мақсади ва кутиладиган натижасига кўра муайян турга мансуб бўлади. Ўқув лойиҳаларининг асосий турлари қуйидагилардир (11-жадвал):

**11-жадвал.**

**Ўқув лойиҳалари турларининг моҳияти**

<b>Ахборотли лойиҳалар</b>	<b>Тадқиқот лойиҳалари</b>	<b>Амалий лойиҳалар</b>
<b>Мақсади</b>		
Муаммога оид маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, моҳиятини ёритиш, муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини тавсифлаш, уларнинг аҳамиятини асослаш	Тадқиқотни амалга ошириш, тадқиқот асосида муаммо изоҳини асослаш, келгусида ривожланиш учун янги муаммоларни асослаш	Муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш
<b>Натижаси</b>		
Мақола, реферат, маъруза, кейс ва б.	Ҳисобот, маъруза, кейс ва б.	Ҳаракатлар дастури, бизнес-режа, кейс, стратегия, тавсия, маълумотнома тўплами ва б.
<b>Лойиҳа мавзуси (намуна)</b>		
Педагогнинг таълим жараёнига инновацион ёндошуви ўқитиш сифати ва самарадорлигини кафолатлай оладими? Педагогнинг инновацион фаолияти айнан нималарда акс этади?	Иш тажрибасидан қатъий назар ҳар бир педагог инноватор бўла оладими? Педагогнинг инноваторлик фаолияти даражаси	Педагогнинг инновацион фаолият малакаларини ўзлаштириш дастури. Педагогнинг инновацион фаолиятни ташкил этиш стратегияси
<p>Модул</p>		<p>Модул</p>

Ўқув лойиҳалари муайян топшириқ бўлиб, унинг натижаси оддий бир маҳсулотни тайёрлаш (м: технологик харитани тайёрлаш, бирор модел, дейлик, дизайнерлик моделини яратишдан иборат бўлади. Бирок, айти ўринда шуни ҳам қайд этиш керак, “лойиҳа” тушунчаси негизида ҳамиша ҳам амалий ҳаракатлар натижасида тайёрланган бирор-бир маҳсулот тушунилмайди. Чунки лойиҳа доирасида назарий, амалий ва методик характердаги ҳолатларни яратиш негизида маҳсулотни яратишга тўғри келади.

Ўқув лойиҳаларини тайёрлашда амалиёт ўқитувчиси муҳим ўрин эгаллайди. Унинг зиммасига бир қатор вазифалар юклатилади. Улар:

- лойиҳа иши учун муайян мавзу, муаммони белгилаш;
- лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқариш;
- лойиҳа ишини ўқув жадвалига киритиши;
- лойиҳа жараёнини моделини аввалдан ишлаб чиқиш, топшириқларни талабаларнинг имкониятларига мослаштириш;
- талабаларни лойиҳа иши билан таништириш;
- уларнинг амалий фаолиятлари назорат қилиб туриш

Амалиёт ўқитувчиси аввалдан қуйидаги материал ва ҳужжатларни тайёрлаб олиши лозим:

- лойиҳа (чизма, электросхема)лар;
- лойиҳага тааллуқли топшириқлар баёни;
- маълумот йиғишга оид йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадларни ёриувчи маълумотлар

Амалиёт ўқитувчиси таълим жараёнида талабаларнинг фаолиятларини назорат қилиб боради ва назорат натижаларини “Назорат протоколи”га қайд этади. Протокол талабаларнинг фаолиятини баҳолашга доир мезонларга эга бўлиши лозим.

Шундай қилиб, лойиҳа таълим ҳам шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида ўзига хос ўрин тутаяди. Бинобарин, бу таълим тури талабалар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларга бевосита ўқитиш жараёнида

амалий ҳаракатларни ташкил этиш асосида эга бўлинишини таъминлайди. Лойиҳа таълими ва лойиҳалаш технологиялари талабаларнинг жуфтликда ва кичик гуруҳларда ахборотли, тадқиқот ва амалий лойиҳаларни тайёрлашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга хизмат қилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Лойиҳа таълимнинг дидактик моҳияти нимадан иборат?
2. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда нималарга эътибор қаратилади?
3. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш қандай босқичларда кечади?
4. Моделлаштириш нима?
5. Таълим жараёнида қандай моделлардан фойдаланилади?
6. Ўқув лойиҳалари нима?
7. Ўқув лойиҳалари қандай дидактик имкониятларга эга?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бондаревская Р.С. Педагогическое проектирование в контексте инновационной образовательной деятельности // Ж. Человек и образование. –М.: 2009. - № 4. – С. 94-96.
2. Васильева В.Д., Петрунева Р.М. Проблема формирования проектной культуры будущего инженера // Ж. Мир науки, культуры, образования. – М.: 2010. - №3. – С. 105–107.
3. Дюков В.М. Педагог – руководитель. – Красноярск: ГОУ ВПО КГПУ им. В.П. Астафьева, 2010. – 108 с.
4. Дюков В.М., Семенов И.Н. Педагогическая инноватика. – Красноярск: Университет, 2007. – 84 с.
5. Колесникова И.А., Горчакова-Сибирская М.П. Педагогическое проектирование. – М.: Академия, 2005. – 288 с.
6. Стенина Т.Л. Становление проектной культуры студентов. – Ульяновск: УлГТУ, 2011. – 244 с.

## РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ВА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Ривожлантирувчи таълим моҳияти ва технологиялари.
2. Талаба шахсини ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва уларнинг турлари.
3. Табақалаштирилган таълим моҳияти ва технологиялари.

### I. Ривожлантирувчи таълим моҳияти ва технологиялари.

Таълимнинг асосий масалалардан бири ўқитиш жараёнида шахсни ривожланиш муаммоси саналади.

**Ривожланиш** – шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён

**Шахсни ривожлантириш** – индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни бўлиб, у орқали индивид камдан кўпга, оддийдан мураккабга, куйидан юқорига кўрсаткичлари орқали такомиллашиб, камолга етиб боради


1960-1970 йилларда россиялик психологлар – Д.Б.Эльконин ва В.В.Давидовлар томонидан ўқитиш жараёнини ва у билан бевосита таълим олувчи шахсини ривожлантириш тизимини ишлаб чиқилди ва амалиётда синаб кўрилди. Ушбу тизимнинг моҳияти ўқитувчиларда ўқитиш жараёнида таълим олувчиларни ҳар қандай илмий маълумот билан ишлай олишга ўргатиш борасидаги кўникма ва малакаларни ривожлантиришдан иборат эди. Бошқача қилиб айтганда, таълим жараёни шундай ташкил этилиши керак эдикки, у доимо ривожланувчи характер касб этсин.

Яна бир россиялик тадқиқотчи П.Я.Гальпериннинг “Ақлий хатти-харакатлар, билимлар, малака ва кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш назарияси” ҳам бевосита таълим олувчи шахсини ривожлантириш ғояларини асослади.

Ривожланиш ҳам ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Жумладан:

- имманентлик (ривожланиш шахснинг ажралмас хусусияти бўлиб, у табиат томонидан юктирилади);
- биогенлик (шахснинг рухий ривожланишини
- кўп ҳолатда ворисийлик, ирсият белгилайди);
- социогенлик (шахснинг ривожланишига ижтимоий муҳит таъсир кўрсатади);
- психогенлик (инсоннинг ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини бошқариш тизими ҳисобланади);
- индивидуаллик (шахс ўзида ривожланишнинг ўзига хос варианты ҳамда сифатларини индивидуал танлашдек кучли ҳодисани ифодалайди);
- кўп босқичлилиқ (шахснинг ривожланиши
- умумий даврийлик қонунига мувофиқ кечади);
- нотекислик (ҳар бир шахс вақт тезкорлиги ва ўсишдаги қарама-қаршилиқларнинг тасоифий танланишига кўра маълум суръатда ривожланади, бошқача айтганда ҳар қандай, ҳатто таълим ва тарбиянинг энг қулай шароитларида ҳам шахснинг турли рухий белгилари, функциялари ва хусусиятлари ривожланишнинг битта даражасида тўхтаб турмайди);
- жисмоний ўсиш рухий ривожланишнинг миқдор ва сифат тавсифларини, даражасини ва индивиднинг ўзига хослигини ифодалайди

П.Я.Гальперин назарияси бўйича билимларни ўзлаштириш жараёни олти босқичда кечади (47-расм):



47-расм. Билимларни ўзлаштириш жараёни босқичлари

Назарияга кўра билимларни ўзлаштиришда қуйидаги ҳолатлар қузатилади:

1) хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш хатолар билан кечади (талаба ўқув материали мазмуни етарлича англамайди, таълимнинг асл моҳиятини тушуниб етмайди);


2) материални нисбатан тўла тушунади (бу ҳолат материал билан боғлиқ тушунчаларни ажратилиши билан тавсифланади);

3) хатти-ҳаракатлар тез, самарадор ва беҳато ўзлаштирилади.

Психологик ривожланиш нуқтаи назаридан Л.В.Занков шахснинг умумий ривожланишини белгиловчи психологик назарияни хишлаб чиққан. Унинг умумий моҳияти қуйидагича:

- 1) қузатувчанликни ривожлантириш;
- 2) фикрлаш қобилиятини ўстириш;
- 3) амалий ҳаракатларни ташкил этиш қўникмаларини шакллантириш;
- 4) айрим моддий объектларни яратиш малакаларини ҳосил

Л.В.Занковнинг назарияси асосида таълимнинг қуйидаги тамойиллари шахсда қобилиятларни самарали ривожлантиришга хизмат қилади (48-расм):



48-расм. Таълим тамойиллари (Л.В.Занков фикрига кўра)

Ривожлантирувчи таълимнинг асосларидан яна бири – В.В.Давыдов назарияси саналади. Ушбу назария кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни илмий тушунчаларни ўзлаштирилишини тарғиб қилади. Бунда ўқувчилар томонидан таълим жараёнида назарий тушунчалар тизимини ўзлаштирилиши лозим бўлиб, бу ўз ўрнида хусусийдан умумий билимларга ўтилишни таъминлайди.

Қатор назариялар муаммоли таълим билан боғлиқ бўлиб, Л.В.Занков ва А.М.Матюшкин томонидан олиб борилган тадқиқотлар таълимда муаммоли дарсларни ташкил этишга қаратилгандир.

Таълимнинг психологик асослари муаммоси кўпгина масалаларни камраб олади. Таълимнинг муваффақияти бир қатор психологик омилларга боғлиқ. М: ўқувчининг ўқишга бўлган муносабати. Муносабат ўқувчининг диққати, ҳис-туйғулари, қизиқишлари, иродаси ҳамда у тутган йўлда намоён бўлади.

Таълим жараёни, энг аввало, ўқувчилар диққатини тўғри йўналтира олишни талаб этади. Дарсларда кўргазмали куроллардан, техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш таълим олувчида ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Ўқитувчининг дарсдаги вазифаси ишлаш ҳолатини юзага келтиришига эмас, балки ўқувчиларнинг ўрганиладиган материални идрок этишга қанчалик тайёр эканликларини кузатиш ҳамдир. Ўқувчиларнинг диққати дарсда давомида ўзгариб туради. Шу сабабли ўқитиш жараёнида бу қонуниятни назарда тутиш ва ўқувчилар диққатини материалнинг асосий жиҳатларига жалб этиш, уларни такрорлашга эътибор қаратиш лозим.

Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан бериладиган кўрсатмаларга ҳам боғлиқ. Ўқитувчи ўқувчиларда тегишли установка (йўналтиргич)ни ҳосил қилиши, маълумотларни муҳим, номуҳимлиги (қайси маълумотни эшитиб олиш, қайси маълумотни эса ёдда тутиш зарурлиги)ни кўрсатиб ўтиши лозим. Бу каби кўрсатмалар берилмаганида, ўқувчиларда кўпинча нотўғри тасавурлар вужудга келади.

Ўқитишнинг эмоционаллиги муваффақиятни таъминловчи омиллардан биридир. Таълим бериш жараёни эмоционал жараён, агар ўқувчиларга берилаётган ахборот уларда ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмаса, уни ўқувчилар яхшилаб эсда олиб қолмайди. Шу сабабли ўқувчиларнинг руҳий ҳолатлари, муайян пайтдаги кечинмаларини инобатга олиш зарур. Оптимистик кайфият ўқув фаолиятининг

самарали кечишини таъминлайди. Ўқувчилар эмоционал рухдаги материални яхшироқ ўзлаштиради. Шу сабабли ўқитувчи ўқув жараёнининг эмоционал бўлишига эътиборни қаратиши керак.

Таълим жараёнида билиш жараёнларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Билиш жараён мураккаб фаолият бўлиб, у қуйидаги тарзда кечади:

**Жонли мушоҳада → абстракт тафаккур →  
амалиёт → объектив ҳақиқат**

Шахс психикаси ривожланишида, бир томондан табиий, биологик, туғма хусусиятлар билан, иккинчи томондан, ижтимоий ҳаётда орттирилган хусусиятларининг ўзаро муносабатларининг проблемасидан, ривожланишида ташқи ва ички омилларнинг (ирсият ва мухитнинг) роли ҳамда уларнинг ўзаро муносабати муаммосидан иборат. Моҳиятига кўра шахс туғма хусусиятлар (м: кўриш ва эшитиш сезгилари, шунингдек, асаб тизими хусусиятлари) билан бир қаторда маълум ҳаёт шароити, фаолияти, таълим ва тарбия таъсири остида ташкил топадиган хусусият (м: ахлоқий одат)ларга эга бўлиб боради.

Ўтган асрнинг 20-30-йилларда америкалик психолог Э.Торндайк ўзининг “Арифметика ўқитувчисининг янги методлари ва психологияга асосланган тамойиллари” асарида шахснинг биологик имкониятларини юқори баҳолаган. Унинг фикрича, ўқитиш жараёнида қанчалик қулай муҳит қарор топмасин, бир тоифа ўқувчилар ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди, бошқа бир тоифа ўқувчилар эса аксинча, ўқитиш шароитининг ёмон бўлишига қарамай муваффақиятга эриша олади. “Наслий жиҳатдан ақлий қобилиятларга болалар ҳатто махсус таълимсиз ҳам юксак интеллектга эга шахс бўлиб етишади, бу каби генетик наслга эга бўлган болалар эса ҳатто энг яхши таълим имкониятларидан ҳам фойдалана олмайди”.

Шахснинг ривожланишида ижтимоий омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни, шахснинг қобилияти, истеъдодининг ривожланишида соғлом ижтимоий муҳитнинг бўлиши ҳам муҳимдир. Зеро, таълим ва тарбия ҳам туғма иқтидорни намоён қилишнинг зарурий шартлари саналади. Сифатсиз овқат жисмоний

тараққийетни тўхтатиб қўйиши мумкин бўлганидек, муҳит ҳам ички сабаблар асосида юзага келадиган ақлий тараққийетга халақит бериши мумкин. Буни тухум мисолида айтиладиган бўлса, у қанчалик юқори сифатли бўлмасин, ундан муайян муҳит шароитида, яъни маълум ҳарорат бўлганидагина жўжа чиқиши мумкин.

В.Н.Колбановский, А.Р.Лурия, А.Н.Мироновлар томонидан эгизаклар устида ўтказилган тажрибалар эса юқорида билдирилган фикрга зид ҳолатни кўрсатади. Яъни, эгизакларга бир хил табиий шароитда таълим берилганда турлича натижаларга эга бўлинган. Француз психологи Р.Заззо эгизаклар устида тажрибалар ўтказиб, “Психик хусусиятларнинг туғма характери” тўғрисидаги назарияга қарши чиқади.

Кўпгина хорижий мамлакатларнинг психологлари шахс ривожини метафизик, яъни унинг ўзгармайдиган тақдирини аввалдан белгилаб берадиган омил сифатида тушунтирилади. Унга кўра шахс муҳит таъсирида бўлган пассив объектдир.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин: ҳар бир шахс руҳий тараққийетнинг хусусияти тенг даражада унинг ген имкониятлари ва ижтимоий омилларга боғлиқ. Агарда шахсга ўз қобилиятларини ривожлантириш учун тўла имконият яратилиб, таълим ва тарбия оқилона ташкил этилса, бундай ҳолда у ҳар қандай соҳада юқори натижаларга эришиши мумкин.

Шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида ривожлантирувчи таълим ҳам алоҳида ўрин тутаети.

**Ривожлантирувчи таълим** – таълим олувчиларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла

Мазкур таълимни ташкил этиша ҳар бир таълим олувчига унинг психологик, физиологик ва ижтимоий ривожланганлик нуқтаи назардан ёндашилади, мавжуд қобилият ва имкониятларини инобатга олиш асосида ёндашилади.

Россия ФРда ривожлантирувчи таълим асослари Л.В.Занков, Д.Б.Эльконин ва В.В.Давыдовлар томонидан асосланган. Ўтган асрнинг 70-йилларида В.В.Давыдов томонидан ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантириш ғояси илгари сурилган. 1996 йилда мамлакат таълим вазирлиги ушбу технологияларни таълим амалиётига тадбиқ

етишни мақбул деб топган. Ҳозирда ушбу мамлакатда яна бир қатор ривожлантирувчи таълим технологиялари мавжуд, бироқ, улар муқобиллик мақомига эга.

Ривожлантирувчи таълим шахснинг индивидуал хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилади, уларни рағбатлантиради ва тезлаштиради. Ушбу таълим технологияларини қўллашда ўқувчи (талаба) фаолиятнинг барча босқичларида тўлақонли субъект саналади. Таълимнинг ҳар бир босқичи шахснинг ривожланишига муайян ҳисса қўшади. Ривожлантирувчи таълимни мақсадга мувофиқ қўллаш орқали талабада мустақиллик, шахс сифатида ривожланиши учун жавобгарлик, сабр-тоқат, қатъиятлилиқ, тартиблилик, босиқлик, ташаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилиқ, мустақиллик, ирода каби сифатлар шакллантирилади. Натижада у ўз мақсадини амалга оширишда меҳнатсевар, интизомли, фаол ва маҳоратли эканлигини намоён қила олади. Ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилишга ижобий ёндашса, ўз-ўзини баҳолашга нисбатан талабчан, қатъиятли бўлади.

Моҳиятига кўра ривожлантирувчи таълим ҳам муайян устувор тамойилларга асосланади. Улар (49-расм):



49-расм. Ривожлантирувчи таълимнинг устувор тамойиллари

Психологик ва педагогик тажрибалар таълим оловчилар шахсини ривожлантириш имкониятига эга таълимий услублар тизимини шакллантириш имкониятини яратган. Мазкур тизим куйидагилардан иборат:

- ўқув топшириқларини бажаришда аввал ўзлаштирилган усуллардан янги усулларни қўллашга ўтиш;
- ўқув фаолиятини ташкил этишда самарали бўлган янги усулларни излаш;
- таълим оловчиларнинг ўз ўқув фаолиятларини бошқаришга эришиш;
- ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш.

Ўқитиш тизимида ривожлантирувчи таълимни ташкил этишда муайян технологиялар қўлланилади. Улар орасида куйидагилар алоҳида аҳамият касб этади:

Тренинглари; ижодий топшириқлар; кейслар; тестлар, бошқотирмалар, мантиқий масалалар, махсус машқлар, тез айтишлар, топишмоқлар, кроссвордлар, ребуслар, сканвордлар, чайнвордлар, лойиҳалар, беллашувлар, дидактик ўйинлар, “Заковат” ўйини, лего ўйинлари, мозаикалар, стол ўйинлари (“Биржа”, “Банк”, “Монополия” ва б.), конструкциялар ва б.

Ривожлантирувчи таълимда кўпроқ тренингларидан фойдаланилади. Тренинглари таълим олувчиларида муайян билимларни пухта ўзлаштириш, уларни амалиётда самарали қўллай олиш кўникма, малакаларини шакллантиришга, бу жараёнда уларнинг мавжуд имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ривожлантирувчи таълимни қўллашда тақдимотлардан ҳам самарали фойдаланиш тажрибаси тўпланди. Тақдимотлар ҳам таълим олувчиларида ўқув фаолиятини ташкил этишга ижодий ёндашиш, ўз устида ишлаш, мустақил таълим олиш кўникмаларини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради.

**II. Талаба шахсини ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва уларнинг турлари.** Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, жумладан, ривожлантирувчи таълим технологияларини амалиётда қўллашда ўқув топшириқларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки ўқув топшириқлари ёрдамидагина талабаларида мустақил, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилияти ривожланади.

Хўш, ўқув топшириқлари нима ва уларнинг муайян турлари мавжудми?

**Ўқув топшириқлари** – ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси

Ўқув материалларини ўзлаштиришда таълим олувчини фаол ҳаракатга ундайдиган омил – ўқув топшириқлари ҳисобланади. Кўзланган мақсадлар тизими уларнинг бажарилишини таъминловчи ҳаракатлар тизими билан узвий боғланади.

Шу сабабли ўқув топшириқларини тўғри шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бўлажак ўқитувчи сифатида педагогика йўналишида фаолият кўрсатаётган ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг талабалари ўқув топшириқларини тўғри шакллантириш кўникма, малакаларига эга бўлишлари зарур. Ўқув топшириқларини шакллантиришда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Ўқув топшириқларининг мураккаблик даражасини аниқлай олиш.
2. Дарснинг мақсадини инобатга олган ҳолда унга мувофиқ ўқув топшириқлари тизимини тузиш

Россиялик тадқиқотчи Д.Толлингерова томонидан таклиф этилган ўқув топшириқлари таксономиясидан ривожлантирувчи таълим жараёнида самарали фойдаланиш мумкин. Таксономия асосида ўқитувчилар турли мураккабликдаги ўқув топшириқларини шакллантириш ва улар ёрдамида таълим олувчи шахсини ривожлантириш имкониятига эга бўлади:

**I. Хотирада сақлаш, қайта ёдга туширишни талаб этувчи топшириқлар:**

- 1) хабардор бўлишга оид топшириқлар;
- 2) алоҳида далил, сон, тушунчаларни ёдга олишга доир топшириқлар;
- 3) таъриф, меъёр, қоидаларни ёдга олишга оид топшириқлар;
- 4) катта ҳажмдаги матн, бўлим, шеър, жадвал ва бошқаларни ёдга олишга оид топшириқлар

## **II. Рақамлар билан маълумотлар билан ишлашда оддий фикрий операцияларни бажаришни тақозо этувчи топшириқлар:**

- 1) далиллар (ўлчаш, тортиш, ҳисоблаш ва б.)ни аниқлашга оид топшириқлар;
- 2) далилларни келтириш ва таърифлашга (ҳисоблаш, санаб ўтиш ва б.)га доир топшириқлар;
- 3) ҳаракатлар жараёни ва усулларини ташкил этиш ва тавсифлашга оид топшириқлар;
- 4) ажратиш ва йиғиш (таҳлил ва синтез)га доир топшириқлар;
- 5) киёслаш ва фарқлаш (таққослаш ва бўлиш)га оид топшириқлар;
- 6) тақсимлаш (категориялаштириш ва таснифлаш)га доир топшириқлар;
- 7) далиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик (сабаб, оқибат, мақсад, восита, таъсир, фойдалилик, восита, усуллар)ни аниқлашга оид топшириқлар;
- 8) мавҳумлаштириш, аниқлаштириш ва умумлаштиришга доир топшириқлар;
- 9) мураккаб бўлмаган (катталиқ, ўлчамлари номаълум бўлган) мисолларни ечиш

## **III. Рақамлар билан маълумотлар билан ишлашда мураккаб фикрий операцияларни бажаришни тақозо этувчи топшириқлар:**

- 1) кўчириш (бирор жойга узатиш, шаклини ўзгартириш)га оид топшириқлар;
- 2) баён қилиш (шарҳлаш, маъносини тушунтириш, моҳиятини ёритиш, асослаш)га доир топшириқлар;
- 3) индукция (жузъий хусусиятга таянган умумий хулоса чиқариш)га оид топшириқлар;
- 4) дедукция (умумий ҳолатга кўра хусусий хулосалар чиқаришга) доир топшириқлар;
- 5) исботлаш (далиллаштириш) ва текширишга оид топшириқлар;
- 6) баҳолашга доир топшириқлар

#### **IV. Маълумотларни эълон қилишга оид топшириқлар:**

- 1) умумлаштирувчи қисқача маълумот, коралама, мазмун ва б.ни ишлаб чиқишга доир топшириқлар;
- 2) ҳисобот, маълум муаммога бағишланган илмий асар, маърузаларни тайёрлашга оид топшириқлар;
- 3) мустақил равишда ёзма ишлар, чизмалар, лойиҳалар ва б.ни бажаришга доир топшириқлар

#### **V. Ижодий фикрлашни талаб этувчи топшириқлар:**

- 1) амалий таклифларни ишлаб чиқаришга доир топшириқлар;
- 2) муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилишга оид топшириқлар;
- 3) саволларни қўйиш ва масала ёки топшириқларни ифодалашга доир топшириқлар;
- 4) шахсий кузатишларга асосланган ҳолда ечимни топишга оид (сенсор – сезги, ҳис қилишга асосланган) топшириқлар;
- 5) шахсий мулоҳазага асосланган ҳолда ечимни топишга доир (национал ечимга асосланган) топшириқлар

**II. Табақалаштирилган таълим моҳияти ва технологиялари.** Кейинги ярим аср давомида етакчи хорижий мамлакатлар таълим тизимида табақалаштирилган таълимдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

**Табақалаштирилган таълим** – таълим олувчиларнинг шахсий лаёқатлари, қизиқишлари, қобилиятларини аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бироқ, ДТС ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдаги материалларни беришга йўналтирилаётган таълим

Ўзлуксиз таълим тизимида табақалаштирилган таълимдан фойдаланиш ўқувчи, талабаларнинг шахсий лаёқатлари, қизиқишлари, қобилиятларини аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бироқ, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдаги материалларни беришга йўналтирилади. Табақалаштирилган таълим ўқув жараёнини махсуслаштиришни назарда тутди.

Бу турдаги таълим ҳам ўз технологияларига эга. Улар:

Муаллифлик дастурлари; ижтимоий лойиҳалар; махсус методикалар, тестлар, ташхисловчи, йўналтирувчи, даволаш ва тайёрлов курслари, тренинглар, маслаҳатлар, махсус ва имитацион тренажёрлар

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида ривожлантирувчи ва табақалаштирилган таълим кабилар ҳам ўз ўрнига эга. Улар шахснинг қобилиятларини ривожлантириш, ички имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Ривожлантирувчи ва табақалаштирилган таълим жараёнида турли технологиялардан кенг фойдаланилади. Технологияларнинг мақсадга мувофиқ, ўринли ва самарали танлай олиш ривожлантирувчи ҳамда табақалаштирилган таълимнинг муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ривожлантирувчи таълим қандай дидактик аҳамиятга эга?
2. Ривожлантирувчи таълим жараёнида қандай технологиялар қўлланилади?
3. Талаба шахсини ривожлантиришда ўқув топшириқларининг аҳамияти қандай?
4. Табақалаштирилган таълимнинг мақсади нимадан иборат?
5. Табақалаштирилган таълим қандай технологияларга асосланади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.
2. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. – Т.: “Молия-иктисод” нашриёти, 2009.
3. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения. – М.: “ГЭОТАР-Медия”, 2008. – 43 с.
4. Тожиев М., Зиёмухаммадов Б. Внедрение национальных педагогических технологий в учебно-воспитательный процесс и ее роль в развитии интеллектуального потенциала молодёжи / Монография. – Т.: “Mumtoz so’z”, 2010. – 271 б.

## ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Ўйин технологияларининг моҳияти ва замонавий ўқитишдаги ўрни.
2. Ўйин технологияларининг турлари.

**Таянч тушунчалар:** ўйин, ўйин қоидалари, сюжет, иштирокчилар, роллар, ўйин технологиялари, ўйин технологияларининг дидактик моҳияти, дидактик ўйинлар, ролли ўйинлар, ишбилармонлик ўйинлари.

**I. Ўйин технологияларининг моҳияти ва замонавий ўқитишдаги ўрни.** Шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида ўйинлари ҳам муҳим ўрин тутади. Уларнинг моҳиятини тўла англаб олиш учун “ўйин” ва “ўйин технологиялари” тушунчаларининг мазмунидан хабардор бўлиш талаб этилаи.

**Ўйин** – кишилиқ фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли

Кишилиқ тарихий тараққиётининг барча даврларида ҳам ўйин субъект фаолиятининг энг биринчи ва муҳим тури сифатида тан олинган. Бинобарин, шахс фаолиятининг муҳим турлари – меҳнат, ўқиш билан бирга ўйин ҳам унинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўйинлар воситасида катта авлод томонидан тўпланган ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билим, турмуш тарзи ва ижтимоий муносабат асослари, маданий кадрятлар ёш авлодга изчил узатиб келинган.

Ўйин шахснинг тарбиялаш, ривожлантириш, унга таълим бериш хусусиятларига эга. Мавжуд хусусиятлари туфайли ўйинлар қадим-қадимдан халқ педагогикасининг муҳим асосларидан бири бўлиб келмоқда. Бевосита ўйинлар болаларда идрок, сезги, хотира, тафаккур, нутқни ривожлантиришга ёрдам бериш орқали уларни маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилади. “Мақтабгача ёшдаги бола ўйин фаолиятида ўқиш ва меҳнатга тайёрланади. Ёш улғайган сари

ўйиннинг роли бироз камайиб боради. Ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти боланинг бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади<sup>2</sup>.

Агарда жисмоний хатти-ҳаракатларни ривожлантиришга хизмат қиладиган ўйинлар болаларда чаққонлик, эпчиллик, чидамлилик, қатъийликни тарбияласа, интеллектуал, конструкцияли ўйинлар уларни ўйлашга, фикрлашга, мантиқий тафаккур юритишга ўргатади.

“Ўйин инсон ҳаётининг ҳаётининг ҳар бир даври учун унинг руҳий ривожланишини белгиловчи етакчи фаолият тури ҳисобланади. Фақат ўйинда ва ўйин орқали бола воқеликни, шу жумладан, кишилар ижтимоий муносабатларини, ҳулқини, хатти-ҳаракатларини билиб олади”<sup>3</sup>.

Тарихий тараққиёт жараёнида ўйин нафақат болалар, балки катталар ҳаётидан ҳам алоҳида ўрин эгаллашга муваффақ бўлинди. Замонавий шароитда интеллектуал, компьютер, иқтисодий, ҳарбий, касбий, спорт ва маиший ҳодиқ чиқаришга кўмаклашадиган ўйин моделлари ҳам катталар орасида кенг оммалашган.

Замонавий педагогикада ўйинлар таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини кучайтириш мақсадида қуйидаги тарзда қўлланилади:

- тушунча, мавзу ва алоҳида бўлим моҳиятини ўзлаштиришда алоҳида технология сифатида;
- педагогик технологияларнинг элементи сифатида;
- ўқув машғулотини шакли ёки унинг бир қисми сифатида;
- синф (аудитория)дан ташқари ишлардан бири (“Заковат”, “Билимон”, “Хуқуқ фани билимдони” ва б.) сифатида

Ўйиннинг моҳияти ва тузилиши маълум кўникма, малака, қобилият ва сифатларнинг ҳар бир иштирокчида бутун ўйин давомида шаклланишини таъминлайди. Таълим жараёнида ўйин технологияларидан фойдаланишда ўқитувчи педагогик вазибаларини сценарийда аниқ ифодалай олиши зарур.

Ўйин фаолиятининг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ўзининг ҳаётда ўрнини белгилаш, ўзини ўзи

---

<sup>2</sup> Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия / Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул муҳаррир: А.Мажидов. – Тошкент: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 432-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба. – 432-бет.

бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишан иборат асосий эҳтиёжларни қондириш имкониятини яратади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ҳамда ўйин жараёнида шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Ўқув фаолиятининг асосий мотиви – бу ўқув-билиш мотиви бўлса, ўқув фаолиятининг энг муҳим мотивацияси эса талабада ўзи танланган ва асосларини ўзлаштираётган касбга бўлган қизиқиши саналади. Талаба ўқув жараёнидаги эгаллаган билимларидан, касбий малакалари ва кўникмаларидан ҳиссий жиҳатдан қониқа олиши лозим. Бу вазифани ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли технологиялардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўйинли технологиялари, шунингдек, талабаларнинг ижодий қобилияти ва креатив тафаккурини ўстиради.

**II. Ўйин технологияларининг турлари.** Педагогик мақсадда фойдаланилаётган ўйинлар ўйин технологиялари деб номланади.

**Ўйин технологиялари (ўйин таълими)** – ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳолавчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири

Ўйин технологиялари таълим олувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Таълим жараёни иштирокчилари (м: таълим олувчилар, ота-оналар, педагогик жамоа аъзолари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотларининг вакили ва б.) сифатида турли ролларни бажариш талаба (ўқувчи)ларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини яратиш асосида маълум фаолиятни самарали ташкил этишга назарий, амалий ва руҳий тайёргарликка эришиш нуқтаи назаридан ёрдам беради.

Ўқув машғулотларидан ўйинлар ва ўйинли вазиятларни қўллаш куйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

- дидактик мақсад талабалар олдига ўйинли топшириқ шаклида қўйилади;
- ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсундирилади;
- дидактик ўқув материалдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;
- ўқув фаолиятида дидактик вазифани ўйин вазифасига айлантирувчи мусобақа элементи қўлланилади;
- муваффақиятли бажарилган дидактик топшириқ ўйин натижаси саналади

Ўқув жараёнида ўйин технологияларининг ўрни, роли, шунингдек, ўйин элементлари ҳамда таълимнинг ўзаро уйғунлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан педагогик ўйинлар моҳияти, функцияси ва турларининг қанчалик тушунилиши билан белгиланади. Аксарият педагогик ўйинлар ўзида қуйидаги белгиларни намоён қилади (50-расм):



50-расм. Педагогик ўйинларнинг асосий белгилари


Ҳар қандай ўйинлар каби педагогик жараёнларда фойдаланиладиган ўйинлар ҳам ўзининг аниқ мақсади ва натижасига эга бўлади.

Таълим муассасаларида кўп ҳолатларда ролли ва касбий характерга эга ишбилармонлик ўйинларинан фойдаланилади. Муҳими педагогик мақсадларда қўлланиладиган ўйинли технологияларининг асосини талабаларнинг **фаоллик ва тезкорликка асосланган фаолияти** ташкил этади.

Педагогик ўйинлар янги ўқув материални ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, талабанинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, умумий касбий тайёргарлик кўникма, малакаларини

шакллантириш каби масалаларни ечишга қаратилади. Улар ёрдамида талабалар турли ҳолатлардан ўқув материални тушуниш, унинг негизда маълум кўникма, малака ва сифатни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Машҳур педагог Г.К.Селевко педагогик мақсадларда қўлланилаётган ўйинларни куйидаги тартибда гуруҳлаштиради (51-расм):



51-расм. Педагогик ўйинлар типологияси (Г.К.Селевко)

Айни ўринда ўйин методикасига кўра гуруҳланган ўйин технологияларининг моҳияти хусусида сўз юритилади.

**1. Дидактик ўйинлар** – ўрганилаётган объект, ходиса, жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури ҳисобланади. Бу каби ўйинлар ўқувчилар томонидан ижтимоий-фойдали меҳнат ва ўқиш кўникмаларини фаол ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг аҳамияти натижалар билан эмас, балки жараённинг мазмуни ва кечиши билан белгиланади; бу каби ўйинлар болаларни ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишга тайёрлайди, улардаги турли психологик зўриқишларни камайтиради.

**2. Сюжетли ўйинлар** – педагогик воқелик, ходисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар саналади. Бу каби ўйинлар одатда педагогик муаммоларнинг ечимини излаш, таълим-тарбия жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларни бартараф этиш, шахсни қайта тарбиялаш мақсадида қўлланилади.

**3. Ролли ўйинлар** – маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар, уларда роллар мажбурий мазмуни билан тақсимланади. Ролли ва ишбилармонлик ўйинлари ўқувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма-малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Таълим жараёни иштирокчилари (м: ўқувчилар, оналар, педагогик жамоа аъзолари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотларнинг вакиллари ва б.) сифатида турли ролларни бажариш талабаларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини яратса, ўқувчиларга маълум фаолиятни самарали ташкил этишга назарий, амалий, энг муҳими, руҳий жиҳатдан тайёрланишга ёрдам беради.

**4. Ишбилармонлик ўйинлари** – маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ҳамда сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар. Бу турдаги ўйинлар таълим олувчиларда аниқ фаолият йўналишида зарур БКМ ва сифатларни шакллантириш ёки ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Шу жиҳатдан ишбилармонлик

ўйинлари ишлаб чиқариш жараёни, касбий фаолиятининг моделлаштирилишини англатади. Ишбилармонлик ўйини талабаларда касбий сифатларни ҳосил қилиш билан бирга шахсий сифатларни ҳам тарбиялайди, уларнинг ижтимоийлашувини таъминлайди.

**5. Имитацион ўйинлар** – ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар. Бу турдаги ўйинлар сценарияси, сюжетидан ташқари, имитация жараён, объектларнинг таркибий тузилмаси ва аҳамиятини тўла очиб бериш мақсадида моделлаштирилади. Имитацион ўйинлар жараёнида таълим олувчилар муайян операцияларни, м: масалалар ечиш, маълум бир усулни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

**6. Драматик ўйинлар (психологик ва ижтимоий драмалар)** – психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар бўлиб, улар ташкил этилиши, методик хусусиятларига кўра ролли ва ишбилармонлик ўйинларига яқин. Одатда психологик ва ижтимоий характердаги драматик ўйинлар жамоадаги муҳитни яхшилаш, шахслараро муносабатларнинг ижобий бўлишига эришиш, мулоқотга кириша олиш, жамоада ягона бирликни қарор топтириш, ўзгаларнинг руҳий ҳолатини тўғри баҳолаш, оғир вазиятларга дуч келган субъектларга ёрдам кўрсатиш ҳамда самарали, унумли фаолият кўрсатиш учун зарур шароитни яратишга хизмат қилади.

Барча ўйинларда бўлгани каби педагогик ўйинлар жараёнида ҳам иштирокчи-талабалар фаол ҳолатда бўлади, шериклари билан ўзаро муносабатга киришади, шунингдек, ўз қарашларини шериклариники билан таққослаш, жамоа билан зарур муносабатни ўрнатиш орқали ўзини ўзи ўрганади.

Педагогик жараёнда ўйинлардан фойдаланишда айрим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Жумладан:

- ўйин сценарийсини тайёрлаш;
- йўриқномалар тузиш;
- аудиторияни ўйин моҳиятига мувофиқ жиҳозлаш

Сценарий ва унинг моҳияти муҳим аҳамиятга эга. Зеро, айнан сценарийгина тегишли таълим, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга эришиш имкониятини таъминлайди. Ўқитувчилар ўйин сценарийларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишлари, сценарийни тайёрлаш малакасига эга бўлишлари зарур.

Педагогик характердаги ўйинларнинг таркибий тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- ўқув мақсади;
- ўйиннинг вазифаси;
- ўрганиладиган муаммо тафсилоти;
- ўйин вазиятининг тафсилоти;
- иштирокчиларнинг таснифи

Таълим жараёнида ўйин технологиялари қўллаш қуйидагиларга асосланади:

- гуруҳни шакллантириш;
- машғулотларнинг бош мақсадини ифодалаш;
- муаммо ва вазиятни вужудга келтириш;
- ролларни тақсимлаш,
- ўйин регламентини ўрнатиш;
- материаллар, йўриқномалар, қоидалар ва кўрсатмалар тўпламини тарқатиш;
- маслаҳат бериш.

Ўйин технологияларини қўллашда роллар қуръа ташлаш йўли билан тақсимланади. Бунда роллар номи ёзилган кичик қоғозчаларда фойдаланиш мумкин. Ролларнинг талабалар ўртасида қуръа асосида тақсимланиши келиб чиқиш эҳтимоли бўлган норозиликларнинг олдини олади. Ўйин жараёнида белгиланган вақт (регламент)га, мулоқот одобига риоя этиш, фаоллик кўрсатиш ҳамда ўйинни охиригача давом эттириш кутилган натижани кафолатлайди. Шунингдек, қуйидаги омиллар педагогик мақсадларда ўйин технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятини таъминлайди:

- ўйин сценарийсининг пухта тайёрланганлиги;
- ўйин мақсади ва вазифаларининг тўғри, аниқ белгиланиши;
- ўйин қоидаларининг аниқ, лўнда (8-10 тагача) ифодаланиши;
- ўйин йўриқномасининг мавжудлиги;
- талабаларнинг ўйин жараёнига қизиқишлари;
- ролларнинг самарали, тўғри тақсимланиши;
- жамоада кўтаринки кайфиятнинг юзага келиши;
- иштирокчиларнинг бир-бирларини тушуна олишлари ва қўллаб-қувватлашлари;
- ҳар иштирокчининг ўйин натижаси учун масъулиятни ҳис этиши;
- барча иштирокчилар имкониятларининг ягона мақсадга йўналтирилиши

Педагогик мақсадларда қўлланиладиган ўйинлар қуйидаги технологияга эга (52-расм):



52-расм. Педагогик ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

Ўйин жараёнида ҳеч ким ҳалақит қилмаслиги керак. Борди-ю, зарурият бўлсагина фақат бошловчи иштирокчиларнинг ҳаракатларини тузатиши, уларни тўғри йўналтириши мумкин.

Ҳар қандай жараён сингари ўйин якунида унинг ташкил этилиши, ўтказилиши юзасидан муҳокама ўтказилиши зарур. Муҳокама чоғида ўйин иштирокчилари, томошабин (жамоанинг ўйинда иштирок этмаган аъзолари), экспертлар ўйиннинг ташкил этилиши ва ўтказилиши юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдиради.

Муҳокама жараёни қуйидаги тартибда ташкил этилади:

- тақризчиларни чиқишлари;
- фикрлар алмашинуви;
- иштирокчиларнинг ўз қарорлари ва хулосаларини химоя қилишлари;
- ўйинга яқин яшаш

Ўйин технологияларининг методик таъминоти лойиҳа, ўйиннинг мезонлари, иш қоғозлари (методик кўрсатмалар), ўйин моҳиятини ёритувчи ҳужжатлар (сценарий) кабилардан иборат. Педагогик жараёнда қўлланиладиган ўйинлар субъект фаолиятини тақозо этадиган ҳамда машина (м: компьютер) ўйинлари тарзда фарқланади. Шунингдек, педагогик ўйинлар жараёнида ҳам турли воситалар (компьютер, имитацион тренажёрлар, спорт анжомлари (копток, арқон, ҳалқа), хомашёлар (пластлин, юмшоқ ўйинчоқларни яшаш учун материаллар, рангли қаламлар, иш қоғозлари, ўйинчоқлар, леғолар, конструкциялар, декорациялар ва б. керак бўлади.

Шундай қилиб, ўйин технологиялари шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида муҳим ўрин тутди. Ўйин технологияларининг талабаларга бир қадар эркинлик бера олиши, фаол ҳаракат ва мулоқотга асосланиши, баъзан мусобақа, беллашув характериға эғалиғи улар воситасида ўқув материалларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитни яратишға хизмат қилади. Педагогик мақсадларда қўлланиладиган ўйин технологиялари таълим бериш (ўргатиш), тарбиялаш ва

ривожлантириш характерига эга. Таълим жараёнида қайси характердаги ўйин технологиясининг қўлланилиши ўқув материалининг мақсади, вазибалари, мазмуни, етакчи ғоялари, шунингдек, қандай натижани қўлга киритишга хизмат қилишига мувофиқ танланади. Ўйин технологиялари воситасида ташкил этилган ўқув машғулоти бари талабаларни бирдек қизиқтира олади. Бу эса ҳар бир ўқитувчидан таълим жараёнида ўйин технологияларини фаол қўллашни тақозо этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўйин қандай дидактик имкониятларга эга?
2. Педагогик ўйинлар нима?
3. Педагогик ўйинлар қандай характерга эга?
4. Педагогик ўйинлар қандай турларга ажратилади?
5. Дидактик ўйинлар қандай моҳиятга эга?
6. Имитацион ўйинлар қандай мақсадга хизмат қилади?
7. “Ўйин технологиялари” тушунчаси қандай маънони англатади?
8. Қандай ўйин технологияларини биласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Михайленко Т.М. Игровые технологии как вид педагогических технологий // Педагогика: традиции и инновации. Мат.междунар. науч. конф. (г. Челябинск, октябрь 2011 г.). Т. I. – Челябинск: Патриот, 2011. – С. 140-146.
2. Ермолаева М.Г. Игра в образовательном процессе / Мет. пособие. – 2-е изд., доп. – СПб.: СПб АППО, 2005. – 112 с.
3. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии / Учеб. пособие. – М.: Народное образование, 1998. – 256 с.
4. Педагогика. Изоҳли луғат / Ў.Асқарова ва б. – Наманган: “Наврўз”, 2014. – 263 б.
5. Педагогика / Нопедагогик олий таълим муассасалари учун дарслик. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Ҳ.Усмонбоева. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2012. – 246 б.
6. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.

## ИНДИВИДУАЛ, ДАСТУРИЙ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### Режа:

1. Индивидуал таълим моҳияти ва технологиялари.
2. Индивидуал таълим технологиялари.
3. Дастурий таълимнинг моҳияти ва имкониятлари.
4. Дастурий таълим технологиялари.
5. Мустақил таълимнинг дидактик имконияти ва мустақил таълим технологиялари.

**Таянч тушунчалар:** индивид, индивидуал, индивидуал таълим, дастур, дастурий таълим, дастурий таълим технологиялари, мустақил таълим, мустақил таълим технологиялари.

**I. Индивидуал таълим моҳияти ва технологиялари.** Шахсга йўналтирилган таълим турларидан яна бири – индивидуал таълим саналади.

**Индивидуал таълим** – таълим жараёнида ўқитувчининг факатгина бир нафар ўқувчи билан ёки ўқувчининг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) билан ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим

Бу турдаги таълим шахсга йўналтирилган таълим турлари орқасида муҳим, шунингдек, долзарб глобаллашув шароитида долзарблик касб этади. Индивидуал таълимнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, талаба ўқув фаолиятининг мазмуни, методлари ва суръатини унинг хусусиятларига тўла мослаштирилишини назарда тутди. Бу турдаги таълим талаба учун ўзининг ички имкониятларини тўлақонли намоён этиши учун зарур шароитни яратади. Ўқув материалларини ўзлаштириш учун ўзи сарфлаётган кучни назорат қилиб бориш, ўзи учун қулай вақтда таълим олишни кафолатлай олиши билан таърифланади. Индивидуал таълим ўқитиш жараёнида ҳар бир талаба шахсий

имкониятларининг инобатга олинисини таъминлабгина қолмай, барча талабаларнинг ривожланиши учунгина эмас, шу билан бирга жамоа негизида ҳар бир талабанинг ривожланиши, шахс ва мутахассис сифатида камол топиши учун зарур шароитни яратишга хизмат қилади.

Моҳиятига кўра индивидуал таълим ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларининг тўла инобатга олинисини учун ўқитиш шакллари, методлари ва воситаларини самарали танлаган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этилишини, ҳар бир талабага индивидуал ёндашишни таъминловчи турли ўқув-методик, психологик-педагогик ҳамда ташкилий-бошқарув чоратадбирларини белгилашга қаратилган фаолият мазмунини ёритишни англатади. Англанганидек, ўқув жараёнини индивидуал ташкил этишга бўлган ёндошув ҳамда ўқитишнинг индивидуал шакли сўз юритилаётган таълимнинг устувор жиҳатлари саналади.

Индивидуал таълим мақсад, мазмун, шакл, метод ва воситалардан иборат динамик тизимга эга. Айни вақтда ушбу таълимнинг қуйидаги турлари мавжуд (53-расм):




*53-расм. Индивидуал таълимнинг асосий турлари*

**Репетиторлик таълими**  
 (лот. “repetitor” – “оркага қайтишни талаб қилувчи”, “такрорловчи”) - индивидуал таълимнинг энг оммалашган замонавий тури

Индивидуал таълим қуйидаги натижаларни кафолатлайди:

- ўқувчининг шахсий имкониятлари, қобилиятларини сақлаб қолиш ва уларни янада ривожлантириш;
- ўқув фанлари асосларини ўзлаштира олмакликнинг олдини олиш учун ҳар бир ўқувчи томонидан ўқув дастурларини бажаришда индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш;
- ҳар бир ўқувчида унинг яқин келажакда ривожлантириши учун таянч бўладиган умумий таълимий кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг ўқув мотивациясини ошириш ва уларда билишга бўлган қизиқишларни ривожлантириш;
- ўқувчиларда мустақиллик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, фикрлаш ва ижодкорлик каби сифатларни шакллантириш

Ўзининг концептив асосларига кўра индивидуал таълим қуйидаги тамойилларга таянади (54-расм):



54-расм. Индивидуал таълимнинг устувор тамойиллари

**II. Индивидуал таълим технологиялари.** 1919 йилда АҚШнинг Дальтон шаҳрида психолог Е.Паркхарст томонидан педагоглар билан ҳамкорликда аниқ режа асосида синф-дарс тизимини ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлашга ўзгартириш ғояси илгари сурилди. Унга кўра индивидуал шахсий ва психологик имкониятларига таянган ҳолда ҳар бир ўқувчи томонидан ўқув материалларини унга хос бўлган тезлик, суръатда қабул қилиниши учун шароит яратиб берилди. Ўқувчилар куннинг биринчи ярмида ҳеч қандай жадвалсиз, ишчи йўриқнома асосида мустақил ишлайди. Куннинг иккинчи ярмида эса ўз қизиқишларига кўра кичик гуруҳ ёки жуфтликларда муайян саволлар бўйича топшириқларни бажаради, ўрганилган мавзунини муҳокама қилади. Ушбу метод унинг ғоялари асосланган шаҳар шарафига “Дальтон-режа” деб номланди. Ушбу метод Россияда “лойиха методи” номи билан оммалашди ва ўтган асрнинг 20-йилларида университет ҳамда мактабларда кенг қўлланилди.

**Лойиха методи** – ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, ўқувчининг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуи

Бугунги кунда таълим жараёнининг индивидуаллашганлигини белгиловчи қуйидаги технологиялар маълум:

**1. Эстониялик тадқиқотчи Инге Унт томонидан асосланган индивидуал таълим технологияси.** Ушбу технология замонавий шароитда ўқувчиларнинг уйда ва мактабда мустақил ишлашлари индивидуал таълимнинг асосий шакли деган ғояга таянади.

Технологиянинг моҳияти ва методикаси учун характерли бўлган жиҳатлар қуйидагилардир:

- мустақил ишлаш учун индивидуал ўқув топшириқлари;
- индивидуал мустақил таълимни ташкил этишга доир йўриқнома;
- мавжуд ўқув адабиётларидан самарали фойдаланиш)

**2. Машхур педагог А.С.Границкаянинг мослашувчан таълим тизими.** Мазкур технология синф-дарс тизими доирасида синф ишини шундай ташкил этиш имконияти мавжудки, унга кўра ўқитувчи таълим жараёнининг 60-80 фоизида ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш имкониятига эга бўлади, деган ғояни илгари суради.

Технологиянинг моҳияти ва методикаси учун характерли бўлган жиҳатлар қуйидагилардир:

- дарснинг стандарт бўлмаган, ўзига хос тузилиш
- (1-қисмда ўқувчилар жамоаси, бутун синф ўқувчилари, ўқитилади;
- 2-қисмида эса бир-бири билан параллел, яъни, ўқувчиларнинг мустақил таълими ҳамда ўқитувчининг ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлаши;
- оммалашган тизим (м: Шаталов тизими);
- ўзгарувчан таркибга эга жуфтликда ишлаш (Дьяченко тизими);
- мослашувчанликни таъминловчи кўп даражали ўқув топшириқлари (Границкая) методикаларилан фойдаланиш

**3. В.Д.Шадриковнинг ўқув режасига мувофиқ ташкил этиладиган шахсга йўналтирилган таълим тизими.** Бу технология негизида агарда муайян мураккабликдаги топшириқларнинг моҳияти тушунтирилиб, ўқиш жараёнининг ўзини рағбатлантирилса-да, бироқ, ўқувчига айна вақтда унинг қурби, имконияти етадиган даражада ишлаши учун шароит яратилса у ҳолда унинг қобилиятлари самарали ривожланади, деган ғоя ётади.

Технологиянинг моҳияти ва методикаси учун характерли бўлган жиҳат қуйидагича:

- хар бир ўқувчининг қобилиятидан қатъий назар таълимни самарали олиб борилишини таъминловчи олти даражадаги ўқув режаси, дастури ва методик қўлланмалар мавжуд бўлиб, уларда ўқув материалларининг минимал даражаси турли мураккабликлар бўйича камраб олинади

Индивидуал таълим технологиялари бир қатор умумий жиҳатларга эга. Улар:

- ҳар бир таълим олувчининг ўқитиш жараёнидаги муваффақиятини таъминловчи омиллар (машғулотларнинг муайян оралиқда ўтказилиши, ўқувчиларнинг фикрлаш, тафаккур юритиш, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришдаги хатоликларни бартараф этиш)ни ҳисобга олиш;
- ўқув машғулотларида кўникма, малака ва тафаккурга эга бўлиш, иш қобилиятининг пасайишидаги индивидуал хатоликларни бартараф этишнинг самарали воситаларини қўллаш;
- оила тарбияси, шунингдек, мотивациянинг етарлича ривожланмаганлиги ҳамда ироданинг етишмаслигидаги хатоликларни
- инобатга олиш ва бартараф этиш;
- кучли ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга йўналтирилган ўқув жараёнини ижодий фаолиятни йўлга қўйиш, синф ва синфдан ташқари ишларни ўзаро уйғунлаштириш асосида) кучайтириш;
- ўқитиш жараёнида бир қатор элментларни эркин танлаш имкониятини яратиш;
- умумий кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- ўқувчиларда ўзини ўзи мустақил баҳолаш малакаларини таркиб топтириш;
- таълим жараёнида замонавий техник воситалар, шу жумладан, ахборот технологияларини фаол қўллаш

Хорижий мамлакатлар ҳозирги вақтда ҳам индивидуал таълим технологияларини қўллаш тажрибасига таяниб иш кўради. Уларда индивидуал таълим технологиялари сифатида айни вақтда қуйидаги турлари қўлланилмоқда (55-расм):



55-расм. Хориж индивидуал таълимнинг асосий турлари

Трамп режасига кўра ўқув машғулоти катта аудиторияларда ташкил этилади. Уларда 100-150 нафар ўқувчи, талаба мавжуд бўлади. Машғулоти тажрибали, малакали ўқитувчилар, профессорлар томонидан олиб борилади. Амалий машғулотларда ўқувчи, талабалар кичик гуруҳларга маъруза материаллари муҳокама асосида ўрганиб, баҳс-мунозара ташкил этади. Индивидуал иш эса ўқув хонаси ва лабораторияларда олиб борилади.

Мавзунини ўзлаштириш учун ажратилган умумий соат қуйидагича тақсимланади:

- |  |
|--|
| <ul style="list-style-type: none"><li>- маъруза машғулоти учун – 40 фоиз;</li><li>- кичик гуруҳларда ишлаш учун – 20 фоиз;</li><li>- ўқув хонаси ва лабораторияларда олиб бориладиган машғулотлар учун – 40 фоиз</li></ul> |
|--|

“Трамп режаси”га кўра ташкил этилган машғулотларда ўқув фанлари асосларини ўзлаштириш олмайдиغان ўқувчи, талабалар бўлмайди.

**III. Дастурий таълимнинг моҳияти ва имкониятлари.** Шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида дастурий таълим ҳам муҳим ўрин тутди. Ушбу таълим тури педагогика, психология, кибернетика (ҳозирда ахборот) технологияларининг жадал ривожланиши натижасида шаклланди.

**Дастурий таълим** – 1) ўқитишнинг ўқувчи, талабалар эҳтиёжи, кизиқиши, билими, дунёкараши, улар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири

1954 йилда АҚШда профессор Б.Ф.Скиннер томонидан асосланган дастурий таълим ўтган вақт мобайнида янада такомиллашди. Ушбу таълим асосларини яратишда П.Я.Гальперин, Л.Н.Ланда, Н.Ф.Талызина, И.И.Тихонов, В.И.Чепелев ва бошқаларнинг

хиссалари катта. Дастурий таълим асослари буюк файласуфлар – Сукрот, Платон, И.Ф.Гербарт, Ж.Дьюи ғояларига таянилган.

Узлуксиз таълим жараёнида дастурий таълимдан фойдаланишнинг ўзга хос жиҳати ўқитишнинг ўқувчилар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқарашлари, ўқув фанининг имкониятлари, ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келинаётган муаммоларни инобатга олган ҳолда ташкил этилишидир. Педагоглар томонидан муаллифлик дастурларининг ишлаб чиқилиши катта аҳамиятга эга. Зеро, муаллифлик дастурлари ОТМнинг ўқув машғулотларининг ранг-баранг бўлишини таъминлаш борасидаги мавжуд имкониятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Дастурий таълимни жорий этишга нисбатан иккита талаб кўйилади. Яъни:

- 1) ўқитувчининг назоратидан воз кечиб, ўқувчи, талаба томонидан ўз фаолиятини мустақил назорат қилишга ўтиш;
- 2) педагогик тизимни ўқувчи, талабаларнинг мустақил таълим олишига кўчириш

Моҳиятига кўра дастурий таълим таълим дастурлар ёки мустақил таълим олиш дастурлари деб номланувчи технологиялар асосида йўлга кўйилади. Ушбу дастурларнинг ишлаш тамойили билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми ва даражасини мустақил ўзлаштириш учун шароит яратибгина қолмай, шу билан бирга бу жараённинг ўзи автоматик равишда ўқувчи, талаба фаолиятини назорат қилиб боришга асосланади.

Дастурий таълим таълим мақсадига эришиш, босқичлар изчиллигини таъминлаш имкониятини яратиб қолмай, ўқув материалларининг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитни яратишга йўналтирилади. Таълим жараёнининг ҳар бир босқичида ўқув материалининг муайян қисми ўзлаштирилади. Шунинг учун ҳар бир ўзлаштирилган қисм юзасидан назорат саволлари, машқлар ва синов топшириқлари ишланган бўлиши зарур. Шу жиҳатига кўра дастурий таълим ўқитувчи ва талаба мулоқоти БКМнинг ўзлаштирилиши жараёнини бошқарувчи ўргатувчи дастурга асосланади.

Дастурлар асосида махсус дастурлаштирилган дарсликлар, ўқув ва методик кўлланмалар ва ўргатувчи қурилма (компьютер модели, дастури) яратилади.

Ўргатувчи дастурларда қуйидагилар тизимлаштирилади:

1. Ўқув материали.
2. Ўқувчи (талаба)нинг фаолияти ва унинг ўзлаштириш даражаси.
3. Ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш шакллари

Ўқув материаллари у қадар катта бўлмаган ҳажмда, муайян қисм ёки бўлакнинг мантикий тугалланганлиги асосида ажратиб олинади. Ҳар бир қисм, бўлак ўзлаштириб олингандан кейин ўқувчи, талаба назорат саволларига жавоб беради. Савол-жавоб компьютер дастурига мувофиқ “таълим олувчи ва ахборот-коммуникацион технология” муносабати асосида ташкил этилади. Савол ва жавобларнинг вариантлари аввалдан тайёрлаб қўйилади. Агарда ўқувчи, талаба саволга тўғри жавоб берса, навбатдаги саволга ўтиш имконияти берилади. Нотўғри жавоб эса талабга ўқув материаллини яна бир бор ўзлаштириши, сўнгра саволга жавоб бериши зарурлигини уқтиради.

Компьютер дастурлари ўқув материаллини муваффақиятли ўзлаштирилиши, таълим жараёнини бошқариш имкониятини таъминлай олиши зарур. Шу асосида ўқитувчи ўқувчи, талабанинг ўқув фаолиятидан хабардор бўлиб боради.

Дастурий таълимда ўқув материаллари ўқувчи, талабаларга бўлак-бўлак ҳолида узатилади. Бу эса ўқитувчи томонидан ҳар бир босқичдан кейин ўқувчи, талабанинг ўқув фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг ўзлаштириш кўрсаткичларига таянган ҳолда навбатдаги, бир қадар мураккаб ўқув материали, назорат саволлари ва синов топшириқларини узатишга имкон яратади.

**IV. Дастурий таълим технологиялари.** Таълим тизимида ўқув материаллининг характеридан қатъий назар ўқув жараёнини дастурлаштиришнинг қуйидаги технологияларидан кенг фойдаланилади:

**1. Бир тармоқли дастурлар (Б.Ф.Скиннер, 1954 йил).** Бу дастур оддий саналади. Унга кўра ўқувчи, талаба ҳар бир ўқув

материали билан муайян изчилликда таништирилиб борилади. Ўқув материли барча ўқувчи, талаба учун бир хилда – бир хил хажм, миқдорга эга ҳолда босқичма-босқич узатилади. Индивидуаллик хусусиятлари ўқув материаллини бўлак ва яхлит ҳолда ўқувчи, талабалар томонидан турли тезликда ўзлаштирилишида кўринади.

**2. Кўп тармоқли дастурлар (Н.А.Краудер, 1960 йил).** Унга кўра саволларга жавоб беришда ўқувчи, талабанинг хатоларга йўл қўйишига имкон бералиб, бу вазиятда хатоларнинг моҳиятини ва сабабларини англашни тушуниши, уларни тўғрилаши, ўқув материаллини ўзлаштиришни машқ қилиши учун шароит яратилади. Кўп тармоқли дастур билан ишлашда ўқувчи, талаба ўқув мақсадига эришиш йўлини ўзининг ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзи танлайди. Ҳар бир босқичда ўқувчи, талаба саволларга тўғри жавоб берса, у ҳолда ёки навбатдаги ўқув материаллини ўзлаштиришга киришади, ёки ён томондаги тармоққа ўтиб, унга жойлаштирилган дастурни ўрганишга киришади. Ён тармоқдаги дастурлар бир нечта бўлиб, улар хатоларни англашга кўмаклашиш, қўшимча йўналтирувчи маълумотларни бериш имкониятига эга дастурлар саналади. Ўқувчи, талаба ён тармоқдаги дастур билан танишгач, яна асосий тармоққа қайтиб, ўқув материаллини яна босқичма-босқич, келган нуктадан ўзлаштиришга киришади.


**3. Мослашувчан (қоришиқ) дастурлар (Г.Паском, 1950 йил).** Улар кўп тармоқли дастурларнинг янада такомиллаштирилган шакли бўлиб, ўқувчи, талабаларнинг мавжуд ички имкониятларини тўла-тўқис ҳисобга олиш имкониятини беради. Бу турдаги дастурлар турли мураккаблик даражасидаги тармоқдан таркиб топади. Тармоқ дастурларининг мураккаблиги ўқувчи, талаба томонидан йўл қўйилган хатолар ёки жавобларнинг характериға боғлиқ бўлади. Одатда мослашувчан дастурлар ўқув материаллини унинг мураккаблик даражаси, саволлар характери ва б. жиҳатларига кўра узатишда усулларни ўзлаштириш учун шароит яратади. Бу каби дастурлар, ўқувчи, талабаларнинг турли вариантлардаги жавобларини таҳлил этадиган схемаға эга.

Дастурий таълим қуйидаги тамойилларға таянади (56-расм):



56-расм. Дастурий таълимнинг устувор тамойиллари

Дастурий таълим технологияларини ишлаб чиқиш куйидаги босқичларда кечади (57-расм):



57-расм. Дастурий таълим технологияларини ишлаб чиқиш босқичлари

Дастурий таълим куйидагиларга эришишни таъминлайди:

- талабалар электрон ўқув-таълим ресурсларига эга бўлади;
- ўқув жараёни талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини тартибга солган ҳолда бошқариш имкониятини яратади;
- ўқув материалнинг ўзлаштирилиш даражаси назорат қилинади ва назорат асосида уни такомиллаштириш имконияти юзага келади;
- ўқув материалининг талабалар томонидан ўзлаштирилиш суръати бошқарилади;
- зарур ўринларда тушунтиришлар берилади;
- талабаларга йўл қўйилган хатолар кўрсатилиб, уларни тўғрилаш имконияти яратилади;
- ички (талабанинг ўз фаолиятини таҳлил қилиши) ва ташқи (ўқитувчи томонидан талаба фаолиятининг назорат қилиб борилиши, хатоларнинг тўғриланиши) қайтар алоқа таъминланади

**V. Мустақил таълимнинг дидактик имконияти ва мустақил таълим технологиялари.** Шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида мустақил таълим ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

**Мустақил таълим** – 1) ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим

Бу турдаги таълим талабалар томонидан ўқув, мутахассислик фанлари асосларини чуқур эгаллаш, уларда топшириқларга ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимларини изчил ошириб боришга интилиш, адабиётлардан кенг, самарали фойдаланиш борасидаги кўникма, малакаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда ОТМнинг барча ўқув ва мутахассислик фанлари бўйича яратилган дастур, шунингдек, таълим муассасаларининг

ўқув режасида ҳам талабаларнинг мустақил таълимига алоҳида ўрин ажратилган. Бакалавриат ва магистратура босқичида талабалар ўқув жадвалидан ўрин олган барча фанлар бўйича мустақил иш топширади. Талабалар мустақил таълимнинг натижаси сифатида бажариладиган мустақил иш тури кафедралар томонидан ўқув дастурида қайд этилади.

ОТМда талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда муайян вазифалар ҳал этилади. Жумладан:

- талабаларда маъруза ва семинар машғулотида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш ва бойитиш;
- уларда янги билимларни мустақил равишда пухта ўзлаштириш кўникма, малакаларини ҳосил қилиш;
- талабаларни ахборот манбаларидан самарали фойдаланишга одатлантириш;
- уларни зарур маълумотларни излаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, саралаш ва муҳимларини белгилашга ўргатиш;
- талабаларда мустақил ишни бажаришда самарали ва мақбул метод, воситалардан фойдаланиш тажрибасини ҳосил қилиш;
- уларни ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш малакаларини ўзлаштиришга рағбатлантириш;
- талабаларда Интернет халқаро ахборот тармоғидан мақсадли, оқилона фойдаланиш масъулиятини тарбиялаш;
- уларни мустақил ишни мавжуд талаблар асосида сифатли бажарилиши юзасидан жавобгарликни ҳис қилишга ўргатиш;
- талабаларда яқунланган ва ниҳоясига етказилган ишни экспертизага тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш малакаларини ҳосил қилиш;
- талабаларни мустақил ишларни сифатли, мақсадли бажаришга нисбатан ижодий ёндашишга ўргатиш;
- уларни яқунланган, ниҳоясига етказилган ва экспертизадан муваффақиятли ўтказилган мустақил ишларни мутахассислар жамоасида очиқ ҳимоя қилишга тайёрлаш

Белгиланган тартибга кўра ажратилган вақт бюджети доирасида фанлар бўйича тегишли кафедраларда мустақил ишнинг ташкилий шакллари ва ўқув топшириқларининг вариантлари ишлаб чиқилиб, факультет илмий-услубий кенгашида тасдиқланади. Шу билан бирга тегишли кафедраларда фанлар бўйича мустақил ишни

бажариш юзасидан талабалар учун методик кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади ҳамда методик қўлланма тайёрланади.

Мустақил ишлар сифати ва мазмунини баҳолаш мезонлари тегишли кафедра томонидан ишлаб чиқилиб, факультет кенгаши йиғилишининг қарори билан тасдиқланади. Мазкур мезонлар талабаларга ўқув йили (семестри) бошланиши олдидан методик материаллар билан биргаликда тарқатилади.

Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишда турли шакллардан фойдаланилади. Улар:

- айрим мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича мустақил равишда ахборот (реферат) тайёрлаш;
- мустақил равишда семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга мустақил тайёрланиш;
- ҳисоб-график ишларини мустақил бажариш;
- мустақил равишда курс иши (лойиҳаси)ни бажариш;
- малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини раҳбар кўрсатмаси ва назорати остида мустақил тайёрлаш;
- мустақил равишда назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- мавжуд муаммоларнинг ечимини мустақил топиш (кейс-стади);
- мустақил равишда ва ижодий ёндашган ҳолда макет, модел, бадиий асар, мусика ва намуналар яратиш;
- ижодий ва мустақил ёндошув асосида илмий мақола, маъруза ва тезисларни тайёрлаш

Айни ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим, ҳар бир талаба ўқув ёки мутахассислик фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишни бажаришда таълимнинг бошқа шакллардан ҳам фойдаланилиши мумкин. Таълим шакли, шунингдек, унинг мазмуни ва ҳажмига қўйиладиган талаблар ўқитиладиган барча фанлар бўйича намунавий ва ишчи дастурларда бевосита кўрсатилади.

Талабалар ҳар бир фаннинг намунавий дастури бўйича кўзда тутилган аудитория соатлари ҳисобидан ўтиладиган мустақил таълим машғулотлари даврида ўқитувчи раҳбарлигида билим олади. Аудиториядаги мустақил таълим машғулотида талаба шу

фан бўйича белгилаб кўйилган баллар тақсимоотида кўзда тутилган муайян балл миқдорида баҳоланади.

Одатда аудиторияда амалга ошириладиган мустақил таълим амалий (семинар) машғулотининг шакли сифатида суҳбат, баҳс-мунозара, коллоквиум ёки ёзма иш шаклида ўтказилади.

Аудиториядан ташқари мустақил иш сифатида талаба фан дастури бўйича кўзда тутилган ҳар бир мавзу учун қўшимча равишда ўқиб ўрганиш мақсадида маърузачи томонидан аниқ вазифа ва топшириқлар олади. Ушбу вазифа ва топшириқларнинг бажарилиши амалий (семинар) машғулотида ўқитувчи томонидан мунтазам назорат қилинади.

Мустақил иш сифатида берилган вазифа ва топшириқларнинг талабалар томонидан бажарилиши жорий, оралиқ ва якуний назорат жараёнида таҳлил этиб борилиши лозим.

Фаннинг ўқув дастурида мустақил таълим ва мустақил иш учун бериладиган вазифа ва топшириқлар мазмуни, уларнинг режалаштирилиши қайд этилиши зарур.

Мустақил иш самарали бўлиши ўша фандан махсус адабиётларнинг мавжуд бўлишига боғлиқ. Талабалар мустақил ишларни бажаришда дарслик, ўқув ва методик қўлланма, методик кўрсатма ва тавсиялар, ЭАТР маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, Интернет халқаро ахборот тармоғи материаллари, мавзу бўйича бажарилган мавжуд ишлар банки ва бошқалардан **ахборот манбаси** сифатида фойдаланади.

Биринчи курс талабаларини мустақил ишга ўргатишда уларга фан бўйича бирор бир мавзу ёки бобни уйда ўқиб ўрганиш вазифаси юкланади. Бунинг учун ўша фандан дарслик ва ўқув қўлланмалари етарли даражада бўлиши лозим. Берилган вазифа эса семинар ва коллоквиумларда, бажарилган рефератларни ёклаш орқали ёки яқка тартибда ташкил этиладиган машғулотлар мобайнида назорат қилинади.

Маъруза мавзусининг бир қисмини тарқатма материаллар орқали мустақил равишда ўқиб-ўрганиш мавзуни чуқурроқ англаш имкониятини беради. Тарқатма материалнинг ҳажми ҳар бир маъруза учун 4-5 бет (босма ҳарфда) бўлиши тавсия этилади. Мустақил ишни шу тариқа ташкил этиш умумқасбий ва мутахассислик фанлари ҳамда одатда юқори курс талабалари учун тааллуқли. Мустақил ишнинг бу тури назорати рейтинг тизимининг ҳар бир босқичида амалга оширилади.

Ўқув жараёнида компьютер ва бошқа ахборот-коммуникацион технологиялар кенг қўлланиладиган фанлар учун автоматлаштирилган тизимлар билан мустақил равишда ишлашни тадбиқ этиш мақсадида дастурий материалнинг бир қисми якка тартибда мустақил ишлаш учун режалаштирилади. Бу услуб барча курс талабаларига тегишли ва унинг натижалари рейтинг тизимининг тегишли босқичларида назорат қилинади.

Реферат, курс ишлари ёки малакавий битирув ишлари лойиҳалари устида ишлаш жараёнида фан бўйича бирор бир бўлим ёки боблар бўйича махсус ва илмий адабиётларни мустақил ўрганиш. Ушбу турдаги мустақил иш биринчи курс талабаларидан бошқа барча курс талабалари учун тааллуқли. Бу турдаги мустақил иш натижалари рейтинг тизимининг тегишли босқичларида назорат қилинади.

Ҳар бир ОТМ раҳбарияти талабаларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишларни ўз вақтида, сифатли бажаришлари учун зарур ахборот манбалари, компьютер техникаси ва Интернет халқаро ахборот тармоғидан самарали, мақсадли фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериши лозим.

Ҳар бир фан бўйича талабаларнинг мустақил ишларига раҳбарлик қилиш кўрсаткичлари (вақт миқдори) ОТМ профессор-ўқитувчилари шахсий иш режасининг “Ташкилий-услубий ишлар” бўлимида (1540 соат ҳажмида) қайд этилади.

Курс иши (лойиҳаси), малакавий битирув иши ва таълим олувчилик диссертациясини тайёрлашда ҳар бир талаба учун ажратиладиган соатлар профессор-ўқитувчилар шахсий иш режасининг “Ўқув ишлари” бўлимида кўрсатилади.

Талабаларнинг мустақил таълимига раҳбарлик қилиш кафедрада тузилиб, факультет деканати томонидан тасдиқланадиган маслаҳат (консультация)лар жадвалига мувофиқ амалга оширилади. Маслаҳат учун ажратилган соатлари гуруҳлар журналларида қайд этиб борилади.

Талабаларнинг мустақил ишларини назорат қилиш ўқув машғулотларини бевосита олиб боровчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Мустақил ишларнинг бажарилиши тегишли фан ишчи дастурида ажратилган соатларга мос равишда рейтинг тизими (баллар) асосида баҳоланади. Ҳар бир талабанинг мустақил иш бўйича олган баллари унинг тегишли фан бўйича тўпланган умумий рейтинг кўрсаткичлари кўшилади. Мустақил иш учун

талаба томонидан олган балл кўрсаткичи гуруҳ “Рейтинг ойнаси”да, шунингдек, ОТМнинг махсус электрон тармоғида ёритиб борилади.

Тегишли фандан мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг баллининг 55 % дан кам балл тўплаган талаба шу фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди. Ўқув ва мутахассислик фанлари бўйича талабаларнинг мустақил ишларни тайёрлашга қаратилган фаолиятлари мунтазам равишда талабалар гуруҳлари, тегишли кафедра йигилишлари ва факультет Илмий кенгашларида муҳокама этиб борилади,

Ҳар бир мустақил иш кафедра архивида рўйхатга олинади ва ўқув йили мобайнида сақланади. Аини ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, талабаларнинг курс иши (лойиҳаси), малакавий битирув иши ёки магистрлик диссертациясини рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ижодий ёндошув асосида сифатли бажарилган мустақил ишларнинг муаллифлари бўлган талабалар ОТМ раҳбарияти томонидан маънавий ва моддий рағбатлантирилади.

Шундай қилиб, индивидуал, дастурий ва мустақил таълим ҳам шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий, муҳим турлари саналади. Уларнинг ҳар уччаласи ҳам таълим жараёнини индивидуаллаштириш, ҳар бир таълим олувчи ички имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилганлиги билан таълимий аҳамият касб этади. Барча замонавий таълим турлари каби индивидуал, дастурий ва мустақил таълим ҳам ўз технологияларига эга. Индивидуал ва дастурий таълим технологиялари таълим жараёнини индивидуаллаштириш, ўқув материалларини таълим олувчиларнинг имкониятлари, билимларни қабул қилиш даражасига мослаштирган ҳолда турли даражаларда муайян изчилликда тақдим этилишини таъминлайди. Мустақил таълим технологиялари эса тўла маънода таълим олувчиларнинг ўқитувчининг йўналтирувчи кўрсатмалари асосида мустақил равишда ўқув ҳамда мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштиришлари учун зарур шароитни яратишга хизмат қилади. Шундай экан, олий таълим муассасаларининг педагоглари ўз фаолиятларида индивидуал, дастурий ва мустақил таълим технологияларидан самарали фойдаланиш кўникма, малакаларининг ўзлаштира олишлари талаб этилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Индивидуал таълим нима?
2. Индивидуал таълим қандай мақсадга хизмат қилади?
3. Индивидуал таълим қандай технологияларга асосланади?
4. Дастурий таълим қандай мақсадда асосланган?
5. Дастурий таълимнинг қандай технологиялари мавжуд?
6. Мустақил таълим нима?
7. Мустақил таълимни ташкил этилишидан қандай мақсад кўзланади?
8. Мустақил таълимнинг вазифалари нималардан иборат?
9. Мустақил таълим қандай шаклларда ташкил этилади?
10. Мустақил таълим натижаларининг назорати қандай тартибда амалга оширилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Гозман Л.Я., Шестопал Е.Б. Дистанционное обучение на пороге XXI века. – Ростов-на-Дону: “Мысль”, 1999. – 368 с.
2. Дьяченко В.К. Сотрудничество в обучении. – М.: Просвещение, 1991. – 194 с.
3. Зубра А.С. Педагогическая культура преподавателя высшей школы / Мет.пособие. – Минск: Акад. упр. При Президенте РБ, 2005. – 398 с.
4. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш / Методик қўлл. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2006.
5. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.
5. Самостоятельная работа студентов: метод указания / Сост.: А.С.Зенкин, В.М.Кирдяев, Ф.П.Пильгаев, А.П.Лащ. – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2009.
6. Унт И. Индивидуализация и дифференциация обучения. – М.: Педагогика. 1990. – 268 с.
7. Фокин Ю.В. Преподавание и воспитание в высшей школе: методология, цели и содержание, творчество / Учеб. пособие. – М.: Издательский центр “Академия”, 2002. – 224 с.
8. Хуторской, А.В. Дидактическая эвристика: Теория и технология креативного обучения. – М.: Издательство МГУ, 2003. – 162 с.

## ХОТИМА

Замонавий шароитда глобал ахборотлашувнинг қарор топиши ҳар бир, шу жумладан, таълим олувчиларнинг катта ҳажмдаги ахборотларга эга бўлишлари учун шароитни юзага келтирмоқда. Бугунги кун ёшлари ниҳоятда катта ҳажмда ахборотларга эга. Бирок, моҳиятан ушбу ахборотларнинг аксарияти уларнинг шахс сифатида камол топиши, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши, мавжуд қобилиятларини оширишлари, самарали ижтимоийлашувлари, ўз устида изчил ишлашлари, касбий камолотга етишларига ҳеч қандай ёрдам бермайди. Чунки улар назарий жиҳатдан бунёдкорлик, яратувчанлик, инсонпарварлик ғояларига эга эмас, аксинча, шахсни асосий ҳаётий, олийжаноб мақсадлардан чалғитувчи, унга “ҳар қандай ташвиш, муаммолардан ҳоли, кўнгил майллари асосида яшаш имконияти”ни ваъда қилувчи қарашлардан иборат. Худди шу каби ахборотлар мавжуд шароитда талабаларда таълим олиш, мутахассис сифатида камол топишга нисбатан қизиқишнинг пасайишига олиб келмоқда. Ижтимоий тараққиёт эса фақатгина ижтимоий субъектларнинг кучи, янада аниқроғи, уларнинг интеллектуал салоҳияти, жисмонан фаолликлари асосида таъминланади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда шахс интеллектини энг қимматбаҳо “товар” саналади. Бинобарин, хорижлик инвеститорлар ва ишлаб чиқарувчилар айнан шахс интеллектини имкониятлари асосида ишлаб чиқаришни самарали йўлга қўйиш, йирик молиявий маблағлар айланмасига эга бўлиш имкониятини яратишини яхши англайди. Бозор ишлаб чиқаришига асосланган шароитда эса кучли рақобатга бардош бера олиш учун ҳар бир ишлаб чиқарувчи бозор муносабатларининг олтин қонидаси “талаб-таклиф” тамойилига амал қилишда мутаносибликка, барқарорликка эришиш учун ўз маҳсулотларини нафақат йил, ой, балки кун сайин такомиллаштириб бориш, янги маҳсулотларни яратиш устида жиддий ўйлаши, инновацион ғояларни асослай олиши зарур.

Сўнгги бир аср давомида босқичма-босқич, бироқ, изчил ривожланиб келаётган таълим технологиялари бевосита ишлаб чиқариш жараёнини қўллаб-қувватлаш, уни таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, юқори интеллектга эга,

рухий жиҳатдан барқарор, рақобатга бардошли мутахассислар билан таъминлаш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Моҳиятига кўра инновацион, модул, ҳамкорлик, интерфаол, муаммоли, модул, масофавий, компьютер, лойиҳа, инновацион, индивидуал, дастурий, ривожлантирувчи, табақалаштирилган ва мустақил таълим, шунингдек, ўйин технологиялари таълим тизимида ўқитиш жараёнининг бир хил, зерикарли бўлишининг олдини олиш, аксинча, унинг қизиқарли, фаол, жўшқин бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш учун хизмат қилади. ОТМ педагоглариининг ушбу таълим технологиялари моҳиятидан хабар бўлишлари, уларни ўз фаолиятларидан самарали қўллаш олишлари таълим жараёнида ҳар бир таълим олувчининг ички имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Шу сабабли педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчиларни ушбу технологиялар билан яқиндан таништириш мақсадга мувофиқдир.

## ГЛОССАРИЙ

**“Ажурли арра” стратегияси** (фр. “ажоур” – бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очик) – яхлит мавзуни бир нечта қисмларга ажратган ҳолда мазмунини ёритиш асосида талабаларнинг уни пухта ўзлаштириши, ўз билимларини бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлиши таъминловчи стратегия

**Аралаш модел** – масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модел

**“Ассесмент” технологияси** (ингл. “assessment” – “баҳо”, “баҳолаш”) – таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами

**Ахборотли лойиҳалар** – ўқув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишга йўналтирилган лойиҳалар

**“Блиц-сўров” методи** (инг. “блиц” – тезкор, бир зумда) берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод

**Дарс ишланмаси** – таълимий мазмунга эга лойиҳа ҳамда ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат

**Дастурий таълим** – 1) ўқитишнинг ўқувчи, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири

**“Дебат” методи** (фр. “дебаттере”, “дебац” – “баҳслашмоқ”) – йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қиладиган технология

**Дидактик ўйинлар** – ўрганилаётган объект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури

**Драматик ўйинлар (психологик ва ижтимоий драмалар)** – психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар

**Ижодий лойиҳалар** – индивидуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар

**Имитацион ўйинлар** – ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар

**Индивидуал таълим** – таълим жараёнида ўқитувчининг факатгина бир нафар ўқувчи билан ёки ўқувчининг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) билан ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим

**Инвигилатор** – масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог

**Инновацион фаолият** – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

**Интерфаол таълим** (ингл. “interact”, рус. “интерактив”; “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ) – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим

**Ишбилармонлик ўйинлари** – маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ҳамда сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар

**“Кейс-стади” технологияси** (ингл. “case” – чемодан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – талабаларда аниқ, реал ёки сунъий

яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология

**Компьютер таълими** – таълим олувчиларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим

**Компьютер таълими технологиялари** – таълим олувчиларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмуи (компьютер, сканер, телефон, факс модем, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, видеоқўз, электрон почта, мультимедиа воситалари, Интернет ва Интернет тармоқлари, шунингдек, мобиль алоқа, маълумотлар омборини бошқариш ҳамда сунъий интеллект тизимлари)

**Консорциум** (лот. “consortium” – “шериклик”, “биргаликда иштирок этиш”) – масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма

**Лойиҳалаш** – бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат

**Лойиҳа** (лот. “projectus” – “илгари сурилган”) – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули

**Лойиҳа методи** – ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, ўқувчининг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз

фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуи

**Лойиҳа таълими** – таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълим

**Масофавий таълим** – муайян нуктадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим

**Масофавий таълим технологиялари** таълимнинг белгиланган мазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир

**Моделлаштириш** ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш

**Модел** – реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг содалаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси

**Модератор** – масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра суҳбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог бўлиб, у мулоқот жараёнининг тўғри ташкил этилишини таъминлайди, билдирилаётган фикрларни умумлаштиради, зарур бўлганда уларни тўғрилайди, таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини ривожлантиради, билиш фаолиятларини фаоллаштиради)

**“Модул”** (лот. “modulus”) тушунчаси: 1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги

**Модул таълими** – ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади (Б.П.Фарберман)

**Муаммоли вазият методи** – талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида муаммоли вазиятнинг сабаб

ва оқибатларини таҳлил қилиш, уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланадиган йўл

**Муаммоли вазият** – талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади

**Муаммоли таълим** – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим

**Муаммоли таълим технологиялари** – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари (муаммоли баён; муаммоли маъруза; эвристик суҳбат; муаммоли намойиш; изланишга асосланган амалий машғулот; ижодий топшириқ; хаёлий муаммоли тажриба; муаммо фаразларини шакллантириш; масалаларни муаммоли ечишнинг оптимал вариантларини танлаш; муаммоли вазифа; муаммоли ўйин)

**Мустақил таълим** – 1) ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим

**Педагогик муаммо** – ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала

**Репетиторлик таълими** (лот. “repetitor” – “орқага қайтишни талаб қилувчи”, “такрорловчи”) - индивидуал таълимнинг энг оммалашган замонавий тури

**Ривожланиш** – шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён

**Ривожлантирувчи таълим** – таълим олувчиларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим

**Ривожлантирувчи таълим технологиялари** – таълим олувчиларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган технологиялар (тренинглари; ижодий топшириқлар; кейслар; тестлар, бошқотирмалар, мантиқий масалалар, махсус машқлар, тез айтишлар, топишмоқлар, кроссвордлар, ребуслар, сканвордлар, чайнвордлар, лойиҳалар, беллашувлар, дидактик ўйинлар, “Заковат” ўйини, лево ўйинлари, мозаикалар, стол ўйинлари (“Биржа”, “Банк”, “Монополия” ва б.), конструкциялар ва б.)

**Ролли ўйинлар** – маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар

**Синквейн** (фр. “беш қатор” маъносини англатади) маълумотларни синтезлаш (алоҳида маълумотлар асосида яхлит ғояларни шакллантириш)га ёрдам берадиган қофиясиз шеър бўлиб, у асосида ўрганилаётган мавзу (тушунча, ходиса, воқеа)ларга оид маълумотлар тўпланади; ҳар бир ўқувчи (талаба) ушбу маълумотлар йиғиндиси (қофиясиз шеър)ни ўз сўзлари билан турли вариант ёки нуктаи назарлар орқали ифодалаш имкониятига эга

**Синквейн тузиш** – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир неча сўз орқали яққол, ёрқин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзунини пухтароқ ўзлаштириш, маълумотларни яхшироқ англашга ёрдам беради

**Сюжетли ўйинлар** – педагогик воқелик, ходисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар

**Табақалаштирилган таълим** – таълим олувчиларнинг шахсий лаёқатлари, қизиқишлари, қобилиятларини аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бироқ, ДТС ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдаги материалларни беришга йўналтириладиган таълим

**Табақалаштирилган таълим** – таълим олувчиларнинг шахсий лаёқатлари, қизиқишлари, қобилиятларини аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бироқ, ДТС ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдаги материалларни беришни таъминловчи технологиялар (муаллифлик дастурлари; ижтимоий лойиҳалар; махсус методикалар, тестлар, ташхисловчи, йўналтирувчи, даволаш ва тайёрлов курслари, тренинглари, маслаҳатлар, махсус ва имитацион тренажёрлар)

**Тадқиқот лойиҳалари** – илмий изланиш характерига эга лойиҳалар бўлиб, унинг таркибий тузилиши муаммонинг долзарблиги, ишланганлик даражаси, тадқиқот мақсади, илмий фарази, вазибалари, муаммони тадқиқ этишда қўлланиладиган методлар, кўп босқичли педагогик тажриба ва олинган натижа ва хулосаларга асосланган ҳолда илгари суриладиган амалий-методик тавсиялардан иборат бўлади

**Таянч концепт** – назарий ўқув материали (ахбороти)ни графикли тасвир (қиска хулоса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да ифодаловчи концепт

**Таълим жараёнини лойиҳалаштириш** ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир

**Технологик модел (паспорт)** – таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат

**Технологик харита** – таълим жараёни бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат

**Тьютор** (лот. “tutorem”) – ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий

**Узоқлаштирилган аудиториялар** – масофавий таълимда бир олий ўқув юртида ташкил этилаётган ўқув курслари, маъруза ва семинарларнинг ундан узоқ масофада жойлашган таълим

муассасаларининг ўқув аудиторияларга телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радиоэшиттириш кўринишида узатилиши

**Фасилитатор** (лот. “facilis”, ингл. “facilitator” – енгил, қулай) – масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог

**Франчайзинг** (“franchise” – “лицензия”, “ҳуқуқ”) – ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳуқуқининг бериши

**Шахсга йўналтирилган таълим** – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим

**Шахсни ривожлантириш** – индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни бўлиб, у орқали индивид камдан кўпга, оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига кўрсаткичлари орқали такомиллашиб, камолга етиб боради

**Эдвайзер** (фр. “avisen” – “ўйламок”, “advisor” – “ўйловчи”) битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг таълим олувчилар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи

**Ўйин** – кишилиқ фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли

**Ўйин технологиялари (ўйин таълими)** – ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда

ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири

**Ўқув лойиҳаси** – 1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули; 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси; 3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита

**Ўқув топшириқлари** – ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси

**Ҳамкорлик таълими технологиялари** – ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар

## ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим – бу ...

- a) муаммоли таълим;
- b) дастурий таълим;
- c) ривожлантирувчи;
- d) инновацион таълим.

2. Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндошув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар қандай номланади?

- a) таълим турлари;
- b) таълим инновациялари;
- c) таълим методлари;
- d) таълим воситалари.

3. ... янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият саналади?

- a) ижодий фаолият;
- b) педагогик фаолият;
- c) инновацион фаолият;
- d) технологик фаолият.

4. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштириладиган таълим – бу ....

- a) дастурий таълим;
- b) лойиҳа таълими;
- c) модул таълими;
- d) масофавий таълим.

5. Модул таълими таркибий бўлакларининг ўзаро жойлашиши ҳамда технологик жараёни амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартиб-қоидалари деб юритилади

- a) асословчи далил;
- b) алгоритм;
- c) модул бирлиги;
- d) рағбатлантирувчи асос.

6. Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим қанай номланади?

- a) ҳамкорлик таълими;
- b) индивидуал таълим;
- c) табақалаштирилган таълим;
- d) интерфаол таълим.

7. ... назарий ўқув материали (ахбороти)ни графикли тасвир (қисқа хулоса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да ифодаловчи конспект саналади.

- a) иккиламчи конспект;
- b) асосий конспект;
- c) таянч конспект;
- d) ёрдамчи конспект.

8. Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим – бу ....

- a) дастурий таълим;
- b) интерфаол таълим;
- c) модул таълими;
- d) масофавий таълим.

9. Муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл,

метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим қандай номланади?

- a) дастурий таълим;
- b) интерфаол таълим;
- c) модул таълими;
- d) масофавий таълим.

10. ... масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма.

- a) консорциум;
- b) валидация;
- c) франчайзинг;
- d) аралаш модел.

11. Ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳуқуқининг бериши – бу ...

- a) консорциум;
- b) валидация;
- c) франчайзинг;
- d) аралаш модел.

12. ... таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг кондирилиши саналади.

- a) консорциум;
- b) валидация;
- c) франчайзинг;
- d) аралаш модел.

13. Таълим олувчиларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим қандай номланади?

- a) дастурий таълим;
- b) компьютер таълими;
- c) модул таълими;
- d) масофавий таълим.

14. Компьютер, сканер, телефон, факс модем, видеокамера, LCD проектор, интерактив электрон доска, видеокўз, электрон почта, мультимедиа воситалари, Интернет ва Интернет тармоқлари, шунингдек, мобиль алоқа, маълумотлар омборини бошқариш ҳамда сунъий интеллект тизимлари – булар ....

- a) дастурий таълим технологиялари;
- b) масофавий таълим технологиялари;
- c) модул таълими технологиялари;
- d) компьютер таълими технологиялари.

15. Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим қандай номланади?

- a) дастурий таълим;
- b) ривожлантирувчи таълим;
- c) муаммоли таълим;
- d) индивидуал таълим.

16. ... талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади.

- a) муаммоли вазият;
- b) манфаатлар тўқнашуви;
- c) педагогик муаммо;
- d) педагогик низо.

17. Талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология қандай номланади?

- a) муаммоли вазифа;
- b) муаммоли баён;
- c) муаммоли вазият;
- d) кейс-стади.

18. Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини қафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули – бу ....

- a) товар;
- b) лойиҳа;
- c) схема;
- d) харита.

19. Таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини қафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълим қандай номланади?

- a) дастурий таълим;
- b) мустақил таълим;
- c) лойиҳа таълими;
- d) индивидуал таълим.

20. ... – бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат.

- a) режалаштириш;
- b) лойиҳалаш;
- c) тизимлаштириш;
- d) башоратлаш.

21. Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти – бу ....

- a) таълим жараёнини баҳолаш;
- b) таълим жараёнини ташкиллаштириш;
- c) таълим жараёнини башоратлаш;
- d) таълим жараёнини лойиҳалаштириш.

22. Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат – бу

...

- a) технологик паспорт;
- b) технологик лойиҳа;
- c) технологик харита;
- d) технологик ишланма.

23. Педагогик (таълим ва тарбия) жараёни бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат қандай аталади?

- a) технологик кўрсатма;
- b) технологик лойиҳа;
- c) технологик паспорт;
- d) технологик харита.

24. ... ўқув мақсадига эришиш ёки муаммо, муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўлида талабалар томонидан изчил амалга оширилган ҳаракатлари мажмуаси.

- a) ўқув лойиҳавий фаолият;
- b) ўқув-методик фаолият;
- c) ўқув-илмий фаолият;
- d) ўқув-амалий фаолият.

25. Шахнинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён қандай номланади?

- a) шаклланиш;
- b) ўсиш;
- c) тараққий этиш;
- d) ривожланиш.

26. Таълим олувчиларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим – бу ....

- a) дастурий таълим;
- b) мустақил таълим;
- c) ривожлантирувчи таълим;
- d) индивидуал таълим.

27. ... кишилик фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, таклид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли.

- a) ўйин;
- b) ўқиш;
- c) меҳнат;
- d) фаолият.

28. Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири қандай номланади?

- a) дастурий таълим технологиялари;
- b) индивидуал таълим технологиялари;
- c) мустақил таълим технологиялари;
- d) ўйин технологиялари (ўйин таълими).

29. ... таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар ўқувчи билан ёки ўқувчининг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) билан ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим.

- a) дастурий таълим;
- b) мустақил таълим;
- c) ривожлантирувчи таълим;
- d) индивидуал таълим.

30. ... ўқитишнинг ўқувчи, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим.

- a) дастурий таълим;
- b) мустақил таълим;
- c) ривожлантирувчи таълим;
- d) индивидуал таълим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева Х.А. Машғулотларда фаол таълим усулларидан фойдаланиш. – Фарғона: ФарДУ, 2008.
2. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Модулли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2007. – 97 б.
3. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008. – 164 б.
4. Авлиякулов Н.Х., Намозова Н.Ж. Муаммоли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008. – 80 б.
5. Авлиякулов Н.Х., Романцев Г.М., Ткаченко Е.В. Теория и практика профессионально-педагогического образования. Том 1. – Екатеринбург: Изд-во ГОУВПО “РГПУ”, 2007. – 304 с.
6. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
7. Альджанова И. Ўқув портфолиоси – бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни шакллантириш воситаси сифатида / Педагогик таълим ж. – Т.: 2012, 4-сон. – 46-б.
8. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари / Монография. – Т.: Фан, 2007.
9. Бондаревская Р.С. Педагогическое проектирование в контексте инновационной образовательной деятельности // Ж. Человек и образование. – М.: 2009. - № 4. – С. 94-96.
10. Васильева В.Д., Петрунева Р.М. Проблема формирования проектной культуры будущего инженера // Ж. Мир науки, культуры, образования. – М.: 2010. - №3. – С. 105–107.2..
11. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами / Мет.кўлл. “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида инновацион технологиялар” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2013. – 95 б.
12. Гозман Л.Я., Шестопал Е.Б. Дистанционное обучение на пороге XXI века. – Ростов-на-Дону: “Мысль”, 1999. – 368 с.
13. Дьяченко В.К. Сотрудничество в обучении. – М.: Просвещение, 1991. – 194 с.
14. Дюков В.М. Педагог – руководитель. – Красноярск: ГОУ ВПО КГПУ им. В.П. Астафьева, 2010. – 108 с.
15. Дюков В.М., Семенов И.Н. Педагогическая инноватика. – Красноярск: Университет, 2007. – 84 с.

16. Зубра А.С. Педагогическая культура преподавателя высшей школы / Мет.пособие. – Минск: Акад. упр. При Президенте РБ, 2005. – 398 с.

17. Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Незьматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами / Мет.қўлл. Ўрта махсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013. – 137 б.

18. Ермолаева М.Г. Игра в образовательном процессе / Мет. пособие. – 2-е изд., доп. – СПб.: СПб АППО, 2005. – 112 с.

19. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

20. Ишмухамедов Р., Абдукародиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

21. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.

22. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.

23. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. – Т.: “Молия-иқтисод” нашриёти, 2009.

24. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург: ЕГПИ, 1999. – 244 с.

25. Красильникова В.А. Концепция компьютерной технологии обучения. – Оренбург: ОГУ, 2008. – 42 с.

26. Красильникова В.А. Теория и технологии компьютерного обучения и тестирования / Монография. – М.: Дом педагогики, ИПК ГОУ ОГУ, 2009. – 339 с.

27. Колесникова И.А., Горчакова-Сибирская М.П. Педагогическое проектирование. – М.: Академия, 2005. – 288 с.

28. Лиманова Г.Н. Технология сотрудничества // <http://www.emissia.org/offline/2003/903.htm>.

29. Михайленко Т.М. Игровые технологии как вид педагогических технологий // Педагогика: традиции и инновации. Мат.междунар. науч. конф. (г. Челябинск, октябрь 2011 г.). Т. I. – Челябинск: Патриот, 2011. – С. 140-146.

30. Мусаева С. Портфолионинг мақсад ва моҳияти / Педагогик таълим ж. – Т.: 2013, 1-сон. – 20-б.

31. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения. – М.: “ГЭОТАР-Медия”, 2008. – 43 с.
9. Нишонов А.Х. Windows операция тизимида ишлаш ва компьютер тармоқлари / Учебный курс. – Т.: ЎМКХТРИ. 2003. – 22-б.
32. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – 275 б.
33. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Қарши ДУ, 2000.
34. Педагогика. Изоҳли луғат / Ў.Аскарлова ва б. – Наманган: “Наврўз”, 2014. – 263 б.
35. Педагогика / Нопедагогик олий таълим муассасалари учун дарслик. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Д.И.Рўзиева, М.Х.Усмонбоева. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2012. – 246 б.
36. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик кўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.
37. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.кўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
38. Саидахмедов Н., Очилов М. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Т.: ХТБ РТМ, 1999.
39. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: “Молия-иктисод” нашриёти, 2003.
10. Сайфуоров Д. Малака ошириш тизимида масофавий таълимни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари // Касб-хунар таълими ж. – Т.: 2002. - №5-6. – 28-29-б.
11. Сайфуоров Д. Тингловчилар билиш фаолиятини белгилловчи омиллар // Касб-хунар таълими ж. – Т.: 2004. - №4. – 23-24-б.
40. Сайфуоров Д. Масофадан ўқитиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши // Касб-хунар таълими ж. – Т.: 2004. - №6. – 16-20-б.
41. Самостоятельная работа студентов: метод указания / Сост.: А.С.Зенкин, В.М.Кирдяев, Ф.П.Пильгаев, А.П.Лаш. – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2009.
42. Селевко С. Современные образовательные технологии. – М.: Педагогика, 1998. – С. 75-90.
43. Стенина Т.Л. Становление проектной культуры студентов. – Ульяновск: УлГТУ, 2011. – 244 с.
44. Педагогик технологиялар схемаларда / Ўқув кўлл. Б.Х.Рахимов ва б. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2009. – 124 б.

45. Прокопишина Н.А. Технология сотрудничества как педагогическая стратегия активного обучения / Метод. пособие. – Новочеркасск: Новочеркасский ГПИ, 2005. – 32 с.

46. Тожиев М., Зиёмухаммадов Б. Внедрение национальных педагогических технологий в учебно-воспитательный процесс и ее роль в развитии интеллектуального потенциала молодёжи / Монография. – Т.: “Mumtoz so’z”, 2010. – 271 б.

47. Толипов Ё.К., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006.

48. Унт И. Индивидуализация и дифференциация обучения. – М.: Педагогика. 1990. – 268 с.

49. Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Нетьматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами / Мет.кўлл. Ўрта махсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013. – 137 б.

50. Фокин Ю.В. Преподавание и воспитание в высшей школе: методология, цели и содержание, творчество / Учеб. пособие. – М.: Издательский центр “Академия”, 2002. – 224 с.

51. Хуторской, А.В. Дидактическая эвристика: Теория и технология креативного обучения. – М.: Издательство МГУ, 2003. – 162 с.

52. Фокин Ю.В. Преподавание и воспитание в высшей школе: методология, цели и содержание, творчество / Учеб. пособие. – М.: Издательский центр “Академия”, 2002. – 224 с

53. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж., Мамажонов И., Мусахонова Г. Янги педагогик технологиялар / Ўқув кўлл. – Т.: ТДИУ, 2007. – 71-74-б.

54. Фокин Ю.В. Преподавание и воспитание в высшей школе: методология, цели и содержание, творчество / Учеб. пособие. – М.: Издательский центр “Академия”, 2002. – 224 с.

55. “Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа / Тузувчи: Т.Т.Шоймардонов. – Т.: БИММ, 2015.

56. Ҳошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат / Маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2012. – 50 б.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, назарий асослари ва турлари .....	5
Модул таълими таълим технологиялари .....	30
Ҳамкорлик таълими технологиялари .....	46
Интерфаол таълим технологиялари .....	58
Масофавий ва компьютер таълими технологиялари .....	84
Муаммоли таълим технологиялари .....	105
Лойиҳа таълими технологиялари .....	127
Ривожлантирувчи ва табақалаштирилган таълим технологиялари .....	144
Ўйин технологиялари .....	157
Индивидуал, дастурий ва мустақил таълим технологиялари .....	168
Хотима .....	186
Глоссарий .....	188
Тест топшириқлари .....	197
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	204

---

Теришга 10.12.2015 йил берилди. Бичими 60x84 1/16. Офсет босма.  
“Times” гарнитураси. Шартли б.т. 12,1. Адади.150 нусха. Буюртма №505.

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси 100-уй.  
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95